O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **2** ноябрь, жума № **44** (2223).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **2** ноября, **2007** год, № **44** (2223).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Ислом КАРИМОВ

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК АСОСИ – ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюковни қабул қилди.

– Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, – деди мамлакатимиз раҳбари. – 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома бу ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва ҳарбий-илмий ҳамкорлик қуролли кучларни қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлашга, ахборот ва технологиялар алмашувини ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган. Ўзбекистон ва Россия полигонларида икки марта тактикавий қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилди. Бундай тадбирлар мамлакатларимиз манфаатларига мос ва ҳарбийлар учун фойдалидир. Хусусан, аксилтеррор машқларида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги умумий вазифалар бажарилади – биргаликда терроризмга қарши курашиш, террор хуружларини бартараф этиш механизмлари такомиллаштирилади, кўникмалар мустаҳкамланиб, тажриба алмашилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилади. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ҳар йили ҳамкорликка оид дастур ва режалар ишлаб чиқади ва амалга оширади. А.Сердюковнинг мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

Ҳарбий соҳадаги алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланиб бормоқда. Жорий йил май ойида Москвада мамлакатларимиз ўртасида қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларини кўчма зенит-ракета мажмуалари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш ва ахборот алмашиш тўғрисида битим имзоланган эди.

Ўзбекистон ва Россия хавфсизлик борасида ва ҳарбий соҳада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади. Бу борадаги алоқалар КХШТ қамраган минтақа сарҳадларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айни пайтда Ўзбекистон учун тезкор разведка маълумотларига, Россия махсус хизматларининг таҳлилий материалларига, замонавий қурол-аслаҳа ва техникага эга бўлиш имкониятлари кенгаяди.

Амалдаги ҳарбий ҳамкорлик ривожи ва кўлами Ўзбекистон билан Россия ҳарбий соҳада ҳам иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш йўлидан бормоқда, дейиш учун асос бўла олади.

Анатолий Сердюков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистон билан ҳарбий ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, бу йўналишдаги барча қўшма дастур ва режаларни қатъият билан, изчил амалга оширишни давом эттиришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка ҳамда минтақавий хавфсизликка оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Паҳлавон посбоним келди хизматдан

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюков 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Руслан Мирзаев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик икки мамлакат Президентлари – Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилмоқда. Мазкур йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, тажриба алмашиш, биргаликда машқлар ўтказиш бўйича давлатлараро дастурлар тузишга қаратилган.

Учрашувда мудофаа вазирликларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳарбий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

30 октябрь – 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар ўтган ҳафтада моддама-модда кўриб чиқила бошлаган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасини давом эттирдилар. Унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қонун лойиҳасининг фонд биржаси, қимматли қоғозлар бозорининг ҳисобга олиш тизими, қимматли қоғозлар бозорининг ахборот таъминоти тўғрисидаги, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тўғрисидаги бобларига киритилган моддалар муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасининг айрим моддаларини батафсил кўриб чиқиш чоғида депутатлар улардаги нормаларни такомиллаштиришга, ушбу моддалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирдилар. Фонд биржаси, қимматли қоғозлар депозитарийлари тизими ва маҳкамаси, уларнинг фаолият кўрсатишига оид тушунчаларни белгиловчи моддалар бўйича ушбу нормаларни янада аниқ ва изчил баён этишга қаратилган тавсиялар берилди. Қимматли қоғозлар бозорининг ахборот таъминоти масалалари бўйича мазкур моддаларнинг мазмунига концептуал ёндашувни ўзгартиришга қаратилган таклифлар киритилди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари, қимматли қоғозлар бозоридаги чеклашлар масалалари ва бошқа масалалар баён этилган моддаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ишчи гуруҳига депутатларнинг муҳокама жараёнида билдирган фикр-мулоҳазалари бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

"Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси Қонунчилик палатасининг 2007 йил 5 ноябрда бўлиб ўтадиган кейинги мажлисида давом эттирилади.

(ЎзА).

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

2007 йил 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади.

Унда Қозоғистон Республикаси Бош вазири К.Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари В.Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи А.Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси В.Зубков, Тожикистон Республикаси Бош вазири О.Оқилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М.Субанов иштирок этадилар.

Мажлисда ШҲТда кузатувчи мамлакатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е.Ахамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти П.Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М.Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х.Касури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти А.Масъуд қатнашадилар.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва алоқаларни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларига оид қарорларининг ижроси ҳақидаги, ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятининг ШҲТ ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2006 йил сентябрда Душанбе шаҳрида бўлган сўнгги мажлисидан кейинги даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тингланиши режалаштирилмоқда.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Қўшма баёнот, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



СОҒЛОМ АВЛОД – БУЮК КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганига 5 йил бўлди.

(Давоми 6-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



2007 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишларга мос равишда иқтисодиётни янада эркинлаштиришга ва бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик ва инвестициявий фаолликнинг ошиши макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларига эришиш имконини берди ва уларнинг ҳисобот даврида барқарор ривожланиши жорий йилдаги вазифалар ижросини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратди.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ИСТЕЪДОДЛАР – ЮРТИМ ОБРЎЙИ, ФАХРИ

Миллатнинг довруғини оламга ёйгувчи қадриятлар, унинг маданияти, маънавияти ҳар бир инсон учун Ватан, она каби қадрли бир тушунчадир. Мустақиллик туфайли юртимиз кундан-кунга гўзаллашиб, гуллаб-яшнамоқда. Истиқлол сабаб, миллийлигимиз қайтди. Қадриятлар, ота-боболардан мерос урф-одатларимиз, анъаналаримиз тикланди. Ҳар бир соҳада янгиланиш, катта-катта ўзгаришлар жараёни жадаллик билан давом этмоқда.

(Давоми 6-бетда).



2 ТЕХНИКЕ ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

В ЧЕТКОМ РИТМЕ



3 СОЛДАТЫ ВОЗВРАЩАЮТСЯ ДОМОЙ

ДОСТОЙНО ОТСЛУЖИВ – К РОДНЫМ ПЕНАТАМ!



10 IV ВСЕМИРНЫЕ ВОЕННЫЕ ИГРЫ

МОЛОДЕЖЬ ОПРАВДЫВАЕТ ДОВЕРИЕ



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

САНОБАРНИНГ ЭРТАКЛАРИ КЎП

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАР АСОСИ

Эътироф

ЮТУҚЛАРИ БИСЁРДИР УНИНГ

Истиқлолнинг 16 йиллиги тантаналари муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси, ҳарбий жамоа фаолиятидаги муваффақиятли иштироки учун Мудофаа вазири ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг ташаккурнома хатлари йўлланганидан хабарингиз бор, албатта. Таъкидлаш жоизки, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз шодиёнали кунларида юқори қўмондонлик эътирофига сазовор бўлганлар учун бу – кутилмаган совға бўлди.

Варзик қишлоғи Наманган вилоятининг Чуст туманида жойлашган. Ҳамдамовлар оиласи ўша ерда истиқомат қилади. Тўрт фарзандни вояга етказаётган оила бошлиғи ҳамда бекаси Самижон ака ва Шаҳрижон опаларнинг маҳалла-кўйда, ўзлари хизмат қилаётган жамоада ҳурмати баланд.

– Мен танлаган соҳага кучли қизиқишни ҳозирча фарзандларимда кузатганимча йўқ, – дейди ҳазил аралаш банк ходими бўлмиш Самижон Ҳамидов. Отанинг бу фикрини ортиқча изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ҳа энди, суҳбатдошим ҳам фарзандларининг ҳеч бўлмаса бири, унинг касбини эгаллашини хоҳлайди-да. – Эҳтимол кенжатойим – Бекзод... (ёнида ўтирган ўғлига кулиб қарайди).

Умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилувчи она эса ёлғиз қизини ўз томонига «оғдира» олди. Ҳозирда талаба – Шаҳло ҳам вақти келиб, ўғил-қизларга билим беради.

Тиббиёт коллежида таҳсил олаётган Шерзод акаси сингари ҳарбий бўлмоқчи. Шунинг учун ҳам у имкон бўлди дегунча оила тўнғичи – Алишерни олий ҳарбий билим юртлари, уларга ўқишга кириш имтиҳонлари, ҳарбийча ҳаёт ҳақидаги турли-туман саволларга «кўмиб» ташлайди. Ёш офицер ҳар гал Шерзоднинг қизиқиши, нигоҳларидаги олов ва шижоатини кўрганида шарафли касби, унинг масъулияти тўғрисида янада тўлқинланиб сўзлайди. Бундай мулоқотлар мобайнида у беихтиёр ўз ёшлиги, абитуриентлик даврини, курсантликнинг илк таассуротларини ёдга олса ажаб эмас. Қолаверса, бугун эшитаётган саволларни у ҳам бир пайтлар ҳарбий амакисига берган ва ҳар жавобни энтикиб кутганки, инининг аҳволини яхши тушунади.

Биз Ҳамдамовлар хонадонида бўлганимизда Алишерни кўрганимиз йўқ. Чунки у юртимиз гарнизонларидан бирида хизмат қилмоқда. Табиийки, оила аъзолари билан доим мулоқотда бўлади ва уларнинг ҳолидан хабар олади.

– Тўнғичимдан жуда хурсандман, – дейди она. – Лицейни имтиёзли шаҳодатнома билан тамомлагани, намунали ўқиши ва хулқ-атвори сабаб ўқитувчиларидан кўп чиройли сўзлар, миннатдорчиликлар эшитдик.

Шаҳрижон опа билан мулоқотимиз чоғида юзида табассум, нигоҳларида чексиз фахр ва ғурур акс этган Бекзод хонага кириб келди ҳамда онасига қўлларидагиларни тутқазди. Боланинг бизга назар ташлашиданоқ сездикки, бояги нарсалар у учун ҳам жуда қадрли. Бу нима экан деяпсизми? Ҳарбий акаси олган фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ва миннатдорчилик мактублари. Уларни бир-бир кўздан кечирдик.

«Аъло ўқиши, намунали интизоми учун курсант Ҳамдамов А. С. тақдирланади».

«...жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган юқори кўрсаткичлари, намунали хулқ-атвори ва Ватан олдидаги аъло даражадаги хизматлари учун ...».

Улар ичида ҳозирча энг сўнгтиси юқорида қайд этилган, Мудофаа вазири имзоси чекилган ташаккурномадир: «...Мудофаа вазирлиги раҳбарияти номидан Сизларга она юртимизнинг ишончли фарзандини тарбиялаб вояга етказганингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман...».

Таъкидлаш жоизки, ташаккурнома вилоят ҳокимлигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида, тантанали равишда топширилди. Фарзанди камолидан кўнгли чоғ ота-она кўзига севинч ёшлари келди, шундай хурсандчилик пайтларида. Ҳамдамовлар оиласидаги бу хушхабар бутун қишлоққа тез тарқалгани ҳамда кўпчилик уларни ҳавас билан тилга олганини тахмин қилиш қийин эмас, албатта. «Барака топсин», «Мартабаси бунданда улуғ бўлсин», сингари тилаклар билдирилган бўлса, яна кимдир «Минг қилса ҳам бизнинг қишлоқдошимизда», деди фахр билан Алишер ҳақида.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти аълочи битирувчиси лейтенант Ҳамдамов офицерлик фаолияти давомида ҳам муваффақиятларга эришиб, ҳарбий қисм ва округ қўмондонлиги эътирофига сазовор бўлмоқда. Қуролли Кучлар миқёсида анъанавий тарзда ўтказилувчи «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловида иштирок этиб, 2-босқичгача етиб борган ёш офицердан командирларнинг умиди катта.

Ҳа, офицер Алишер Ҳамдамов сингари мард, жасур ва тиришқоқ, доим интилувчан юрт посбонлари ўз яқинлари номига раҳмат ва миннатдорчилик, ташаккурномалар олиб келаверадилар. Зеро, улар айнан шундай муносабатга – юксак эътироф ва ишонч билдиришга, намуна ва ўрнак бўлишга, фахрланиш ва ғурурланишимизга лойиқ.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.



Марказий ҳарбий округ

ҲАЁТ МАКТАБИДА ТОБЛАНИБ

Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтаб, ўз яқинлари бағрига қайтаётган юрт ўғлонларини кузатиш муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилмоқда.

– Кузатув маросимларини давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари билан кенг ҳамкорликда амалга ошираяпмиз, – дейди тарбиячи офицер Шавкат Ҳошимов. – Ўз бурчини аъло даражада ўтаб, бошқаларга ҳар томонлама ибрат бўлган юрт ўғлонларига тавсиянома, шунингдек, округ қўшинлари қўмондонининг буйруғи билан «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» ва «Жанговар тайёргарлик аълочиси» каби кўкрак нишонлари тантанали тарзда топширилмоқда. Албатта, байрамларга ўйин-кулги ярашади. Шу боис биз ҳам кузатув тантаналарини сермазмун ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар гал байрамона дастурхон тузаб, даврамизга санъаткорларни ҳам таклиф этаяпмиз. Зеро, бу каби янгича анъаналар замирида халқимизнинг она Ватанни ҳимоя қилишдек эзгу ишга бош қўшган шунқорларига билдирилган чуқур миннатдорчилик ифодаси мужассам.

– Ҳарбий хизматда ўтган дамларим бир умр ёдимдан чиқмайди, – дейди Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилиб, ёруғ юз билан уйига қайтаётган Саййид Масадиков. – Қалбимда ғурур-ифтихор билан бирга соғинч ҳисси жўш урмоқда. Энг қувонарлиси, кўпчилик аскарларнинг орзуси бўлган тавсияномага сазовор бўлганимдир. Насиб этса, албатта институтда ўқиш ниятим.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент ҳарбий округи

ТЕРМА ЖАМОАГА САРАЛАНДИ

Округ қисм ва муассасаларида ҳар қандай тадбир ва спорт ўйинлари юқори савияда ташкиллаштирилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Куни кеча поёнига етган мана шундай спорт мусобақаларидан бири – қўл жанги бўйича ҳарбийлар ўртасидаги биринчилик беллашувлари кўпчиликнинг диққат эътиборида бўлгани шубҳасиз. Айтиш жоизки, шарқ якка курашининг энг мураккаб тури бўйича тўрт кун давомида бўлиб ўтган баҳсларда иштирокчилар жанг санъатининг юксак намуналарини намойиш қилиб мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

– Округимизда бу каби мусобақалар доимо юқори савияда ташкиллаштирилади, – дейди биз билан суҳбатда офицер Ҳамза Гаипов. – Ушбу биринчиликнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, спортчи ҳарбийлар ўз вазни тоифасида ғолиблик учун баҳс юритиш билан бир қаторда уларнинг маҳоратига қараб, округ терма жамоасининг янги таркиби саралананади. Баҳсларни эса офицер Шокир Жўраев бошчилигидаги тажрибали ҳакамлар бошқариб боришди.

Энди бевосита мусобақа тафсилотлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, эллик нафардан ортиқ спортчилар қатнашган мазкур мусобақада иштирокчилар тўққиз вазн тоифасида ўзаро куч синашишди. 60 килограмм вазнгача бўлган спортчилар беллашувида оддий аскар Ш. Авезов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Рақибларига ҳеч қандай имкон қолдирмай ўз истеъдодини намойиш қилган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Р. Жўраев 65 килограмм вазнда биринчи ўринга лойиқ топилди. 70 килограмм вазн тоифасида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти И. Матгазиев юқори чўққидан жой олган бўлса, 75 килограмм вазнда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти И. Султоновга тенг келадиган рақиб топилмади. 80 килограмм вазнда эса яна бир шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А. Каримов олтин медалга муносиб топилди. Ўз маҳорати билан мутахассислар томонидан эътироф этилган оддий аскар С. Ҳошимов чиройли жанг санъатини намойиш қилиб, 85 килограммда тенгсиз эканлигини исботлади. 90 килограмм вазнда рингга чиққан шартнома бўйича хизмат сержанти С. Солиев эса барча қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтиб, биринчи ўринга лойиқ топилди. 95 килограммда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ж. Суюнов устунликка эришган бўлса, 95 килограммдан оғир вазнда жанг олиб борган катта лейтенант А. Ҳайитов спортчи номига муносиб эканлигини амалда ҳам исботлаб, юқори чўққини забт этди.

Мусобақа ниҳоясида жанг санъатини мукаммал ўзлаштириб, ўз истеъдодларини кўрсата олган ҳарбий спортчилар округ қўмондонлиги томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сейман НАЗАРОВ.

Вести из подразделений

ОТЛИЧИЛИСЬ ПО ИТОГАМ МЕСЯЦА

Завершился летний период обучения 2007 учебного года. В частях и подразделениях подводятся его итоги, и в редакцию газеты «Ватанпарвар» все чаще поступают известия о военнослужащих, отличившихся на завершающем этапе учебного года.

ОФИЦЕРЫ ПОДАЮТ ПРИМЕР

Личный пример офицера всегда оказывал огромное моральное воздействие на подчиненных. Когда слово подкрепляется заботой и вниманием со стороны старшего начальника, то любая работа спорится. Высокий душевный настрой личного состава на завершающем этапе учебного года во многом задавался умелой работой офицеров-воспитателей. В частях и подразделениях округа хорошо знают офицера Шухрата Холмухамедова, возглавляющего этот ответственный участок работы. Благодарность и Памятный знак министра обороны – признание его личных заслуг в деле мобилизации личного состава на выполнение поставленных задач.

Для того чтобы учеба в школе подготовки сержантов шла на самом высоком уровне немаловажно иметь крепкий тыл и своевременное обеспечение учебных подразделений всем необходимым. Заместитель начальника школы подготовки сержантов по материально-техническому обеспечению майор Борис Морозов всегда в заботах. Добросовестный труд офицера, немало делающего для того, чтобы и ШПС, где он проходит службу, всегда была в числе лучших в Вооруженных Силах, не остался незамеченным. На днях передовому офицеру торжественно вручены часы от министра обороны.

СТРЕЛКИ НЕ ПОДВЕЛИ

Служба в рядах Вооруженных Сил всегда была предметом гордости для молодых людей. Даже несмотря на непростые климатические условия, они полны решимости проявлять бдительность и мужество, стойкость и выдержку.

Командир группы старший лейтенант Фарход Жамалов, младший сержант Шамсиддин Норкобилов, рядовые срочной службы Аскар Бобоев и Абдувахоб Уразбаев служат в мотострелковом подразделении. Эти и другие военнослужащие привыкли любое дело выполнять добросовестно, с полной отдачей сил. Находясь не так давно в служебной командировке и выполняя поставленные задачи, они сделали все, чтобы не подвести командиров и начальников. Вручение старшему лейтенанту Ф. Жамалову часов, а младшему сержанту Ш. Норкобилову, рядовым А. Бобоеву и А. Уразбаеву – Памятных знаков от министра обороны – наглядное свидетельство того, что воины по праву могут гордиться своей безупречной службой и воинской профессией.

ПАМЯТНЫЙ ЗНАК ДЕСАНТНИКУ

Командир секции младший сержант Дильшод Холбаев служит в десантном подразделении. Уже это обязывает его всегда быть на высоте, умело и своевременно выполнять любую поставленную задачу. Проявляя высокие лидерские качества, младший командир всегда на голову выше подчиненных. В самых трудных случаях личным примером воодушевляет их на выполнение поставленной задачи. Отличный специалист и умелый воспитатель добился того, что его подчиненные по всем показателям стали лучшими в части.

Кстати, так же служит и начальник тренажера младший сержант Гайратжон Мамаджонов. Не будучи знакомы лично, они оба как бы вступили в заочное соревнование. Благодарность и Памятный знак министра обороны, который каждому из них вручен на торжественном построении перед личным составом подразделений, станет новым стимулом для достижения еще больших успехов.

АВИАТОР НА ВЫСОТЕ

Обычно наша газета много и подробно рассказывает о летчиках, штурманах и других представителях воинских авиационных профессий, чья служебная деятельность овеяна ореолом романтики. Рядовой по контракту Улугбек Чулиев не поднимается в воздух, выполняя поставленные задачи. Но свои служебные обязанности выполняет всегда качественно и оперативно. Недавно воин-профессионал У. Чулиев стал настоящим героем в подразделении – ему была объявлена благодарность и вручен Памятный знак министра обороны. Теперь у него будет что рассказать родным и близким, друзьям и знакомым. Пройдет много лет, и, отправляя сына в армию, он сможет сказать: – «Служи, как я служил!»

КУРСАНТ – ЗНАЧИТ ОТЛИЧНИК

Учеба в военном училище – дело непростое и требует полной самоотдачи от каждого курсанта. Недаром на курсантов заглядываются девушки, ими восхищаются люди старшего поколения, им стремятся подражать подростки.

Прошедший месяц был особенно «урожайным» на награды для курсантов высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны. В короткой заметке, к сожалению, трудно перечислить всех, кто удостоился поощрений. Но самых лучших все-таки назовем. Так, благодарности и Памятного знака министра обороны были удостоены курсанты: Специального факультета ТУИТ – Дустмухан Бойтемиров; Ташкентского ВОКУ – Ахмад Яхшибоев, Дильшод Назаров; Джизакского ВВАУ – Исабек Курбанов; Чирчикского ВТКИУ – Хаетбек Кучкаров и рядовой по контракту Анвар Ширинов. А курсанту Александру Фролову (ДВВАУ) были вручены часы от министра обороны.

Не остался незамеченным и труд командиров и наставников нынешних курсантов. Капитан Алишер Очилов (СФ ТУИТ) отмечен Памятным знаком министра обороны, капитан Кахрамон Заидов (ЧВТКИУ) награжден часами от имени министра обороны.

Владимир КАЛОШИН.

Бдительность – наше оружие

ДЕЙСТВОВАЛИ ГРАМОТНО И ОПЕРАТИВНО

Раннее утро. Многие еще только просыпаются и собираются на работу. Парный патруль в составе военнослужащих по контракту младшего сержанта Ё. Юлдашева и рядового А. Пулатова вышел на заданный маршрут. Оба воина максимально внимательны, тщательно просматривают все подступы к военному городку...

Трудно сказать, на что рассчитывали четверо иностранных граждан, затеявших в эти ранние часы видеосъемку военного объекта, – на благодушие воинов гарнизона или на нерасторопность заступивших в наряд вое ннослужащих. В любом случае они просчитались. Тщательно продуманная система охраны, а также бдительность, неоднократно привлекавшихся к занятиям и тренировкам воинов-профессионалов, сработали безупречно.

Старший патруля немедленно оповестил о происходящем дежурного по части, его напарник уже не выпускал незнакомцев из поля видимости. Поднятый по условному сигналу личный состав дежурной группы незамедлительно прибыл на место происшествия и принял меры к задержанию нарушителей.

За оперативные и грамотные действия младший сержант Ё. Юлдашев и рядовой А. Пулатов награждены ценными подарками.

Соб. инф.

Технике заботу и внимание

В ЧЕТКОМ РИТМЕ

В подразделении, где служит офицер Нурулло Обидов, полным ходом идет перевод техники на режим эксплуатации в зимних условиях. Благодаря хорошей подготовке и организованному проведению все запланированные работы выполняются в намеченные сроки.

Во многом динамичная работа в автопарке определяется высоким уровнем подготовки личного состава. В этом подразделении немало хорошо подготовленных и умелых водителей. Так, младший командир сержант Фарход Расулов подает личный пример подчиненным, содержа свой автомобиль в безупречном состоянии, своевременно проводя его техническое обслуживание.

Столь же добросовестно относится к эксплуатации автомобиля и проведению порученных работ и водитель рядовой Ашурали Азизов. За довольно короткий, по армейским меркам, период службы он уже приобрел достаточно опыта, чтобы не только умело выполнить все предусмотренные планом мероприятия, но и своевременно выявлять и устранять имеющиеся на автомобиле неисправности.

И все-таки, как говорится, семь раз отмерь – один раз отрежь. Поэтому на завершающем этапе работ офицер Абдугаффар Юсупов в присутствии военнослужащих еще раз тщательно проверяет качество проведенных работ. И судя по настроению старшего начальника, он вполне доволен тем, как справились с задачей рядовой А. Азизов и его сослуживцы.

Работы, связанные с регулировкой и обслуживанием двигателя, электрооборудования, а также узлов гидравлических систем в части, как правило, выполняются на специализированных постах технического обслуживания, где трудятся самые опытные специалисты.


Один из них – младший сержант Даврон Мамадиев. Ему доверяют самые ответственные участки, самые сложные ремонты узлов и агрегатов. На его счету немало поощрений от старшего командования за отличное выполнение поставленных задач.

Под руководством младшего сержанта Кудратали Маликова действует пост смазочных работ.

Замена смазки в агрегатах, промывка и обслуживание топливной системы, слив отстоя и промывка топливных баков, обслуживание ходовой части, проверка крепления узлов и агрегатов, подтяжка болтов и гаек трансмиссии. Все это требует умения, немалых затрат физического труда, проявления смекалки и инициативы от личного состава.

Пройдет совсем немного времени и подготовленные воинами автомобили вновь выйдут на заданный маршрут. Им предстоит немало потрудиться для обеспечения нормальной жизнедеятельности и боевой учебы воинов в тяжелых зимних условиях. Профилактические работы, проведенные на технике в период перевода на режим осенне-зимней эксплуатации, позволят уменьшить износ деталей, предупредят отказы и неисправности, продлят срок службы военной техники, повысят ее мобильность и боеготовность.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. газеты «Ватанпарвар».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



На снимках: **во время проведения работ по переводу техники на режим эксплуатации в зимних условиях.**

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Солдаты возвращаются домой

ДОСТОЙНО ОТСЛУЖИВ – К РОДНЫМ ПЕНАТАМ!

На днях на вокзале города Ташкента торжественно встречали уволенных в резерв военнослужащих срочной службы. Это чествование стало достойной оценкой ратного труда наших парней, честно выполнивших свой сыновний долг перед Родиной.

В ожидании прибытия поезда беседуем с матерями солдат, нетерпеливо поглядывающими в ту сторону, откуда должен показаться состав.

– У меня два сына, – охотно вступает в разговор Гулчехра-апа Турсунова из Урта-Чирчикского района столичной области. – Старший, Рустам, достойно отслужил в подразделении связи, именно его я сегодня встречаю. А младший, Достон, учится в 11-м классе средней школы. После обстоятельных писем брата об интересной армейской службе, ставшей для него настоящей школой жизни, он тоже мечтает быть призванным в ряды Вооруженных Сил.

– За годы независимости служба в армии стала не только конституционным долгом для наших сыновей, но и поистине престижным делом, предметом гордости, – подключается к нашей беседе Гулзахира-апа Бердибаева из Пскентского района. – Например, мой Бахтиёр мог бы и не служить, ведь он единственный сын в семье, но сам настоял на своем желании, успешно пройдя через строгие испытания в ходе призывной кампании. Чувства сопричастности к судьбам Родины, ответственности за ее защиту руководили его помыслами. И, на мой взгляд, я могу гордиться этими чувствами, которые воспитало в Бахтиёре все наше общество.

Незаметно за душевной беседой пролетает время. И вот уже под звуки карнаев и сурнаев долгожданный поезд осаживает на первый путь столичного вокзала. Уже из окон вагонов мелькают солдатские лица, блестят оживленно глаза и сверкают улыбки. Одними из первых сходят со ступенек рослые парни в голубых беретах, отслужившие в овеянных романтикой десантных подразделениях. Рядовой резерва Юрий Булов видит мчащегося ему навстречу племянника Максима. И только потом находит взглядом папу – Геннадия Викторовича, маму – Любовь Андреевну. Эта семья из Зангиатинского района вырастила троих офицеров. Старшие, Виктор и Александр, уже капитаны, они тоже прошли школу службы в десанте, а третий, Андрей, пока старший лейтенант. Четверть века отдал армейской службе и отец семейства.

– Юра тоже мечтает стать офицером, – говорит Геннадий Викторович. – Сначала думал остаться в части на службе по контракту, но позже все же решил поступать в военное училище по примеру старших братьев.

Приветливо улыбается встречающим проводник одного из вагонов поезда Рустамжон Айзратходжаев.

– Уже двадцать лет работаю на железной дороге, но самые волнующие рейсы для меня, когда везу домой отслуживших солдат, – делится он впечатлениями от поездки. – Они честно выполнили свой долг перед Отчизной, и мне всегда хочется как-то по особенному хорошо организовать их отдых в поезде. Я ведь и сам служил в армии. Общаясь с ними, я словно душой молодею.

Вместе с ташкентцами приехали в столицу и представители других областей, которым предстоит пересадка в другие поезда. Поэтому здесь же на вокзале одновременно со встречей происходит и прощание боевых друзей: объятия, обмен адресами, обещания звонить и писать. Служба в армии подружила этих парней, и они пронесут эту крепкую солдатскую дружбу через всю оставшуюся жизнь.

Рядового резерва Кобила Ибрагимова из Учтепинского района столицы крепко обнимает мама, Шохида-апа, а потом дядя, Дадамирзо-ака, специально приехавший встретить племянника.

– Хорошо служил наш солдат, ему вручили Рекомендацию для поступления на льготной основе в вузы, – не скрывает гордости дядя. – До армии Кобилжон отучился в колледже связи, служил связистом, а теперь будет поступать в Ташкентский университет информационных технологий.

– Рядовой Ибрагимов вполне по заслугам получил Рекомендацию, – отозвался о солдате капитан Кахрамон Курбанов. – И оценки по всем предметам боевой учебы и общественно-политической подготовки у него отличные, и с дисциплиной все в порядке. Уверен, из него выйдет достойный гражданин нашего независимого Узбекистана.

Вот и о рядовом резерва Суръате Бусинове из Букинского района командиры могут сказать точно такие же добрые слова. Парень отлично отслужил, заслужив Рекомендацию, теперь мечтает поступать в юридический институт, чтобы укреплять демократию, участвовать в построении правового общества. Достойно отслужил в десанте и Хамиджон Абдурахманов из Сергели, также твердо решивший стать студентом.


– Хочется сказать слова благодарности моим командирам, – говорит рядовой резерва Ильхом Эгамназаров из Алмалыка. – За время службы в десанте я научился по настоящему ценить верную дружбу и взаимовыручку. А знак «Жанговар тайёргарлик аълочиси» стал самой дорогой памятью об армии для меня. Мне приятно, что оправдал доверие Родины, добрые напутствия моих земляков и близких.

Глядя на бравую выправку этих молодых людей, сверкающие на груди значки за отличие в службе, проникаешься искренней гордостью за них. Прекрасное у нас подрастает молодое поколение, оно будет надежно стоять на защите нашей независимости, сохранит и приумножит славные традиции отцов и дедов.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**







Тавсиянома – муҳим имтиёз

ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Аввал хабар қилганимиздек, яқинда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасадди ходимлари иштирокида Тавсиянома олишга талабгор ҳарбий хизматчилар тест синовларидан ўтказилган эди. Куни кеча капитан Нурулло Обидов хизмат қилаётган алоқачилар қисмида имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган илғор посбонларга Тавсияномаларни топширишга бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Тадбирда қисм шахсий таркиби, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Муддатли хизмат бурчини ўташ пайтида бундай омадга сазовор бўлган аълочи жангчиларни табриклаш учун сўзга чиққанлар мамлакатимизда она юртимиз ҳимоячиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имтиёзлар ҳақида фахр билан гапирдилар. Тавсияноманинг шунчаки имтиёз бўлибгина қолмасдан, балки ғайратли аскарлар учун ўз истиқболидаги режаларнинг амалга ошишидаги муҳим омил эканлигини таъкидладилар.


– Бугун етук билими, намунали тартибинтизоми ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда қўлга киритган улкан ютуқлари учун Тавсиянома олишга муваффақ бўлган сафдошларим қаторида менинг ҳам номим эътироф этилганидан беҳад хурсандман, – дейди самарқандлик оддий аскар Воҳид Суннатов. – Армиягача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомактабида таҳсил олган эдим. Муддатли хизмат бурчимни ҳам ҳарбий техника ҳайдовчиси сифатида ўтадим. Ўтган бир йил мобайнида малакамни оширишга астойдил ҳаракат қилдим. Жонкуяр командирларимдан ҳарбий ҳайдовчиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллашга бор имкониятимни сафарбар этдим. Шунингдек, хизматдан бўш пайтларимизда ўқишга киришни хоҳловчи йигитлар учун ташкил этилган қўшимча машғулотларда фаол қатнашиб, ўз устимда мустақил равишда ишладим. Қилган саъй-ҳаракатларим зое кетмади. Жиддий синовлардан ёруғ юз билан ўтиб, бугун Тавсиянома олишга эришдим. Посбонларнинг муносиб таълим-тарбияси учун қайғуриб, тегишли имтиёзларни яратаётган ҳукуматимиздан миннатдормиз. Келгуси йил Тошкент давлат юридик институтига ўқишга киришни мақсад қилганман.



– Армияни ҳаёт мактаби, дея бежиз айтишмаган экан, – дейди алоқачи оддий аскар Розиқжон Рустамов. – Биз офицер ва кичик командирлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаш учун интилдик. Олган назарий билимларимизни дала-ўқув машғулотларида янада мустаҳкамладик. Энг муҳими, қуролдош дўстларим билан бир ота-она фарзандларидек аҳил, иноқ бўлиб, бир-биримизнинг мушкулимизни осон қилишга, лозим бўлса ҳар қандай вазиятда сафдош учун ёрдам қўлини чўзишга одатландик.

Мана, йигитлик бурчимни сидқидилдан ўтаб, олтиариқлик ёру биродарларим ҳузурига ёруғ юз билан қайтмоқдаман. Тавсияномa олганимдан жуда мамнунман. Уйга қайтгач, Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кириш учун жиддий тайёргарликни давом эттираман. Олий ўқув юртига киришимда армияда орттирган тажриба ва кўникмаларим албатта асқотади.

Майор Жавоҳир СОБИТОВ.
Суратларни Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган.



MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI O'ZBEKISTON

23 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

БИЗДА ВА ХОРИЖДА МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Қандай ҳолатларда фуқаро сайлов ҳуқуқида чекловлар бўлади? Чекловлар бошқа давлатларда ҳам мавжудми? Президентликка номзоднинг шахсига қандай талаблар қўйилади, шуларни билишни истар эдик.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар Зокир Маматов, Шукур Қодиров.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб сайлов ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Баъзи ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларида айрим чекловлар ҳам ўрнатилган. Хусусан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловларда қатнашмайдилар.

Айрим хорижий мамлакатларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бевосита чекланганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1977 йилги Эквадор Конституциясига мувофиқ, ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар. Перу, Панама, Аргентина, Бразилия ва Мексикада унтер-офицерлар ва армия, флот, полиция оддий аскарлари, қамоқхона хизматчилари ҳамда мажбурий ҳарбий хизматни ўтамаган шахслар овоз беришдан маҳрумдирлар.

Мамлакатимизда 18 ёшга тўлган фуқаролар сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Баъзи хориж давлатларида сайлаш ҳуқуқларидаги ёш кўрсаткичи турлича. Жумладан, Бразилия, Никарагуа, Куба, Эронда фуқаролар 16, Индонезияда 17, Боливия, Марокаш давлатларида эса 21 ёшда фуқаролар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Мазкур талабларга жавоб бермаган шахснинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Турли мамлакатларда президентликка номзод бўлиш учун турли ёш цензлари белгиланган. Масалан, Италияда 50 ёш, Россияда 35 ёшдан президентликка номзодини қўйиш мумкин. Шунингдек, цивилизация, тараққиёт натижасида сайловга доир баъзи чекловлар бекор қилинди. Дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларгагина тегишли эди. XX асрга келиб сайлов масаласида эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилди. Шахснинг жинсига қараб сайловда иштирок этишига тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги улкан ўзгаришларни ҳақли равишда демократиянинг амалдаги кўриниши дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари шу кунларда барча юртдошларимизнинг диққат марказида турибди. Сайловга тайёргарлик ишлари, уни ўтказишга доир қонун ҳужжатлари республикамиз оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилмоқда. Бу муҳим жараёндан Ватан ҳимоячилари ҳам четда эмас. Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун чуқур ўрганилди. Марказий сайлов комиссияси ва унинг ваколатлари ҳақида батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўтган давр мобайнида мазкур комиссия томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи ўн тўртта сайлов округи, округ сайлов комиссиялари ташкил қилинди. Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида маҳаллий ҳокимликлар, сайлов округлари комиссиялари билан ҳамкорликда амалга ошириш кўзда тутилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳамкорликдаги иш режаларига мувофиқ Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасаларида участка сайлов комиссиялари тузиш кўзда тутилди.

Ҳамкорликда олиб борилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишларида ҳам армия ва халқ якдиллиги очиқ-ошкора кўзга ташланиб турибди. Шу кунларда Ўзбекистонни дунё нигоҳидаги юрт дейиш мумкин. Мамлакатимиз ғоят қисқа бир даврда ўзига хос ва мос ўз йўлига эга бўлди. Истиқлол йилларида ҳар томонлама мукаммал ўзбек давлатчилиги шаклланди. Бу давлатда адолат ва ошкоралик устувор. Сайловлар ҳам ҳақиқий демократик тамойиллар асосида, миллий қонунчилигимиз доирасида, жаҳон андозаларига мос равишда ўтишига шубҳа йўқ.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда сайлов участкалари ташкил қилиниб, улар керакли адабиётлар, кўргазмали воситалар билан етарли даражада жиҳозланган. Бунда жойлардаги сайлов округлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари қўл келмоқда. Юртимиз ҳаётидаги мазкур муҳим сиёсий жараён ҳақида янада кўпроқ посбонларимиз ва уларнинг оила аъзоларини хабардор қилиш, жиддий тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам катта масъулият талаб этади. Посбонларимиз учун айнан сайловга тайёргарлик ва унинг ўтказилиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган махсус машғулотларнинг олиб борилаётганлиги мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари ҳамма жойда ғоят қизғинлик билан амалга оширилмоқда. Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасалари ҳам бу борада белгиланган тадбирларни юксак онглилик намуналарини кўрсатиб бажарадилар.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

POSBON BO'LAR YIGITNING MARDI

Islohotlar samarasi

KATTA HAYOTGA ISHONCH BILAN

Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar sabab, bugun soha tobora rivojlanib, harbiy xizmatning nufuzi va obro'si kun sayin faxr-iftixor qilsa arzigulik darajada oshmoqda. Birgina muddatli harbiy xizmat tufayli qo'lga kiritish mumkin bo'lgan imtiyozu imkoniyatlarning o'ziyoq professional asosga o'tayotgan milliy armiyamizning mavqei qay darajada yuksakligidan dalolatdir.

E'tiborli tomoni, bugun yigitlar muddatli harbiy xizmatga borish uchun alohida tayyorgarlik ko'rishmoqda. Chunki posbonlikka eng munosib, saralar ichra saralargina tanlab olinyapti. Jismonan, ma'nan va intellektuallik jihatidan yetuk, boshqalarga o'rnak bo'la oladigan, ilg'or, a'lochi yigitlargina o'zbek armiyasining askari bo'lishdek sharafli nomga munosib topilmoqda. Armiyada esa ular har tomonlama shakllanayapti. Bu borada Prezidentimiz Islom Karimov Vatan himoyachilariga yo'llagan bayram tabrigida shunday deydi: "Farzandlarimiz armiya safida harbiy mutaxassisliklarni egallash bilan birga jismoniy va ma'naviy jihatdan chiniqib, irodasi toblanmoqda, qat'iy hayotiy pozitsiyasi shakllanmoqda, eng muhimi, ular Vatan himoyasi uchun doimo tayyor turadigan fidoyi insonlar bo'lib kamol topmoqda".

Shunqorlarni harbiy qismlarga kuzatish va xizmatni tamom qilganlarini kutib olish tadbirlari keng jamoatchilik ishtirokida bayramona tarzda o'tkazilishi, shuningdek, Vatan ichra kichik Vatan bo'lgan mahallaning ushbu marosimlarda faol ishtirok etishi xalq va armiya yakdilligini yaqqol ifodalaydi. Muddatli xizmatni ado etib qaytgan yigitlarimiz o'qiyman desa, bilim dargohlari ularga quchoq ochadi, ishlayman, deganlarga xalq xo'jaligining turli sohalarida bo'sh ish o'rinlari tayyorlab qo'yilgan. Hunar o'rganishni xohlaganlarga ham imkoniyatlaru qulayliklar bisyor. Eng muhimi, harbiyda xizmat qilgan yurt o'g'lonlari Vatan osoyishtaligini asrashdek savob ishga qo'l urish bilan birga harbiy bilimlar, shu jumladan, keng hayotiy bilimlarni ham egallab qaytishmoqdaki, bu holat armiyaning hayot maktabi ekanini ro'y-rost ifoda etadi.

– Armiyada xizmat qilib, juda ko'p narsa o'rgandim, – deydi samarqandlik Xurshid Ahmadjonov. – Eng muhimi, mustaqil, o'z fikriga ega inson sifatida shakllandim. Har kimning hayotda ko'zlagan ma'lum maqsadi bo'lishi kerakligini teranroq angladim. Hozir viloyatimizdagi "Sino" ochiq aksionerlik jamiyatining "Parvina-quruvchi polivinilxlorid plastik profillar ishlab chiqarish sexida ishlayapman. To'g'rirog'i, muddatli harbiy xizmatni o'tab qaytganlarni ish bilan ta'minlash haqidagi imtiyoz bunda katta foyda berdi. Yangi jamoada mehnat qilayotganimga ikki oydan oshdi. Mashaqqatlarni mardona yengib o'tishga odatlanganim uchunmi, ishim sira qiyinchilik tug'dirayotgani yo'q.

Yana bir tengdoshimiz Murod Turopov ham ushbu jamiyatning plastmassa sexida mehnat qilayapti. U ham rezervga bo'shatilganlarga belgilangan imtiyozdan foydalandi.

– Vatan oldidagi burchimizni sharaf bilan o'tab qaytgach, endi o'z mustaqil hayot yo'limizni belgilab olishimiz kerak edi, – deydi Murod. – Bir qaraganda oddiydek ko'ringani bilan ammo o'ta jiddiy va mas'uliyatli voqea. Chunki tanlagan yo'ling bir umrlik hamrohing demakdir. Shu haqda obdon o'ylab ko'rib va sharoitlarimni ham hisoblab, ishlashga qaror qildim. Davlatimiz rahbariyatining bu borada ko'rsatayotgan g'amxo'rliklari va belgilab qo'ygan imtiyozlari sabab, mana, ishli ham bo'ldim. Men kabi armiya xizmatidan qaytganlarga Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining joylardagi boshqarma va bo'limlari tomonidan band qilib qo'yilgan bo'sh ish o'rinlari haqida ma'lumotlar berilarkan. Har kim o'ziga ma'qulini tanlab oladi. Tengdoshlarimning ayrimlari o'qishni tanladi, ko'pchilik shartnoma bo'yicha harbiy xizmatni, ichki ishlar va bojxona sohalarini ma'qul ko'rishdi. Tadbirkorlik va boshqa yo'nalishlarni tanlaganlar ham oz emas. Muhimi, ularning aniq maqsadlari borligida. Barchasiga omad tilayman va ishontirib aytamanki, hayot maktabi bo'lgan armiya xizmati ularga katta hayotda ham rosa asqotishiga ishonaman.

O'zingiz guvoh bo'lganingizdek, hayot maktabida toblanib, ona Vatanni himoya qilishdek sharafli vazifani ado etib qaytgan yigitlarga ko'rsatilayotgan bunday e'tibor ularning o'z hayot yo'llarini topishlarida ham muhim poydevor bo'lmoqda. Shu bilan birga hali armiyaga bormagan yoshlarning ham xizmatga bo'lgan qiziqishlarini oshiryapti. Albatta, har qanday xayrli ishning zamirida ezgu bir maqsad bo'ladi. Yoshlarga berilayotgan bunday imkoniyatlar zamirida esa yurtimizning mudofaa va iqtisodiy salohiyatini yuksaltirishdek ezgu maqsad yotibdi. O'ylaymizki, ayni damda xizmatdan qaytib ish bilan ta'minlangan yoshlar mana shu maqsad yo'lida o'zlarining fidokorona mehnatlarini ayamaydilar.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

Otangga rahmat

E'TIROFGA MUNOSIB

Elga xizmat – oliy himmat, deydi dono xalqimiz. Darhaqiqat, ko'pchilikning olqishiga sazovor bo'lish va e'tibor qozonish haqiqiy jo'mard, fidoyi va oqil insonlargagina xos bo'lgan ezgu fazilatdir.

Muddatli xizmat oddiy askari Mehrojxon Olimov armiyaga borib o'z yigitlik burchini o'tashni ezgu maqsad, haqiqiy sharafli ish deb bilardi. Shu bois tinmay tayyorlanib, bilim va malakasini boyitib bordi. Sport bilan muntazam shug'ullanib, o'zini chiniqtirdi. Vaqti-soati etib mudofaa ishlari bo'limiga chaqirtirilganda, egallagan saboqlari o'g'longa rosa asqotdi. U sinovlardan muvaffaqiyat bilan o'tib, hay'at a'zolari tomonidan yurt himoyachilari safida bo'lishga har tomonlama munosib deb topildi.

Shu tariqa saralar ichra sara o'g'lon sifatida Vatan xizmatiga yo'l olgan Mehrojxon Toshkent harbiy okrugiga qarashli harbiy qismlardan biriga kelib tushdi. Uni qaynoq harbiy hayot o'z quchog'iga oldi. Intiluvchan va tirishqoq posbon bu yerda ham fidoyiligi, javobgarlik hissini chuqur his etib, qo'yilgan vazifani o'z vaqtida sifatli ado etishi bilan tezda e'tibor qozondi. Jangovar san'at ilmi hamda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotlarida yana ham bilim va ko'nikmasi oshdi. Komandir va boshliqlarning berayotgan ta'lim-tarbiyasini har dam o'zi uchun muhim dasturilamal deb bildi.

Shu tariqa mashaqqatlarga mardona dosh berib, qiyinchiliklarni har doim yengib o'tishni ko'zlagan shunqor sabotliligi va qat'iyati hamda a'lo xizmatlari sabab, yuqori turuvchi boshliqlarning ham e'tiboriga tushdi. Ulug' istiqlol shodiyonasining o'n olti yillik to'yi arafasida yuksak ma'naviyatli va keng dunyoqarash egasi bo'lgan chinakam vatanparvar posbonning a'lo xizmatlari e'tirof etilib, Samarqand viloyatining Oqdaryo tumaniga qarashli Loish shaharchasida istiqomat qilayotgan ota-onasi Abdug'ofir aka Olimov va Fazilat opa Bahromovalarga Mudofaa vaziri tomonidan tashakkurnoma xati yo'llandi. Ya'ni xalq tilida aytganda, qobil farzand ota-onasining yuzini yorug' qilib, ularga rahmat olib kelish bilan obro'larini ham bir pog'ona yuqoriroq ko'tardi.

Bugun yurt himoyachisining ota-onasi o'g'illari bilan faqat faxrlanadilar. "Sen belimning quvvati, kelajak tayanchimsan bolam, iloyo kam bo'lma!" – deydi padari buzrukvori g'urur bilan.

"O'zimning pahlavonim, suyangan tog'im, ha demay bag'rimga qaytib kelasan. Nasib etsa, to'yingni qilamiz. Kelinlikka mo'ljallab ko'z ostimga olib qo'ygan qizlar ham bor. Ishqilib, omon bo'l, har doim ana shunday ko'pchilikka xizmat qilib, el ardog'ida bo'lgin", – deydi volidai muhtarama onalarga xos mehr bilan.

Ha, azizlar. Bobolar aytganidek, yurt qo'rigan kam bo'lmaydi. Astoydil qilingan mehnat albatta, o'z samarasini beradi. El-yurt koriga kamarbasta bo'lganlarni el olqishlaydi. Qahramonimiz Mehrojxon ham Vatanga sidqidildan xizmat qilib, e'zozga erishdi. U ha demay Qurolli Kuchlar safidan rezervga bo'shatiladi. Armiyada erishganlari porloq kelajak sari ishonch bilan qadam tashlayotgan yosh o'g'longa mustaqil hayotda ham bir umr asqotishiga aslo shubha yo'q.

Shahriyor KOMILOV.

Safda yosh askarlar

MUNOSIB KUTIB OLINYAPTI

Biz keyingi paytlarda yoshlarni harbiy xizmatga tantanali kuzatish marosimlari haqida gazetamiz sahifalarida batafsil ma'lumotlar berib keldik. Shu kunlarda Mudofaa vazirligi harbiy qism va muassasalarida ana shu tantanali marosimlarning uzviy davomini ko'rish mumkin. Aniqroq qilib aytadigan bo'lsak, harbiy qism va muassasalar yosh askarlarni tantanali ravishda kutib ola boshladilar.

Xuddi shunday marosim aloqachilar qismida ham bo'lib o'tdi. Marosimda davlat va jamoat tashkilotlarining vakillari ishtirok etdilar. Tadbirda ishtirok etgan mahalliy hokimiyat organlari vakillari yosh askarlarga yaratilgan shart-sharoitlar bilan tanishdilar.

Mustaqil mamlakat armiyasining bugun barchaga ko'z-ko'z qiladigan jihatlari ko'p. O'tgan yillar davomida harbiy xizmat nufuzi salmoqli darajada oshdi. Yigitlarimiz uchun Vatan himoyasi shon-sharaf ishiga aylandi. Bugun farzandi Vatan himoyasida bo'lgan onaning quvonchiga ta'rif yo'q. Eski tuzum qoldirgan xavotir hissiga qarchig'aydek bo'lib hayot maktabida toblanib, yaqinlari bag'riga qaytgan o'g'lonlar barham berdilar. Armiya ulkan imkoniyatlar eshigini ochib, yoshlarimiz kelajagi uchun mustahkam poydevor vazifasini o'tayotganligini bugun hammamiz ko'rib, bilib turibmiz.

Tantanali tadbir sababchilarining bu boradagi fikrlari bilan o'quvchilarni ham tanishtirishni lozim topdik. Yosh askar Amin Aminjonov Samarqand viloyatidan harbiy xizmatga chaqirilgan:

– Biz hali maktab partasida o'qib yurgan kezlarimizdayoq bo'lg'usi Vatan himoyachilari sifatida Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar, ularning maqsadi, bugungi milliy armiyamiz haqida ko'pdan ko'p ma'lumotlar berilar edi. O'sha paytlardayoq harbiy xizmatga borish istagi barcha tengdoshlarimda juda kuchli edi. Keyinchalik chaqiruv jarayonlarida ishtirok etib, posbon bo'lish uchun u qanchalik kuchli bo'lmasin, birgina istakning o'zi kamlik qilishini anglab yetdim. Murakkab tanlov jarayoni sharafli ish uchun jiddiy saralashni amalga oshirar ekan. Men ana shu tanlovdan o'tib, Vatan himoyasiga munosib topilganimdan juda faxrlanaman. O'z navbatida bu yuksak ishonchni sharaf bilan oqlashga harakat qilaman.

– Bizni kutib olish tantanalarida juda to'lqinlanib ketdim, – deydi yana bir yosh askar Fazliddin Soatov. – Bizga, ya'ni yosh askarlarga ajratilgan yorug', shinam yotoqxonalar, maishiy xizmat va turli mashg'ulot xonalari bilan tanishdik. Tantanali marosimda yoshi ulug' oqsoqollar bizga muvaffaqiyatlar tilashdi va ular hamisha xizmatimizdan boxabar bo'lib turishlarini ta'kidladilar. Harbiy xizmat yigitlar hayotidagi eng sharafli vazifa bo'lishi bilan birga g'oyat jiddiy sinov ekanligini ham gapirib o'tdilar. Ularni tengdoshlarim nomidan ishontirib aytamanki, biz ham el-yurt ishonchini sharaf bilan oqlaymiz va shu maqsadda Vatan osoyishtaligini asrashga bel bog'laganmiz.

Mazkur harbiy qism yosh askarlarni kutib olishga g'oyat katta mas'uliyat bilan yondashganligi ko'rinib turibdi. Yosh askarlarning yashash sharoitlari uchun qulayliklar yaratish bilan birga, ularni tajribali komandirlar bilan ta'minlashga ham katta e'tibor qaratilgan. Ofitser Nizomjon Salohiddinov yosh askarlar bilan ishlashda ancha-muncha tajribaga ega. Tajribali ofitser qo'l ostida xizmat qilgan ko'plab yoshlar hayotlarini armiya bilan bog'laganlar. Askarning shakllanishida komandirning shaxsiy namunasi ham beqiyos ahamiyatga ega ekanligini ko'pchilik yaxshi tushunadi. Mahoratli ofitserlarimiz hayot maktabiga endigina kirib kelgan yoshlar uchun bor bilim va tajribalarini ishga solib, komil insonlar tarbiyasida o'zlarining munosib hissalarini qo'shadilar.

Inobat IBROHIMOVA,
«Vatanparvar» muxbiri.

Sarkardalar sabog'i

URUSH VA TINCHLIK (VAQTI)DA SOQCHILIK QILISH VA MAJLIS-YIG'INLARDA HOZIR BO'LISH TUZUGI

Amr qildimki, sipohiylar, amirlar, mingboshilar, yuzboshilar va o'nboshilar devonxonaga, bazm-majlislariga kulohsiz (bosh kiyimisiz), etiksiz, sarmuzasiz, bo'rk yoqalik chakmonsiz, bo'kda, qilichsiz hozir bo'lmasinlar. O'n ikki ming qilich osgan askar urushu tinchlik vaqtida butun yaroq-aslahalari bilan ko'shkda, devonxonaning o'ng va so'l tarafidan, orqasidan va oldidan qurshab tursinlar. Shu tartibda har kecha ulardan ming kishi soqchilik qilish uchun hozir bo'lishsin. Har yuz qilichli ustiga bir yuzboshi qo'yilsin va unga shartlashilgan maxfiy so'zni aytsinlar.

Yana amr qildimki, urush paytida o'n ikki amirdan har biri, mingboshilar, yuzboshilar, o'nboshilar o'n ikki ming qurollangan otliq sipohi bilan bir kecha-kunduz davomida har qaysilari o'z xonlarini qo'riqlash uchun hozir bo'lsinlar. Bu o'n ikki ming otliq lashkarni to'rt favjga bo'lib, bir favjini barong'orga, boshqasini javong'orga, bittasini o'rduning oldiga, boshqasini esa o'rduning orqa tarafiga tayinlasinlar. Ushbu favjlar navbatma-navbat o'rdudan yarim farsang uzoqlashib soqchilik qilsinlar. Ushbu to'rt sipohiy favj o'zlari uchun hirovul belgilasinlar, hirovuldan esa qorovullar tayinlansin. Ular bo'lsa ehtiyotkorlik va hushyorlikni qo'ldan bermay, o'rduga xabar yetkazib tursinlar.

Yana hukum qildim, atrofimda joylashgan lashkar va o'rduga, har birida (alohida) bittadan kutvol tayinlasinlar va o'rduni qo'riqlash, soqchilik qilish ishlari shular ustiga yuklansin, bozor ahlidan soliq olish ham shular zimmasida bo'lsin. Agar o'rdu ahlidan biron kimsaning narsasi o'g'irlansa, ular javobgarlikka tortilsinlar.

(Qo'shin orasidan) to'rt favj chopqunchilar tayinlashni buyurdim. Bular to'rt farsang masofada lashkar yonida yurib, ularni qo'riqlab borsin. Bordiyu lashkardan biron kishi o'ldirilganini yoki yaralanganini ko'rsalar, uning ishini o'z zimmalariga olishlari lozim. Agar biron kimsaning narsasi o'g'irlansa ular javobgar bo'lsin.

Yana buyurdimki, lashkarning uchdan bir qismi sarhadlarni qo'riqlash ishiga belgilansin; (uchdan) ikki qismi esa doim saltanat xizmatiga hozir bo'lib tursin.

"Temur tuzuklari"dan.

XIZMATDA HAR TOMONLAMA CHINIQDIM



Oddiy askar Bobur To'raqulov muddatli xizmatning so'nggi kunlarini o'tamoqda. Bunday paytlarda qadrdon bo'lib qolgan harbiy jamoa – safdosh do'stlar, harb ilmidan saboq bergan ustozlar, yigitlik maktabi sanalmish aziz go'shani tark etish oson emas. Ortda qolgan bir yil esa yigitni har tomonlama chiniqtirgani aniq.

Bobur Ohangaron tumanining Alisher qishlog'ida voyaga yetgan. Ohangaron shahar maishiy xizmat kasb-hunar kollejini tugatgach, Angren shahridagi mudofaaga ko'maklashuvchi «Vatanparvar» tashkiloti qoshidagi haydovchilar tayyorlash maktabida tahsil oldi. Sir emaski, bu maktabda haydovchilik sirlarini egallashning o'zi bo'lmaydi. Chunki harbiy xizmatga layoqatli yigitlargina mudofaa ishlari bo'limlari tomonidan tavsiya etiladi. Bu e'tiborga loyiq topilgan maqolamiz qahramoni kasb sirlarini egallab, muddatli xizmatga otlandi.

– Jangovar mashinalarni boshqarishni har bir yigit orzu qiladi, albatta, – deydi oddiy askar Bobur To'raqulov suhbat jarayonida. – Menga bu borada omad nasib etdi. Xizmat davomida shartnoma bo'yicha xizmat serjantlari Ravshan Tursunov, Shodmon Toshniyozov, Najmiddin Zayniddinovlardan jangovar mashinani mahorat bilan boshqarish, uni ta'mirlash sirlarini egallab bordim. Hozirda mana shu kasbni mukammal egallaganimdan xursandman. Do'stlarim oddiy askarlar Murod Mo'minov, Nurbo'l Azizov, Bobomurod Hamdamovlar bilan bu borada musobaqadoshmiz desam xato bo'lmaydi. Chunki jangovar mashinaga mas'ullikning o'zi bo'lmaydi.

O'tgan bir yil davomida ko'p narsalarga erishdim. O'zimga, kelajakka bo'lgan ishonchim yanada ortdi. Bo'sh paytlarimizda sport bilan shug'ullanib jismonan baquvvat bo'lishga harakat qildim. Shu bilan birga harbiy qism kutubxonasi mening eng sevimli go'shamga aylangan. Mana, yaqinda «Muhabbat iztirobi» nomli kitobni o'qib tugatdim. Unda giyohvandlik va uning azoblari haqida so'z yuritiladi. Kitob mazmuni menga juda yoqdi. O'ylaymanki, harbiy qismda kechgan har bir jarayon men uchun unutilmas onlar bo'lib qoladi. Ayni damdagi maqsadim tavsiyanomaga ega bo'lib, Toshkent temiryo'lchilar institutiga o'qishga kirish.

Insonning orzusi cheksiz. Eng asosiysi, harakat ila ezgu maqsadga erishishdir. Muddatli xizmatni muvaffaqiyat bilan yakunlayotgan Bobur ota-onasi Begali aka va Zulayho opalar orzusidagi farzand bo'lishiga ishonamiz. Zero, milliy armiyamiz saflarida toblangan yigitning o'zgacha bo'lishi mumkin emas.

Zulfiya YUNUSOVA,
«Vatanparvar» muxbiri.

YIGITLIK BURCHIMNI OQLAYMAN ONA

Sening mehring bilan ulg'ayib, bu dam –
Vatan xizmatiga tashladim qadam.
Duoga qo'l ochding ko'zlaringda nam,
Bolangni duoying asraydi, ona,
Farzandlik burchini oqlaydi, ona.

Onam deb – orim deb qasamyod qildim,
Vatanim – borim deb qasamyod qildim,
Hurligim – shonim deb qasamyod qildim,
Yigitlik kamarin bog'ladim, ona,
Umrimni mardlikka chog'ladim, ona.
Orzular qilasan: mard inson bo'lsam,
Alpomish kelbatu qaynoq qon bo'lsam,
Posbonlar safida yovqir jon bo'lsam,
Bugun qatordagi nordirman, ona,
Orzung ro'yobida bordirman, ona.

Yo'limga ko'z tikkan zor-zorim o'zing,
Tunlardan tong qadar bedorim o'zing,
Ko'zga ko'z tushguncha bemorim o'zing,
O'g'loning bag'ringni to'ldirar, ona,
Sog'inch armonlaring so'ndirar, ona.

Zulfiya NISHONOVA.

Harbiy texnika yangiliklari

TU – 95 ASOSIDA

Hindiston harbiy-dengiz kuchlariga qarashli kemalarga qarshi jang olib boruvchi Tu-142 MƏ samolyoti ruslarning Tu-95 strategik bombardimonchi samolyoti asosida ishlab chiqilgan. Mazkur mashina suv osti kemalarini aniqlash va yo'q qilish uchun mo'ljallangan.



Samolyotning asosiy texnik-taktik tavsiflari:

ekipaj 10 kishidan iborat, maksimal ko'tarilish og'irligi 185 t (yuksiz – 91,8 t), maksimal uchish tezligi soatiga 855 km, eng yuqori ko'tarilish nuqtasi 13700 m, amaliy uchish uzoqligi 12000 km, jangovar operatsiyalarni o'tkazish vaqtidagi harakatlanish radiusi 5000 km, to'xtovsiz uchish davomiyligi 17 soatgacha.

Qurollari: himoyaviy – ikkita to'pdan tashkil topgan Гsh-23 rusumli artilleriya qurilmasi, radioelektron to'siq kompleksi. Qurollar bo'lmasida kemalarga qarshi torpedalar, minalar va chuqurlik bombalari (umumiy og'irligi 20 tonnagacha) joylashgan. Kuchlanish qurilmasi har birining tortish kuchi 11190 kVt bo'lgan to'rtta NK-12 MB rusumli turbovint dvigatellaridan iborat. Samolyotning uzunligi 49,13 m, balandligi 13,3 m, qanot ko'lami 50,04 m, qanot maydoni 289,9 kv.m. Hozirgi vaqtda ana shunday rusumdagi samolyotlardan sakkiztasi Hindiston harbiy-dengiz kuchlari harbiy texnikasi tarkibida foydalanilmoqda.

("Zarubejnoye voyennoye obozreniye" jurnali asosida tayyorlangan).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Оилани йиллар давомида тикланиб борадиган қасрга қиёсласа бўлади. Уни бунёд этиш қийин. Бироқ нуратиш учун ҳатто маълум соniялар кифоя. Балки шу сабаб эр-хотинлар, иноқлик ила қўша қариган пиру бадавлат оилалар доимо эл эҳтиромида, халқ назарида.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Ботиржон Ҳамроев ва Қуролли Кучлар хизматчиси Муборакхон Бўрибоевалар хонадонида бўлганимизда улар тиклаб бораётган оиланинг олтин қасрига кўз тегмасин деб тилак қилдик. Нега дейсизми? Келинг, яхшиси ушбу оилани сизларга яқиндан таништирайлик. Шубҳасизки, суҳбатимиз якунида сиз ҳам шу хулосага келишингиз аниқ.

Қисм ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Ризақулова бизга ушбу оилани тавсия қилар экан, «ҳарбий шаҳарчанинг энг намунали оилаларидан бири», деган иборага алоҳида урғу бериб ўтди. Хонадонга қадам қўяр эканмиз, аввало ёқимли муҳитга дуч келдик. Оиладаги ҳар бир жиҳоз ўз ўрнида, хоналар ораста ва озода. Момоларимиз шундек оилаларни фариштали хонадон, деб таърифлашса ажабмас. Фақат оила бошлиғи Ботиржон хизмат сафарида эканлиги сабаб, Муборакхон ва фарзандлари билан суҳбат қуришимизга тўғри келди.

– Ботир ака билан умр йўлимизни боғлаганимизга йигирма йил бўлди, – дейди нафосатли ва гўзал оила бекаси биз билан суҳбатда – Шу йиллар давомида икки ўғил ва бир қизни вояга етказдик. Оила қурганимиздан сўнг бир неча йил ўтиб турмуш ўртоғим ҳарбий хизматчи бўлиш истагини билдирганида мен мамнунлик билан рози бўлдим. Мана, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳарбий оила бекасиман. Ўзим ҳам ҳозирда ҳарбий қисм ички таъминот бўлимида ҳисобчи бўлиб хизмат қилаяпман. Кўриб турганингиздек қўмондонлик томонидан берилган уйда тўкин яшаяпмиз. Рўзғор ободлиги, оила мустаҳкамлиги борасида фикр билдирадиган бўлсам, бу аёл ва эркакдан бирдек масъулликни талаб этади. Аввало икки инсон бир-бирини тўғри тушуниши, фикр ва мулоҳазасини бирлаштира олиши лозим. Чунки рўзғорни кам-кўстсиз бошқариш, фарзандлар тарбиясига эътибор қаратиш учун бирдек ҳаракат зарур.

Биз бу борада умр йўлдошим билан дўстлардек яшаймиз десам, хато бўлмайди.

Шунингдек, оиладаги турли вазиятларда сабрли бўлиш, ўзаро ҳурматни асраш, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтиш хонадонни эл ҳурматига лойиқ этувчи муҳим шартлардан бири менимча. Айниқса, ҳарбий оила бекалари турмуш ўртоқлари масъулиятли касб эгаси эканлигини доимо ёдда сақлашлари шарт. Чунки ҳарбий оилалар ҳамма вақт эл назарида туради. Менга шундек ҳарбий оила бекаси бўлиш насиб этганидан хурсандман.

Суҳбатга камтарлик ила ёндашган Муборакхон билан келинлик йиллари ҳақида сўз кетар экан, уни ўн бир йил қайнона-қайнотаси хизматида турганлигидан воқиф бўлдик. Катталар дуоси камолга етказади, дейди халқимиз. Кечагина маҳалла-кўй олдида ҳурмат ва ширин муомаласи билан ўрин топган келинчак, сабру қаноати, меҳнаткаш ва оқилалиги сабаб, бугун ҳарбий шаҳарчанинг намунали оила бекаси.

Хонадоннинг тўнғич фарзанди, Термиз давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Беҳрўз молия-банк йўналишида олий билим юртида таҳсил олишни мақсад қилган бўлса, шифокор бўлиш учун ҳаракат қилаётган Ситора 9-синфда аъло баҳолар билан ўқимоқда. Оила кенжатойи Сардор эса 2-синф ўқувчиси. У келажакда ҳарбий бўлса ажабмас. Айтмоқчимизки, хонадон фарзандларида турли касб эгаси бўлиб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшишдек гўзал орзулар мужассам. Албатта, буларнинг барчаси ота-она берган таълим ва тарбия маҳсулидир.


Муборакхон бекалик вазифасини муҳтасар бажариш билан бирга ҳарбий қисмда хизмат қилиши хусусида тўхталган эдик. Унинг жамоат ишларида фаоллиги эса янада таҳсинга сазовор. Яъни қисм хотин-қизлар қўмитаси аъзоси сифатида қўмита ишларида доимо фаол. Айниқса, ҳарбий шаҳарчанинг ёш оила бекаларига доим маслаҳат ва ўгитлари билан таянч эканлигини аёллар қайта-қайта такрорлашди. Муборакхоннинг бўш вақтида нималар билан шуғулланиши ҳақида қизиқдик.

– Тўғриси рўзғорда аёлнинг бўш вақт топиши осон эмас. Айниқса хизматчи аёлларни, – деди у кулиб. – Бироқ имкон топиб, аввало фарзандларим билан шуғулланишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, «Ахборот» янгиликлари ва «Ватанпавар» газетасининг ҳар бир сони билан албатта танишиб бораман. Бадиий китоблар мутолааси ҳам жону дилим. Фақат оила юмушлари, рўзғорнинг ширин ташвишларидан ортиб вақт ажратолсам бўлгани.

Ҳа, рўзғорнинг ширин ташвишлари ҳар бир аёлга насиб этсин. Оилада кечган самимий суҳбат давомида Муборакхоннинг оила иқлимини барчага ҳавас қиларли даражада асрашида қайнонаси Сапияхон опа ва онаси Иқболой аяларнинг ўрни беқиёс бўлганлигини ҳис қилиб турдик. Фақат суҳбатимизда хизмат сафарида бўлган оила бошлиғи Ботиржоннинг ўрни билинди, албатта.

Бу ҳам бўлса ҳарбийлик фидойи касб эканлигидан бир далолат. Хонадондан қайтар чоғимиз барча оилаларга мана шундек бахт насиб этсин, лавҳамиз қаҳрамонларининг оилалари эса янада мукаммаликка юз тутаверсин дея тилак қилдик.

Зулфия НОСИРОВА.



САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ



Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилаларга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик хусусида узоқ тўхталиш мумкин. Ҳозирда вазирлик тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари – хотин-қизлар қўмиталари зиммасига юклатилган масъулият ҳам айнан ҳарбий оилалар билан узвий алоқа боғлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, соғлом турмуш тарзи шаклланган энг ибратли оилалар қаторида бўлишлари учун замин яратиш каби бир қатор эзгу амалларга қаратилган. Биз Шарқий ҳарбий округда бўлганимизда округ хотин-қизлар қўмитаси етакчилигида амалга оширилаётган ишлар самараси билан қизиқдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳарбий жамоаларда хотин-қизлар қўмиталари учун ишчи ўринлари яратилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қўмиталар бажараётган ишлар кўлами бугун бир қатор ижобий ўзгаришларга замин яратди, дейиш мумкин. Шарқий ҳарбий округ тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғининг ҳарбий хизматчиларнинг оила-аъзолари билан ишлаш бўйича ёрдамчиси – хотин-қизлар қўмитаси раиси Одинахон Мухторованинг саъй-ҳаракатларида ҳам буни кузатиш мумкин.

Биз қайси бир касб эгасининг фаолияти ҳақида сўз юритмайлик изланиш, интилиш, яратувчанлик фазилатларига кўп мурожаат қиламиз. Чунки ислоҳотлардаги изчиллик айнан мана шу ҳаркатларга боғлиқ. Мудофаа вазирлиги томонидан 2006 йилнинг январь ойида вазирлик тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари фаолияти тўғрисида низом ишлаб чиқилганидан хабарингиз бор. Ушбу ҳужжат хотин-қизлар қўмиталари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилаяпти. Унда қайд этиб ўтилган асосий иш йўналишларига эътибор билан ёндашиш, яратувчанликка юз тутиш эса қўмита етакчиларидан айнан тинимсиз изланиш талаб этади. Одинахон Мухторованинг иш жараёни билан танишув давомида шундай изланишларга дуч келдик.

Округ хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятининг илк давридаёқ қўмита томонидан «Оила бекаларига ўн маслаҳат» номли кичик қўлланма чоп этилиб ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига тарқатилгани бу борадаги янгиланишларнинг дебочаси бўлди, десак арзийди. Оиладаги муносабатларга асосланиб тайёрланган бу қўлланмадан мақсад эр-хотин ўртасидаги низолар ва келишмовчиликларнинг олдини олиш бўйича ҳарбий оила бекаларига ўринли тавсиялар беришдир. Шубҳасизки, бу ўзининг ижобий натижаларини бергани аниқ.

Қўмита етакчиси ва аъзолари томонидан бу йил амалга оширилган ишлар билан эса қўмита раиси иштирокида кечган суҳбатимиз орқали таништиришни лозим топдик.

– Ҳар бир ишнинг бошланиш даври қийин кечади албатта. Ҳозирда зиммамиздаги вазифаларни бир қадар йўлга қўйиб олдик, – дейди Одинахон Мухторова биз билан суҳбатда. – Бу борада Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин қизлар қўмитаси раиси Ойнисо Нодирова бизга яқиндан кўмак ва маслаҳатлар бериб турди. Бу йил бажарилган ишлар таҳлилига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, биз асосий эътиборни нафақат ҳарбийларимизнинг оила аъзоларига, балки посбонларимиз билан ҳам маданий-маърифий тадбирлар уюштириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий озуқа олишлари учун муносиб ҳисса қўшишга қаратганмиз. Ҳарбий қисм ва муассасалардаги хотин-қизлар қўмиталари етакчилигида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ҳарбий жамоаларда «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида байрам тадбирлари ўтказилди.

Улуғ алломаларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби боболаримизнинг таваллуд кунларида ҳам тадбир ва шеърхонлик кечалари уюштирилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида офицерлар уйида тез-тез турли мавзуларда илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар ўтказиб келаяпмиз. Буларга «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан оилада тиббий маданиятни ошириш бўйича бир қатор саломатлик марказлари билан ҳамкорликда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган тадбирларни, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб ўқитувчи-профессорлар ва санъаткорлар иштирокида уюштирилган анжуманни, фарзандлари муддатли хизматда бўлган онахонлар билан «Аскар оналарини шарафлаймиз» мавзусидаги тадбир ва кечаларни келтириб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, юртимиздаги ҳар бир байрам ва улуғ кунларга бағишлаб албатта барча ҳарбий қисм ва муассасаларда хотин-қизлар қўмиталари иштирокида тадбирлар ўтказилади.

Йиғинларни сермазмун ўтказиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқа боғлаганмиз. «Аёл ва оила» «Заковат» «Сен барибир муқаддассан аёл» тадбирлари, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида «Ҳарбийнинг энг эпчил, зукко қизи», «Энг аълочи ва намунали хулқли ўқувчи», ҳамда спорт ўйинлари мусобақалари, ҳарбий хизматчилар билан «Гиёҳвандлик аср вабоси» деб номланган тадбирлар, албатта мутахассислар иштирокида амалга оширилади.

Ҳарбий оилалар ўртасида уюштирилган «Энг намунали оила», «Энг обод уй» номинацияларни бўйича ўтказилган мусобақаларимиз ҳам ҳарбий оилалар учун қизиқарли ва фойдали бўлди, десам хато қилмайман. Қилинаётган ишлар юзасидан қисм ва муассасалардаги хотин-қизлар қўмитаси раислари билан тез-тез йиғинлар ўтказиб, муаммоли масалаларини ҳал этиб турамиз. Келажакдаги режа ва мақсадларимиз ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, ҳар бир саъй-ҳаракатимиз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама елкадош ва ҳамнафас бўлиш, муаммоларини ҳал этишга қаратилган.

Шарқий ҳарбий округ хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар кўлами кенг. Биз Одинахон опа билан суҳбат давомида ҳарбий шаҳарчаларда, хонадонларда бўлиб оила бекалари билан узвий алоқа боғлаганидан воқиф бўлдик. Албатта уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида юзма-юз дилдан қилган суҳбатнинг ўрни бошқа. Қўмита раиси ширинсуҳан ва тадбиркорлиги билан бу борада ўрин топишига шубҳа йўқ. Ва албатта, қўмита аъзоларининг келажакдаги фидойи хизматлари ҳали кўплаб мақолаларимизга мавзу бўлади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Жамшид УБАЙДУЛЛАЕВ
суратга олган.

Аччиқ данак

ТЎЙ – ТУРМУШ ЗИЙНАТИ!

Карнай овозидаги тантанавор руҳ, сурнайнинг шўх ҳамда маҳзун нолалари киши вужудини титратади ва тўлқинлантиради. Куёвнинг жўралари қуршовида одоб билан остонага қадам қўйиши, фаришта мисол келиннинг юраги ҳапқириб оила аъзолари ва қариндошлари билан хайрлашиши, айниқса отасининг пойига бош уриши каби ҳар бири чуқур маъно касб этувчи анъаналаримиз бор. Ёхуд тўй очилишидаги дил сўзлари бир умрга хотираларда сақланиб қолади. Сўнгги йилларда никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани имзолаш ва уни эл олдида келин-куёвларга тантанали топшириш ҳам анъаналаримизга янгича мазмун киритди.

Тўй қилиш, одамлар олдига дастурхон ёзишдан завқ олиш халқимизнинг азалий удуми, одатидир. Тўйга келганнинг кимлигини сўрамай, олдига ош қўйиб, самимий кутиб олиш анъанасини, одатини ҳамма халқ ҳам ўзига қабул қилавермайди. Бу фақат ўзбекнинг танти ва бағрикенг халқ эканлигидан далолат беради.

«Тўй» сўзининг замирида узоқ вақт кўришмаган қариндош - уруғ, дўст ва биродарларнинг шу тадбир туфайли бирбиринг меҳрига, суҳбатига тўйиши билан боғлиқ маъно ётади. Зотан, жамиятимиз аъзолари тўйни ҳамма вақт маънавий ва маданий жиҳатдан юксак савияли тадбирга айлантириш учун ҳаракат қилиб келмоқда. Гўзал, одми тўйларимиз – турмушимиз зийнати. Аммо баъзи никоҳ тўйларида кишининг ғашини келтирувчи ҳолатлар ҳануз йўқолмаган. Мана, улардан айримлари: йирик пулдор ўғлини уйлантираяпти ёки қизини турмушга бераяпти. Ресторан столларининг ичкиликдан ва ноз-неъматдан бели синай дейди. Базмда куёв бир четда қолиб, «акахон»нинг узундан-узун мадҳгўйлик тадбирига ёки мажлисига айланади.

Яна бошқа бир ҳолат: қишлоқдаги ҳовлида тўй. Ширакайф ёшлар ўртада тўлиб кетган. Уларнинг оёқ дупуридан қуюқ чанг булути ҳосил бўлади. Маҳалла раиси кечаси соат 12 да тўйни тўхтатайлик, деса ҳам улар норози, кечаси бириккида ҳам «чала-чал» деб таранг қиладилар. Айрим қишлоқ ёшларида бир қилиқ пайдо бўлган: тўй даврасида келин тарафдан келган меҳмон қизларни ўраб олишади. Қизлар четга чиқай деса изн бермайдилар ёки «мезбон» йигитлар ўша меҳмон қизларга кесак отишади. Куёвнинг жўралари бир хил қўйлак кийишиб, галстук тақкан ҳолда даврада хизмат қиладилар. Аммо баъзи жойларда уларнинг маслаҳат оши ёки тўйдан кейинги «худога шукур» деган одатларида жўраларнинг баъзиларига тўйнинг салкам ярим харажати сарфланмоқда.

Айниқса, аёлларимизнинг сарпо қўйиш, кийим бериш масалаларида ўзлари ишлаб чиққан қонун-қоидалари тўйларнинг сўнггида кўнгилхираликни, қариндош ёки қадрдон аёллар ўртасидаги норозиликни келтириб чиқармоқда. «Кам қўйибди, паст қўйибди» – деган гаплар қудачилик – минг йиллик анъанасини бузган ҳолда ўртага совуқчилик туширишгача олиб келмоқда. Латта бериб, яна латта қайтиб олишдан қандай маъно англаш мумкин, айрим жойлардаги каби уларга ҳаддан зиёд пул сарфлашнинг нима кераги бор. Ахир бу нарсалар бахт ато этолмайди-ку.

Менимча, бундай «олди-бердилар» бутунлай йўқ қилинса, тўй харажати камаяди, ўзаро низолар йўқолади.

Хизматга келган ҳаваскор хонанда ёки санъаткорлар маданиятини ҳамма вақт ҳам юқори савияда, деб бўлмайди. Одамлар Комилжон Отаниёзов, Камолиддин Раҳимов ёки айрим устоз санъаткорларнинг даврада тушган пулларни тўй эгасига ҳадя қилиб кетган ҳолатларини мамнуният билан эслайдилар. «Келинлар қўзғолони» фильми қаҳрамони Фармонбибини эслang. Ўғлининг «отарчи» бўлиб, тўйда пул олишидан қанчалик номус қилган. Энди баъзи тўйда куйланаётган қўшиқларнинг мазмунсизлиги, раққосаларнинг бешармлигини қўя туринг, ўртакашнинг ота ва онани, буви ва бобони, ниҳоят, куёв ва келинни ўртага чиқариб, шеърлар айтиб, сўнгра рақсга мажбурлаб пул йиғиши хунук манзаралардир.

Шунинг учун ҳам тўйдек улуғ шодиёнада, тантанада маҳалла оқсоқолларининг масъулияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Акс ҳолда, четдан кузатган кишини ҳайрон қолдирувчи бидъат авж олади.

Хуллас, тўйларимизнинг маънавий-маданий жиҳатларини такомиллаштириш, иқтисодий томонларини чиройли, ихчам шаклларга келтириш бўйича анчагина муаммолар бор. Бунда маҳалла фаоллари, айниқса, қишлоқ жойларда барча имкониятларни ишга солиб, тўй маънавияти ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқлари зарурдир.

Қолаверса, никоҳ тўйларини ўтказишнинг сценарийларини ишлаб чиқиш керак. Шундай қилиш керакки, тўй маросими катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлсин, одамларнинг дунёқараши кенгайсин, маънавияти яхшиланиб борсин. Ўзбекча тўйларимиз чин маънода гўзаллик, инсонийлик байрамларига айлансин.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА.



КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАҲАЛЛАЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ФАОЛЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТЎЙЛАРНИ ТАРТИБЛИ, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲОЛДА ЎТКАЗИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. ЭНДИЛИКДА НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТЎЙГА БОРГАНИМИЗДАН ҒУРУРЛАНАМИЗ ҲАМ.

ХУШРЎЙЛИК СИРЛАРИ

ҚАЙМОҚ

Сузма ва қаймоқ озиқлантиради ҳамда тўқималарнинг тикланиш жараёнига кўмаклашади. Тоза сутдан олинган қаймоқ юздаги макияжни, упаларни сидириб ташловчи терини чарчоқдан халос қилувчи воситадир.

1 пиёла қаймоқ билан 1 чой қошиқ лимон шарбатини аралаштиринг, сўнгра пахтани ҳосил бўлган аралашмага ботириб юзингизни тозалаб артинг. Лекин бу билан кўз атрофини, макияжни артиб бўлмайди. Бунинг учун яна қаймоқнинг ўзигина кифоя.



ПЕТРУШКА – ДОҒЛАРНИ КЕТКАЗАДИ

Петрушканинг барглари ва томирини гўшт майдалагичдан ўтказиб, бўтқасимон ҳолатга келтирилади ва юз терисидаги доғлар устига ниқоб сифатида суртиб, 15-20 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювиб ташланади. Бу муолажани 7-10 кун давомида кунига 2-3 марта такрорлаш билан юз терисидаги доғларни йўқотса бўлади.

БОДРИНГ – ЮЗНИ ТОЗАЛАЙДИ



Бодринг шарбати – юз терисини турли ёғлардан, доғлардан, чанглардан майинлик билан тозаловчи ажойиб воситадир. Бодринг суви, шарбати теридаги ортиқча ёғларни олиб ташлайди, айни пайтда терининг кенгайган ораларини қисқартиради. Нафис тўғралган бодринг бўлакчаларини юзингизга 20 дақиқа қўйиб устидан ҳўл табиий мато билан ёпинг.

...Оғиздаги ҳидни йўқотади

Петрушканинг таркибида кўп миқдорда С витамини, минерал тузлар ва ферментлар бор. Овқатланиб бўлгандан сўнг петрушканинг битта шохчасини оғзингизга олиб чайнасангиз дарҳол нохуш ҳидни йўқотади. Бундан ташқари петрушка тиш милклари шамоллаганда ҳам яхши доривор восита ҳисобланади.

ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАР УЛУҒЛАР, ЎЗБЕКИСТОННИ!

ИСТЕЪДОДЛАР – ЮРТИМ ОБРЎЙИ, ФАХРИ





(Давоми. Боши 1- бетда).

Жумладан, санъат соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришлар, ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бугунга келиб, ўзбек санъати дунёнинг кўпгина халқларини ўзига жалб қила олди, десак муболаға бўлмайди. Бунда бевосита В. Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи жамоасининг ҳам ўрни беҳад каттадир. Чунки айнан мана шу лицейда таълим олаётган ва олган ўқувчилар ўзбек миллий мусиқа санъатини жаҳоннинг турли бурчакларида кўз-кўз қилиб дунё эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Бу даргоҳ дастлаб 1939 йилда иш бошлаган. Ўтган йиллар давомида унинг мақоми бир неча марта ўзгарди: махсус мусиқа мактаби, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси қошидаги В. Успенский номли Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати деб ҳам аталди. 2002 йил октябрида Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ унга академик лицей мақоми берилди. Бугунги кунда мазкур академик лицей мусиқа ижрочилиги бўйича фортапиано, торли ва пуфакли чолғу, хор дирижёрлиги ва мусиқа назарияси каби 5 хил мутахассислик йўналишида кадрлар тайёрланадиган асосий марказ сифатида миллий санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга пухта билим бериш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратилди.

«Биз ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму-қарор қилган дастлабки кунларданоқ бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти – ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англаб етдик. Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айни пайтда тарихий қадам бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик» деган эди Президентимиз Ислом Каримов магистратура академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига йўллаган табригида.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ ёшларга таълим-тарбия беришнинг янги усуллари жорий этилди. Бу ва таълим соҳасидаги бошқа қўплаб янгиликлар мусиқа мактабларининг мақомини қайта кўриб чиқиш, таълимда туб ўзгартиришлар яратиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Шу сабабли В. Успенский номидаги махсус мусиқа академик лицейида ҳам умумий таълим, айниқса, мусиқа фанларини чуқур ва жадал ўргатишга талаб янада кучайтирилди. Олдиндаги муҳим вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун, энг аввало, ўқитувчиларга нисбатан эътибор ҳар доимгидан ҳам кучайтирилди. Уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан танишиш ва ўз малакаларини оширишлари учун зарур шарт-шароит яратилди. Бу эса албатта ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда лицей мамлакатимиздаги махсус мусиқий таълим ва тарбия берадиган энг нуфузли ўқув юртларидан ҳисобланади. Бу ерда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган иқтидорли ўқувчилар таълим олишади.Улар учун лицей биносида ётоқхона ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда болаларнинг худди ўз уйларидагидек эмин-эркин яшашлари учун лозим бўлган шароитлар яратиб берилган. Улар мусиқа ва умумтаълим фанлари бўйича уй вазифаларини бажаришлари учун махсус хоналар ажратилган. Ширинсуҳан тарбиячилар эса доим улар билан бирга. Бу ерда болаларнинг бўш вақтларини намунали ўтказишлари учун турли тадбирлар, байрамлар уюштирилади, концертларга, музей ва Тошкентнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар ташкил этилади.

Лицейнинг энг катта бойлиги бу ўз касбига фидойи, шогирдларига талабчан ва меҳрибон мураббийларидир. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. Попович, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М. Зайко, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходимлари – А. Ким, Л. Муҳитдинова, Т. Сотникова, Л. Флорентьева, Г. Умарова, Д. Сабуров, И. Ғаниев, Г. Тошпўлатова, М. Аҳмедова ва Б. Шомаҳмудова сингари қўллаб моҳир педагоглар билан ҳақли равишда ифтихор қилса арзийди. Улар мазкур даргоҳда кўп йиллардан бери фаолият олиб боришиб юзлаб муносиб шогирдлар етиштирганлар. Ҳозирда Ўзбекистон мусиқа санъатининг довруғини оламга таратаётган, жаҳон халқаро мусиқа фестиваль ва танловларининг ғолиблари бўлган А. Султонов, Э. Небольсин, Ф. Ҳусанов, У. Полвонов, С. Юденич, А. Бекирова, Д. Холиқов, С. Ғофурова, Г. Алимова, Д. Измайлова, И. Гульзарова, Е. Мурский каби санъаткорлар юқорида номлари зикр этилган устоз-мураббийлардан мусиқий билим олишиб мана шундай мавқега эришганлар. Бугун уларни дунё танийди. Мустақиллик иқтидорли, қобилиятли ёшларнинг дунёга чиқишлари учун кенг имкониятлар яратиб берди. Кучли илмий салоҳиятга эга ёшларимизнинг тараққий этган мамлакатлардаги нуфузли олийгоҳларида таҳсил олишлари учун кенг йўл очилди. Истиқлол берган бу имкониятлардан лицей ўқувчилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Бугун улар ҳам ўз изланиш ва интилишлари туфайли энг нуфузли мусиқа билим юртларида таълим олмоқдалар. Масалан, Д. Назаров – Франция давлат консерваториясида виолончель мутахассислиги бўйича, Б. Абдуллаев, У. Полвонов, Г. Алимова, Л. Бекирова, А. Абитова, Н. Алимова, Д. Измайлова, С. Аҳроров, Б. Ҳақназарова, В. Ким – Германиядаги мусиқа олийгоҳларида, И. Комилов, Д. Холиқов, А. Астанова, Г. Мирзахўжаева, С. Головин, М. Величкин, С. Умаров, Г. Борисов Америкада таҳсил олишмоқда.

Яқиндагина бу даргоҳга ота-онасининг пинжига суқилиб, ийманибгина кириб келган, ҳозирда парвариш туфайли истеъдод ғунчалари гуркираб очилаётган ва дунёнинг турли бурчакларида бўлиб ўтаётган иқтидорли санъатсевар ёшларнинг кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, совринлар билан қайтиб келаётган ёшларни – миллий мусиқа санъатининг муносиб давомчилари деб бемалол тилга олишимиз мумкин. Эътибор беринг, лицей ўқувчилари бу йил 10 дан ортиқ халқаро мусиқа кўрик-танловларда муносиб иштирок этиб 1–2–3 ўринларни эгаллаб қайтишди. Масалан, лицей ўқувчилари А. Цукерваник Қозоғистонда бўлиб ўтган А. Жубанов номидаги халқаро танловда энг олий соврин – Гран-прини қўлга киритди. А.Аҳмедова, Т.Акбарова, Т.Солимжоновалар Италияда бўлиб ўтган халқаро танловларда биринчи ўрин соҳиби бўлдилар. Шунингдек, Грецияда ўтказилган ёш ижрочилар танловида Е.Кан ҳам 1-ўринни эгаллаб ғолибликни қўлга киритди. Америкада Паганини асарларининг энг яхши ижроси бўйича ўтказилган халқаро танловда Д.Шохиддинов танловнинг махсус мукофотига сазовор бўлди. Л.Угай, С.Шин, М.Ихтиёров, Я.Ляшко, А. Нартажива, Ш.Содиқов, О.Имонов, Н.Дадамуҳамедова каби ўқувчилар ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтган танловларда қатнашиб қимматбаҳо совринларни қўлга киритишди. Биз ёш мусиқа билимдонларининг бундай муваффақиятларидан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Бу муваффақиятларининг бош мезони албатта, лицейда таълим -тарбия ва ижодий муҳитнинг яхши йўлга қўйилганидир.

– Ҳар бир бола ўзига хос иқтидор эгаси. Фақат бу истеъдод ўз вақтида аввало, ота-она, мураббий ҳамда ўқитувчи томонидан илғаб, унинг ривожланиши учун зарур шароит яратилса бас,– дейди академик лицей директор ўринбосари Жамила Алибоева. – Зотан, ўз қизиққан фан ёки соҳаси бўйича илм ёҳуд ҳунар сирларини ўрганаётган ўқувчининг, энг аввало, ўзида интилиш бўлади. Бу изланиш эса болани бўш вақт топди дегунча, ўз устида ишлашга ундайди. Мустақил шуғулланиш бу – ижод демак. У ҳар кимдан мустақил фикрлаш, доимий ўқиб-ўрганишни талаб этади. Ғарб файласуфларидан бири Бернард Шоу шундай деган: билимга элтувчи ягона йўл – бу фаолиятдир.

Дарвоқе, бир мақсад сари интилиш ҳам муваффақиятга элтади. Шу боис бугун катта ҳаётга қадам қўяётган фарзандларимизнинг ёшликданоқ иқтидорини аниқлаш, йўналтириш, такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Бизнинг педагогик жамоамизнинг олдига қўйган асосий мақсади ҳам ўқувчи-ёшлардаги иқтидорни шакллантириб, юзага чиқаришдир. Ана шу мақсадни рўёбга чиқариш юзасидан ўзига хос аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Мана шу ишларимизга жавобан ўқувчиларимиз танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб, лицейимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда, деб ўйлайман. Ўқувчиларимиз эришаётган юқори натижаларнинг яна бир омили педагоглармизнинг ўз вақтларини аямасдан бутун куч ва билимларини шогирдларнинг пухта билим олишларига сарфлашидадир. Лицейимизнинг фаолият юритишида ўқувчиларимизни мусиқа асбоблари, зарур ўқув жиҳозлари билан бекаму-кўст таъминлашда ҳамда ўқувчиларимизнинг жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтаётган фестиваль ва танловларда иштирок этишларини уюштиришда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жуда катта ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ишончимиз комилки, кўрсатилаётган бундай эътибор, бу ерда билим олаётган ёшларнинг жаҳон саҳналарида бундан кейин ҳам ўзбек мусиқа дурдоналарини тарғиб этиб, энг юқори ўринларни забт этишига замин яратади. Зеро, замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида обрў топаётган экан, бунда ёшларга эътибор, меҳр, шарт-шароит ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки эътибор, меҳр ва парвариш бўлмаса, ўсиш-улғайиш, камолот ва тараққиёт ҳам бўлмайди.

Мусиқа халқнинг, миллатнинг қалбидир. У қудратли маънавий таъсир кучига эга. Шундай экан, бугун мусиқа оламида чақнаётган митти юлдузлар эртага ўз сози ва овози билан дунёни забт этса, не ажаб!

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

СОҒЛОМ АВЛОД – БУЮК КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ



(Давоми. Боши 1- бетда).

ЭЗГУ ҒОЯНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўтган вақт мобайнида мазкур фармонга мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимиз онгига соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга муҳаббат туйғуларини сингдириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари қад ростлади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Абдулла Очилов қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз фармонига мувофиқ Болалар спортини ривожантириш жамғармасининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад - истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад-муддаоларимизга, қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир. Мамлакатимизда болалар спортига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик юртимизнинг порлоқ келажаги йўлида қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Президентимиз оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, жисмоний ва маънавий баркамолликнинг асоси эканлиги, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшлар учун ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини доимо таъкидлаб келади. Спорт орқали ёшларимизнинг дунёқараши ўзгаради. Бола спорт машғулотлари билан банд бўлса, оиласига, атрофга бошқача кўз билан қарай бошлайди. Унда меҳр-оқибат, аҳиллик ва масъулият туйғуси кучаяди.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда аҳоли, айниқса болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Вакилларимизнинг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, мамлакатимиз спорт салоҳиятининг янада ошаётгани, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ёшлар ўртасида хилма-хил мусобақалар ўтказилиши анъанага айланди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқларда унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг 2002 йилнинг 24 октябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, бир қатор фармойиш ва қарорлари фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашига Президентимиз раҳбарлик қилаётгани ҳам бу соҳага нечоғли катта эътибор қаратилаётганидан яна бир далолатдир.

Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммоларнинг ечими топилади, келгуси мақсад ва вазифалар белгилаб олинади. Президентимизнинг 2004 йил 29 августдаги фармонига асосан болалар спортини ривожлантириш ва айниқса қишлоқ жойларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисми этиб белгиланди.

Болалар спорти ва жисмоний тарбияни ривожлантириш борасида давлат сиёсатини 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан бевосита ўзаро боғлиқликда олиб бориш, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашиш жамғармасининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ ТИЗИМ

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, аввало, замонавий спорт иншоотларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, унинг мустаҳкам, замонавий моддий-техник базасини вужудга келтиришдан бошланди. Болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида, аввало, спорт иншоотларига эга бўлмаган қишлоқ мактаблари аниқланди. Уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, бу ишларга ҳомийлар маблағларини кенг жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, спорт майдонлари қуриш каби ишларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бугун мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, замонавий спорт иншоотларида шуғулланаётган ёшларни учратасиз. Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 715 спорт мажмуи барпо этилди. Шундан 582 таси қишлоқ жойларда қурилгани эътиборга лойиқдир.

Барпо этилаётган иншоотларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Республикамиз бўйича 2003-2006 йилларда янги қурилган спорт мажмуалари, мактаб спорт заллари ва бошқа болалар спорт иншоотлари 7,6 миллиард сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди.

Замонавий спорт жиҳозларини хориждан келтириш кўп жиҳатдан ўзини оқламайди. Шу боис зарур спорт инвентарларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш давр талабига айланди.

2005 йилнинг май ойида "Ўзэкспомарказ"да Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан умумтаълим мактаблари ҳамда мактаб спорт заллари учун мўлжалланган жиҳозлар ва анжомлар, спорт инвентарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма билан танишган Президентимиз бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб берди. Хусусан, давлатимиз раҳбари юртимизда тайёрланаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичлари ва хизмат қилиш муддатлари ягона тизим асосида яратилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда сифатли маҳсулотларни ўзимизда тайёрлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Натижада ўтган вақт мобайнида болалар спортига оид 120 хил инвентардан 104 хилини ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Самарқанддаги "Стеклопластик" очиқ турдаги акциялорлик жамиятида қарийб йигирма турдаги енгил атлетика ва гимнастика анжомлари, пойтахтимиздаги "Телеметрик" масъулияти чекланган жамиятида электрон таблолар, Андижондаги "Хўжаобод" корхонасида татами ва теннис инвентарлари, Намангандаги "Машхим" корхонасида эса тренажёр ва баскетбол анжомлари ишлаб чиқарилмоқда.

Юртимизнинг узоқ ҳудудларида спортни оммавийлаштириш, болаларни, айниқса, қизларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Чекка қишлоқларда ҳам спортнинг нафис тури бўлган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси изчил ривожланмоқда. Бунда Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерациясининг ёрдами катта бўлмоқда. Ҳозир жойларда спортнинг мазкур тури билан 7 мингта яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда. Бухоронинг Ғиждувон, Ромитан, Пешку, Вобкент, Навоийнинг Томди, Конимех, Сурхондарёнинг Жарқўрғон, Сариосиё туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи қизларимизнинг бадиий гимнастикада эришаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ.

Болаларни спортга кенг жалб этишда жамғармамиз томонидан жойларда ўтказилаётган мусобақаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўқувчи-ёшлар иштирокидаги "Алпомиш-Барчиной" меъёрий тест синовлари, "Қувноқ стартлар", "Соғломжон - полвонжон", "Умид ниҳоллари", "Ёзги таътил" каби спорт мусобақалари, жамғарма совғини учун футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, спорт ва бадиий гимнастика, акробатика, сузиш, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўтказилаётган беллашувлар яхши самара бераётир.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда. Масалан, 2004 йилда ўқувчиларнинг 31,5 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 39,4 фоизга етди. Ўтган ўқув йилининг учинчи чораги якунига кўра халқаро, республика ва вилоятлар миқёсида ўтказилган олти юзга яқин мусобақада 75 минг нафар ўқувчи қатнашган.

Таълим тизимида жисмоний тарбия дарслари нуфузи оширилиб, соати кўпайтирилди. Илгари жисмоний тарбия дарсларига одатда "катта танаффус" сифатида қаралар эди. Деярли ҳамиша бир хил манзара: болалар саф тортиб стадионга чиқар, бироз чигалёзди машқларини бажаргач, тап-тақир майдонда чангитиб конток тепар эди. Қишда эса – қорбўрон ўйнарди. Ўз спорт залига эга мактаблар нафақат қишлоқларда, ҳатто шаҳарларда ҳам саноқли эди.

Бугун мактабларда жисмоний тарбия дарслари энг жиддий таълим йўналишлари қаторидан ўрин олди. 1-9-синфлар учун "Жисмоний тарбия" дарслигининг тайёрланиши ва етказиб берилиши мактабларда жисмоний тарбиянинг фақат амалий машғулот эмас, балки илмий-назарий асосларга эга фан сифатида ҳам ўқитилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мактабларда болалар спортини ривожлантиришда мутахассис ўқитувчи-мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 25134 нафар жисмоний тарбия ўқитувчисининг салмоқли қисми олий маълумотлидир.

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

Жамғармамиз томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ серфарзанд ва кам таъминланган оилалар фарзандларини рағбатлантириш, ўқувчи-ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб- интернатларнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спорт билан шуғулланишини кенг йўлга қўйиш мақсадида турли мусобақалар ташкил этилмоқда. 2006-2007 йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига 3,8 миллиард сўмлик спорт кийимлари ва анжомлари берилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спорти тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ишлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Франциянинг нуфузли "Le petit Journal" журналида чоп этилган мақолада мустақиллик йилларида юртимизда болалар спорти оммавий тус олгани қайд этилар экан, мазкур соҳа ёш авлод тарбиясига қаратилган сиёсатнинг ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми сифатида юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланган.

Юртимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган бундай хайрли ишлар изчил давом этаверади. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир фидойи инсон болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак. Зеро, ёш авлод тақдири халқимизни улуғлаш, Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини оширишдек эзгу ниятлар билан яшаётган ҳар бир ватандошимиз учун шон-шараф ишидир.

ЎзА мухбири
Олим ТЎРАҚУЛОВ
ёзиб олди.

5 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 5 ноябрь куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сўзана».
15.50 «Шахсий фикр».
16.25 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея).
22.55 ТВ анонс.
23.15 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
23.50-24.00 Тунги наволар. «Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон кулолчилиги».
00.35 «Шарқ тароналари».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.20 «Яраттанга шукр». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Иван ва Марья». Фильм-эртак.
9.25 «Улуғ неъмат».
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 «Телевизорни ўчиришни унутманг!» Бадиий фильм.
11.45 «Камолот» хабарлари.
11.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
12.00 «Қақнус». Телесериал.
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
13.35 «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури».
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Биз киммиз?»
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.55 «Ўзбекистон вақти».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий дастур.
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.25 «Yoshlar» анкетаси.
18.30 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Кундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.50 «Саломат бўлинг»(рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Библиотекарь».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Детективы».
9.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
9.30 Буглионский цирк.
10.40 «Пока все дома».
11.25 «Фазенда».
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Спортимиз маликалари».
19.30 Футбол шарҳи.
20.00 «Танкер «Танго». Сериал.
20.50 ПрофРИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Река надежды». Сериал.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Дазу асори атиқалари».
10.05 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.25 «КиноТеатр».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Ватанпарвар».
15.25 «Бир кун».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
16.40 «ИИВ хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Эзгулик».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муқаддас қадамжолар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон замонавий миниатюраси».
00.20 «Тасвир ва таассурот». Ч. Аҳмаров.
00.40 «Муқаддас қадамжолар».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Ватанпарвар».
02.40 «Чемпион сирлари».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий дастур.
17.50 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
17.55 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Yoshlar» анкетаси.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлик – бу».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.25 «ТВ юрист».
9.35 «Аёл қалби».
10.30 «Саломат бўлинг» (рус.).
10.50 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.20 «Тв юрист» (рус.).
11.30 Кино: «Библиотекарь».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Зеркало фараона».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.30 «Малахов +».
10.55 Футбол. Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон – Яман.
16.55 «Жаҳон спорти юлдузлари».
17.15 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол. Чемпионлар Лигаси кундалиги.
20.00 «Танкер «Танго».
20.50 «Шарқ яккакурашлари».
21.10 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Қурувчи» – «Машъал».
23.25 «Река надежды».
00.15 Автоспорт. Гран-при.
00.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

7 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Уа-Хука чавандозлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
9.45 «Одами эрсанг...».
10.05 «Ягона оилада».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.40 «ИИВ хабарлари».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тошкент гуллари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Дж. Пуччини. «Турандот». 1-қисм.
15.30 «Дунё манзаралари».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Саёҳатга марҳабо!»
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
24.00 Ватан ҳақида қўшиқлар. «Ўзбегим ҳаёти».
00.30 «Дунё манзаралари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Девона». Бадиий фильм.
03.50 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Бембининг болалиги». Фильм-эртак.
9.25 «Улуғ неъмат».
9.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
11.00 «Таълим ва тараққиёт».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
13.45 «Тасвир ва таассурот».
Анри Матисс.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
15.00 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий дастур.
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Автопатруль».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
10.40 Кино: «Зеркало фараона».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм «Кундуз амакининг ҳикоялари».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00 «Пойтахт» ахборот (рус.).
20.15 «ТВ юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» ахборот(рус.).
22.50 Кино: «Материалистки».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов +».
10.30 «Пятое измерение». Документальный фильм.
10.55 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
18.50 «Путешествия натуралиста».
19.15 «Иқтидор».
20.00 «Капкан». Сериал.
20.45 Футбол мундиал.
21.05 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил ида).
21.50 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Нефтчи» – «Пахтакор».
23.25 «Река надежды». Сериал.
00.15 Автоспорт. Гран-при.
00.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.

8 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Фэнди Рекен».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (Такрор).
«Сайлов – демократия кўзгуси» (Такрор).
10.30 «Муқаддас қадамжолар».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати».
11.25 «Саёҳатга марҳабо!»
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Дж. Пуччини. «Турандот». 2-қисм.
15.25 «Тарих кўзгуси».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Одамлардан бири».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телесериал.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қашқадарё».
00.35 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Марғилон». Ҳужжатли фильм.
03.30 «Ўзбегим юлдузлари».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Бембининг ёшлиги». Фильм-эртак.
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.30 «Матонат».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
13.35 «Истиқбол тимсоллари».
13.45 «Тасвир ва таассурот».
Огюст Ренуар.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
15.00 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий дастур.
17.50 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.25 «ТВ юрист».
9.30 «Муқаддас қадамжолар».
9.50 «Эртамиз эгалари».
10.30 «Уйларим».
10.50 «ТВ юрист» (рус.).
11.00 Кино: «Материалистки».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 «Обратная тяга».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов +».
10.55 Футбол. Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашуви. Яман – Фаластин.
14.55 Футбол. Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашуви. Иордания–Ўзбекистон.
17.00 Бокс. Чемпионат Мира. Финал.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Гейм-Сет-Матч».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жасорат».
19.30 «Стенка на стенку».
20.00 «Капкан». Сериал.
20.55 Футбол. УЕФА кубоги. «Спартак» (Россия) – «Байер» (Германия).
22.55 «Река надежды». Сериал.
23.45 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

9 НОЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Сент – балиқчилар макони».
9.55 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.15 «Одамлардан бири».
10.35 «Табаррук замин».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Куз».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Оҳанрабо».
15.05 А. Обиджон ҳажвиялари.
15.40 «Олам ва одам» дастури: «Гўзаллик сабоғи».
16.30 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
16.50 «Сувни асранг!»
17.00 «Ахборот».
17.20 2007 йил–«Ижтимоий ҳимоя йили»: «Саломатлик дастури».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Танбур».
00.20 «Улуғбек-буржи». Рақс-спектакль.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Рангин дунё».
02.50 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
13.35 «Мурувват».
13.45 «Тасвир ва таассурот». Сальвадор Дали.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Биз киммиз?»
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.55 «Ўзбекистон вақти».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий дастур.
17.50 «Ватаним!»
17.55 «Юртим бутуни».
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Парламент вақти».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.25 «ТВ юрист».
10.15 «Интервью» (рус.).
10.25 «Иқтисод - ревю» (рус.).
10.35 «ТВ юрист» (рус.).
10.45 Кино: «Обратная тяга».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Тв юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Вечер». (Премьера).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (узб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов +».
10.30 «Спорт салтанати».
10.50 Футбол. Германия чемпионати шарҳи.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Авторалли. «Сутдиёна - 2007».
19.10 «Стать ближе».
19.55 «Поле чудес».
21.00 Кураш бўйича жаҳон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
21.50 Футбол. УЕФА кубоги.
23.25 «Река надежды».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 НОЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Телесериал.
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
9.10 «Шифокор қабулида».
9.40 «Мусиқа дунёси».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1.«Чинсен». 2. «Маърит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.55 ТВ анонс.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Шум бола». Бадиий фильм.
16.15 «Шўрданак». Ҳажвий дастур.
16.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Минг бир маслаҳат».
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КИНОТАҚДИМ».
22.40 «Рангин кўзгу». Бадиий фильм.
24.00 «Улуғбек буржи». Рақс-спектакль.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «КИНОТАҚДИМ».
02.55 «Тараннум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот».
04.40 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-қисм.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Парламент вақти».
10.30 «Тақдир». Ток-шоу.
11.00 «Ибратли умр».
11.20 «Айланай».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
13.45 «Тасвир ва таассурот». Эль Греко.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
15.00 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Меъёр – соғлиқ гарови».
16.50 «Камолот» хабарлари.
18.30 «Каталог». Тижорат дастури.
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
20.20 «Ёш оилалар – давлат ҳимоясида».
21.10 «Ишкомли уй».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.50 Жаҳон киноси: «Фантастик тўртлик-2».
00.25 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
.8.35 «Камила». Телесериал.
.9.25 «ТВ юрист».
9.40 «Саломат бўлинг».
10.25 «Репортаж» (рус.).
10.45 «ТВ юрист» (рус.).
10.55 Кино: «Вечер».
17.55 «Афиша».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Бой с тенью».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
8.20 «Соғлом оила».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида).
11.00 Футбол. Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашуви. Фаластин–Иордания.
14.55 Футбол. Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашуви. Непал–Ўзбекистон.
17.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.20 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
19.10 «Военное дело».
19.30 «Стиль».
19.45 «Звездный матч».
20.05 «Ровесник».
20.25 «В яблочко!»
20.40 «Спортколлекция».
21.00 Кураш бўйича жаҳон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
22.00 «Большие гонки».
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.«Қурувчи» – «Машъал».

11 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Телесериал.
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Бизнинг қутубхона».
8.50 «Олтин оҳу». Мультфильм.
9.25 «Саломатлик сирлари».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 «Сайлов – демократия кўзгуси» (Такрор).
10.30 «Заковат».
11.30 «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «КиноТеатр».
13.25 «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.35 «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.35 «Ҳаёт манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
15.45 «Синдрелла». Мультфильм.
17.00 «Интеллектуал ринг».
17.45 «Одами эрсанг...»
18.05 «Юрагимда унган гулзорим». Мусиқий фильм.
18.30 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 «Азизим».
22.20 «Оҳанрабо».
23.00 «Унутилмас лаҳзалар». Бадиий фильм.
00.35 Кўрсатувлар дастури.
00.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тандир, арча, олов».
01.00 «Таҳлилнома». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Интеллектуал ринг».
02.25 «Оҳанрабо».
03.05 «Азизим».
03.35 «Саёҳатга марҳабо!»
03.55 «Минг бир ривоят».
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.45 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 Миллий кино: «Чашма».
8.10 «Рўзғор мактаби».
8.40 «Дунё таомлари».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильм.
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
10.50 Ҳинд киноси: «Изҳорсиз муҳаббат».
13.50 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Акс». Ток-шоу.
15.20 «Чемпион сирлари».
15.40 «Ринг қироллари».
16.20 «Journal» (инглиз тилида).
16.40 «Якшанба нонуштаси».
17.00 «Ўйинчоқлар мамлакати». Мультфильм. 2-қисм.
18.25 «Yoshlar» анкетаси.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
20.00 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.45 «ТАРАННУМ». Дам олиш дастури.
21.25 «Эълонлар».
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 Жаҳон киноси: «Дик ва Жейн».
23.30 «ТУНГИ ПАРВОЗ».
00.00 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ


7.30 «Салом, Тошкент!»
.8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер - маркет».
9.25 «ТВ юрист».
10.00 Кино: «Зўр ўтрибмиз».
11.20 «Истеъдод».
12.05 «Телекурьер-маркет».
14.00 Кино: «Бой с тенью».
16.15 «Жозиба».
16.40 «Саргузаштлар ороли».
17.25 Кино: «Ягонам ўзинг», Ҳиндистон, 1-2-сериялар.
20.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
21.00 «КИНОТАҚДИМ».
21.25 «Туризм ҳақида»(рус.).
22.05 Кино SMS со звездами: «Правда о Чарли», «Ванильное небо», «Лара Крофт-2».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
8.20 «Қувноқ стартлар».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида).
10.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
10.35 «Пока все дома».
11.25 «Фазенда».
12.00 «Аптека слушает».
12.45 ПрофРИНГ.
14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – Самарқанд Динамо.
17.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.40 «Халқ ўйинлари».
18.00 «Мир детского спорта».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Еврофутбол.
21.30 «Талқин».
22.00 «Ледниковый период».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД



**ГАЗЕТАНИНГ 43-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБ

2007 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

I. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар. Ҳисобот даврида иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланди ва прогноз кўрсаткичларидан анча юқори бўлди. Ялпи ички маҳсулот 9,8 фоиз, саноат маҳсулотлари 11,9 фоиз, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 18,4 фоиз, пуллик хизматлар 25,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 3,5 фоиз, экспорт 41,8 фоизга ўсиши таъминланди. Давлат бюджети даромадлари бўйича прогнознинг ижроси таъминланди, бу эса харажатлар бўйича кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 9 ойи	2007 йилнинг 9 ойи
Ялпи ички маҳсулот	107,3	109,8
Саноат маҳсулотлари ҳажми	110,2	111,9
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	120,9	119,8
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	107,1	103,5
Асосий капиталга инвестициялар	110,0	131,3
Қурилиш ишлари	110,7	120,4
Чакана савдо айланмаси	112,2	118,4
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	116,4	125,2

Қуйидагилар иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлди:

а) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг юқори даражадаги инвестициявий фаоллиги. Ушбу фаоллик давлат ёрдамининг кенг кўламли иқтисодий ва ташкилий чоралари билан рағбатлантирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан инвестицияларнинг 1,36 триллион сўмга ўсишини таъминлади (31,3 фоизга ёки 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 3 баравар кўп), қурилиш пудрат ишларининг ўсиши эса 20,4 фоизни ташкил этди (2 баравар кўп).

Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар солиштирма нархларда 28,6 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми – 2,1 баравар, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қўйилмалар – 33,1 фоиз, уй-жой қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобидан қўйилмалар – 11,3 фоизга ошди.

Ўтган давр мобайнида асосий саноат тармоқларини ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш дастурлари доирасида йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида янги қурилишлар 38 фоизни, модернизация, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш 49 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий инвестициялардаги салмоғи 67 фоизни ташкил этди (2006 йилда 64,1 фоиз). Ҳисобот даврида инвестицияларнинг асосий қисми транспорт ва алоқа (инвестициялар умумий ҳажмининг 23,9 фоизи), ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё ва нефть-кимё саноатига (19,9 фоиз) йўналтирилди.

Озиқ-овқат саноатида (91 объект), енгил саноатда (44), қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда (56), ёқилғи-энергетика мажмуаси ва металлургияда (21) ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – жами 234 та инвестициявий лойиҳа якунланди.





















Янги қурилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлида поездларнинг дастлабки ҳаракати йўлга қўйилди, "Зеварда" конида компрессор станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди, "Лукойл" компанияси билан ҳамкорликда "Хаузак" конида табиий газни қазиб олиш ишларини йўлга қўйиш якунланмоқда, "Газли-Саримой газ қувури участкаси қурилиши" лойиҳаси бўйича 50,5 км газ қувури ишга туширилди, 38 та қудуқ бурғуланди, шу жумладан 8 таси "Ўзлаштириш қийин бўлган Шимолий Нишон, Қамаши, Бешкент, Шакарбулоқ конларида иш олиб бориш" ва "Тажриба-саноат эксплуатацияси даврида Кўкдумалоқ конини жиҳозлаш" лойиҳалари бўйича амалга оширилди, Кўкдумалоқ конида ёндош газларни утиллаштириш бўйича учта мослама, 184 км электр узатиш линиялари ишга туширилди. Жумладан, Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси иштирокида молиялаштирилаётган Тубегатон калий ўғитлари кони ва "Хонжиза" конида полиметалл рудаларни ўзлаштириш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар, шунингдек, "Ўзлаштириш қийин бўлган Шимолий ғузор конида иш олиб бориш" лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

б) фаол ташқи савдо сиёсати ташқи савдо айланмасининг 27,1 фоизга ўсишини таъминлади. Экспорт умумий ҳажмида хомашё бўлмаган товарлар улуши 2006 йилнинг 9 ойидаги 71,6 фоиз ўрнига 74,4 фоизни, ўсиш суръати эса 167,8 фоизни ташкил этди. Озиқ-овқат ва истеъмол товарлари (1,5 баравар), кимё маҳсулотлари (1,4 баравар), энергетика маҳсулотлари ва нефть маҳсулотлари (2,1 баравар), қора ва рангли металлар прокати (1,3 баравар), машина ва ускуналар (1,5 баравар) экспорти айниқса юқори даражада ўсди.

в) иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чоралар ишбилармонлик муҳитини сезиларли равишда яхшилади. Барча жойларда корхоналарни рўйхатга олиш бўйича соддалаштирилган тизим жорий этилди, уларни тугатиш тизими тартибга солинди, солиқ юки камайтирилди, солиқ бошқаруви тизими сезиларли равишда яхшиланди, молиявий ва статистик ҳисобдорлик камайтирилмоқда. Қичик бизнес корхоналарида товарлар ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 20 фоиздан ошди. Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг умумий сони йил бошига нисбатан 9 фоиз, шу жумладан, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 11,4 фоизга ортди.

г) товарлар ва капитал бозорининг самарали фаолиятини таъминловчи бозор инфратузилмасиниг ривожланиши. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида умумий савдо айланмаси 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 54,4 фоизга ўсди. Биржа савдолари ва аукционларда сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар, хомашё ҳамда материаллар Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси савдо айланмаси умумий ҳажмининг 86,3 фоизини ташкил этди.

Хўжалик юритувчи субъектларга банклар томонидан кредит ажратиш кўлами кенгайди. Реал секторга кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми 10,5 фоизга ўсди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар. Фаол инвестициявий сиёсат ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш 9 ой якунлари бўйича иқтисодиётда сезиларли ижобий таркибий ўзгаришлар бўлишини таъминлади. Улар, хусусан, ялпи ички маҳсулот таркибида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо улушининг ўсиши билан боғлиқ. ЯИМ да хизмат кўрсатишнинг улуши 2006 йилнинг 9 ойидаги 38,9 фоиз ўрнига 40,5 фоизни, кичик бизнесники эса 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизни ташкил этди.

ЯИМ да ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида нодавлат сектор улушининг ўсиши қайд этилди (2006 йилдаги 77,2 фоиз ўрнига 78,7 фоиз). Аграр секторда хусусий фермер хўжаликлари асосий ғалла етиштирувчиларга (2006 йилдаги 73 фоиз ўрнига 82 фоизини етиштирди) ва пахта етиштирувчиларга (85,6 фоиз ўрнига 99,1 фоиз) айланди. Шунингдек, улар картошка, сабзавот, полиз экинлари, мева, резавор ва узум етиштириш бўйича ўз ҳиссасини анча кўпайтирдилар.

II. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ ВА СЕКТОРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Саноат. 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат ишлаб чиқариши ўсишининг юқори суръатлари ички инвестиция ва истеъмол талаби, инвестициявий товарлар ва тайёр маҳсулотларга бўлган ташқи талаб ҳисобига ҳамда ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича кўрилаётган ташкилий ва иқтисодий чоралар натижасида корхоналарнинг молиявий ҳолати мустаҳкамланиши билан изоҳланади.

Барча ҳудудларда саноат ишлаб чиқариши суръатларининг ўтган йилга нисбатан ўсиши кузатилди, бу борада энг юқори кўрсаткичларга Самарқанд вилоятида (126,3 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасида (122,9 фоиз), Сурхондарё (120,2 фоиз), Андижон (119,7 фоиз) вилоятларида, Тошкент шаҳрида (116,5 фоиз) эришилди.

Тармоқлар бўйича эса энг юқори ўсиш суръатлари ёқилғи саноатида (110,1 фоиз), қора металлургияда (109,6 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноатида (118 фоиз), машинасозлик ва металлга ишлов беришда (128,1 фоиз), қурилиш материаллари саноатида (114,2 фоиз), енгил саноатда (111,2 фоиз), озиқ-овқат саноатида (112,2 фоиз) кузатилди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Нефть-газ саноатида ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши асосан қазиб олинаётган хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобидан таъминланди, натижада автомобиль бензини (104,5 фоиз), суюлтирилган газ (106,9 фоиз), дизель ёқилғиси (100,8 фоиз) ишлаб чиқариш кўпайди.

(Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 9 ойи	2007 йилнинг 9 ойи
Саноат, жами	110,2	111,9
шу жумладан:		
электр энергетикаси	106,3	100,5
ёқилғи	102,8	110,1
қора металлургия	107,4	109,6
рангли металлургия	98,4	102,2
кимё ва нефть-кимё	119,8	118,0
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	124,6	128,1
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз	121,7	128,6
қурилиш материаллари	111,8	114,2
енгил саноат	109,6	111,2
озиқ-овқат саноати	129,8	112,2
бошқа соҳалар	121,7	119,3

Тўқимачилик саноатида Дастурга киритилган 66 корхонадан 34 тасида техник модернизациялаш ишлари якунланди ва экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 20 та корхонада молиялаштириш ишлари бошланди, қурилиш ва жиҳозларни етказиб бериш ишлари якунланмоқда, 12 та лойиҳа бўйича эса тижорат банклари билан биргаликда 2007-2008 йилларга белгиланган жадвалларга мувофиқ лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва келишув ишлари олиб борилмоқда.

Кимё саноатида натурал шаклда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 фоизга, кимёвий тола ва ип ишлаб чиқариш 45,3 фоизга, синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқариш 67,7 фоизга ўсди.

Фаолият юритаётган 7 корхонани модернизациялаш лойиҳаларининг амалга оширилиши энергияни тежовчи замонавий технологияларни жорий этишга, энергия кучланишли жиҳозларни алмаштиришга ва технологик линияларни реконструкция қилишга йўналтирилган. Хусусан, дастурга кўра, «Аммофос» ОАЖ да фосфогипсдан сульфат аммоний ишлаб чиқариш бўйича тажриба-саноат мосламасини қуриш ишлари кўзда тутилган.

Ёғ-мой саноатида 25 та корхона қайта жиҳозланмоқда.

«Турон Хўжайли», «Чимбой мой» ва «Етгар» ОАЖ ларида экстракция цехларини қуриш ишлари ҳамда «Чимбой мой» ОАЖ да кунжара экстракцияси линиясини ўрнатиш ниҳоясига етмоқда.

Олиб борилаётган модернизация ишлари ва мой олиниши ҳажмининг кўпайиши натурал шаклдаги ўсимлик мойи ишлаб чиқаришни 3,6 фоизга, шу жумладан, тозаланган мой ҳажмини 6,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Пахта тозалаш саноатида 2007 йил дастурига мувофиқ 7 корхонада, шу жумладан "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг 5 корхонасида реконструкция ва модернизация ишлари якунланди. Қўшимча равишда Самарқанд вилоятидаги "Зиёвуддин" (дастурга асосан 2010 йилга мўлжалланган) ва Хоразм вилоятидаги "Янгиариқ" (2011 йилга мўлжалланган) пахта тозалаш заводларини модернизация қилиш тадбирлари амалга оширилди. "Хўжайли", "Пешку", "Хатирчи", "Янгиариқ", "Зиёвуддин", "Сайхунобод" ва "Бўка" пахта заводларида янги пахта тозалаш, линтер, конденсатлар ва тола тозалаш линиялари, 4 та корхонада эса янги пресслаш ускуналари ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Қурилиш материаллари саноатида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 65 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди, шу жумладан Самарқанд шаҳридаги "Ятра-инвест" ҳамда Тошкент вилоятидаги "Голд-шиф" қўшма корхоналарида шифер, "Полисан Индастриал" қўшма корхонасида полипропилен қувурлар, Қорақалпоғистон Республикасидаги "Каракалпакверми" шўъба корхонасида вермикулит ишлаб чиқариш, девор қурилишига мўлжалланган материалларни ишлаб чиқарувчи 33 корхона ҳамда маҳаллий қурилиш материалларини чиқарувчи бошқа қатор корхоналар ишга туширилди.

Натижада, 2007 йилнинг ўтган 9 ойида тармоқ корхоналарида цемент ишлаб чиқариш 461,5 минг тоннага (110,5 фоиз), шифер – 61,8 млн. шартли плиталарга (120,7 фоиз), қоплама плиталар – 17,2 минг. кв. метрга (111,3 фоиз), девор қурилиши материаллари ишлаб чиқариш – 98,5 млн. донага (129,4 фоиз) ошди, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг асосий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи таъминланди.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз банкрот корхоналарни сотиш борасидаги чора-тадбирлар. 443 корхонада қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга ошириш жараёнида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 364 корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари яхшиланди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватлари негизида шу йилнинг 9 ойи мобайнида 35та янги корхона ташкил этилди.

Истеъмол бозорининг ҳолати. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 19,8 фоизга ўсди. Холодильник ва музлаткичлар ишлаб чиқариш 2,6 баравар, кондиционерлар – 1,9 баравар, табиий чой – 142,9 фоиз, алкоголсиз ичимликлар – 1,5 баравар, ун – 106,9 фоиз, ўсимлик мойи – 103,6 фоиз, нон ва нон маҳсулотлари – 127,7 фоиз, гилам ва гилам маҳсулотлари – 111,4 фоизга кўпайди.

Истеъмол моллар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши натижасида чакана товар айланмаси 18,4 фоизга ошди. Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида юқори суръатлардаги товар айланишини кузатиш мумкин. Республиканинг умумий товар айланмасида қишлоқ жойлардаги савдо улуши кўпайди.

III. ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН УСТУВОР ДАСТУРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Маҳаллийлаштириш дастури. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1721,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, бу 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баравар кўп демакдир. 163 корхонада амалга оширилаётган 270 дастур доирасида 611,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар самараси 1373,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини изчил амалга ошириш натижасида 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида кўрсатилган хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,4 фоиз, шу жумладан пуллик хизмат кўрсатиш – 25,2 фоизга ўсди. Юқори суръатлардаги ўсиш алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (151,8 фоиз) ҳамда автомобиль ва бошқа техникани ремонт қилиш (136,7 фоиз), меҳмонхоналар (129,7 фоиз), транспорт хизматлари (123,4 фоиз) кўрсатишда кузатилди.Тиббиёт, таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида, деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш каби ижтимоий хизматлар умумий ҳажми 41,7 фоизга ортди.

Йўл қурилиши дастури. Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиш йўлларини қуриш, реконструкция ва таъмирлаш бўйича тасдиқланган дастурларга асосан 2007 йилнинг 9 ойи давомида 117,7 млрд. сўмлик ёки белгиланганига нисбатан 100,6 фоиз йўл қурилиши ишлари амалга оширилди. 511 километр узунликдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиш автомобиль йўллари, 162,8 п.м. узунликдаги 4 та кўприк таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусийлаштириш дастури. 9 ой мобайнида 394 давлат корхонаси, объектлар ва акция пакетлари сотилди, шу жумладан биржа, аукцион ва танлов савдоларида 168 та объект, 7 та корхона нолга тенг қиймат бўйича инвесторларга инвестициявий мажбуриятлар юклатилган ҳолда сотилди.

IV. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми 103,5 фоизни ташкил этди. Ўтган йилдагига нисбатан картошка (109,4 фоиз), сабзавот (111,9 фоиз), полиз маҳсулотлари (112,8 фоиз), мева (110,3 фоиз), узум (112,2 фоиз), гўшт (106,3 фоиз), сут (106,2 фоиз) етиштириш ортди. Шу йилнинг 25 октябри ҳолатига кўра 3,7 млн. тоннадан ортиқ пахта териб олинди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бу борада белгиланган вазифа уддаланди.

Ширкатларни фермер хўжаликларига ажратиш жараёни деярли якунланди. 329 ширкат хўжалиги негизида 25,17 минг фермер хўжалиги ташкил этилди. 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг умумий сони 214,4 мингтани ташкил этди. Уларнинг ихтиёрига 5751,5 минг гектар ер берилган бўлиб, 1611,8 минг нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини ташкил этиш учун тегишли шароит яратиш мақсадида қўшимча равишда 129 та ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи, 104 та минерал ўғитлар билан таъминловчи шохобча, 305 та муқобил МТП, 71 та мини банк, 229 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бошқалар ташкил этилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида фермер хўжаликларига лизинг асосида 3156 та қишлоқ хўжалик техникаси тақдим этилди.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш дастурини бажариш борасидаги ишлар фаол давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ким ошди савдоси шохобчалари орқали 14734 бош зотдор қорамол сотилди. Шу йилнинг 9 ойи ичида қорамол хариди учун 42,2 минг оилага 33,3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Чорвачилик билан шуғулланаётган деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган 159 та омухта ем билан савдо қилувчи дўкон ташкил этилди. Қорамоллар сонининг ўсиши январь-сентябрь ойларида 446 минг бошни ташкил этди, уларнинг умумий сони эса 7270,2 мингтага етди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ўтган ҳисобот даврида жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишлайдиган корхоналар ўртасидаги кооперацияни ташкил этишга қаратилган дастур доирасида 201 та агрофирма, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган 35 мингдан зиёд фермер хўжалиги тузилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот ва резаворларни қайта ишлаш ҳажми ошди.

V. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА УСТУВОР ИЖТИМОИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Умумтаълим тизими, соғлиқни сақлаш, болалар спорти ва ижтимоий инфратузилманинг моддий-техника базасини ривожлантириш. Ўз вақтида тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда бўнакли молиялаштириш натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактаблар қурилишига мўлжалланган марказлаштирилган маблағлар асосан ўзлаштирилди (2006 йилнинг 9 ойида бу ўзлаштириш йиллик кўрсаткичнинг 85 фоизини ташкил этган эди).

89735 ўқувчига мўлжалланган 148 та касб-ҳунар коллежи (2006 йилнинг 9 ойи кўрсаткичларига нисбатан 3 баравар кўп), 6930 ўқувчига мўлжалланган 10 та академик лицей (4 баравар кўп), 166098 ўқувчига мўлжалланган 440 та умумтаълим мактаби (2006 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 108,1 фоиз), 1095та қабулга мўлжалланган 21 та қишлоқ врачлик пункти, 1387,1 км. сув ва 605,2 км. газ тармоғи, 5831,4 квадрат метр тураржой'ва 168 та (2006 йилнинг мазкур даврига нисбатан 64 та кўп) болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди.

Иш билан таъминлаш ва аҳолининг реал даромадлари. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръати аҳолини иш билан таъминлашда, реал даромади ва умуман турмуш даражасининг юксалишида муҳим омил бўлди. Аҳоли тасарруфидаги реал пул даромадлари 22 фоизга, ўртача ойлик иш ҳақи эса 49 фоизга ўсди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида 489,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат туфайли аҳолини иш билан таъминлаш 3,1 фоизга ошди.

Корхоналар билан тузилган шартномалар бўйича касаначиликка асосланган 81,7 мингта иш ўрни яратилди. Касаначиликка оид кўплаб иш ўринлари пудрат шартномалари асосида ва оилавий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида шу йилнинг 9 ойи мобайнида 114 та "Меҳрибонлик" уйи ҳамда жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган болалар махсус мактаб-интернатлари моддий-техника базасини яхшилаш учун 4,6 миллиард сўм ажратилди. Уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ва мебеллар харид қилишга 1,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. 485 минг нафар биринчи синф ўқувчисига дарсликлар ҳамда ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 715 минг нафар фарзандига қишки кийим-бош берилди. 482 минг нафар фахрийга, ёлғиз нафақахўрларга компенсация тўловлари амалга оширилди, 35 минг фахрий санаторийларда ўз соғлигини тиклади, 48 минг кам таъминланган оилага бепул қорамол тарқатилди. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 8 минг кам таъминланган оилага имтиёзли микрокредитлар ажратилди, ногиронлар учун 3 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Дастурни амалга ошириш учун сарфланган маблағ 326,5 миллиард сўмни, шу жумладан бюджет маблағлари 152,8 миллиард сўмни ташкил этди.

2007 йилнинг 9 ойи мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича эришилган салмоқли натижалар Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтисодиётни янада эркинлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини ва қабул қилинган дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш, шунингдек 2008 йилда иқтисодиётни изчил суръатлар билан ривожлантириш асосини яратишга йўналтирилган сиёсатининг тўғрилиги ва самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

Обуна – 2008

БИЗ «ВАТАНПАРВАР»НИ ТАНЛАЙМИЗ



Мудофаа вазирлигининг қисм ва муассасаларида 2008 йилнинг I ярим йиллиги учун газета ва журналларга, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибдаги обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларининг фаолияти ҳақида кенг кўламда ҳикоя қилувчи ягона нашрдир. «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида нафақат турли қўшин турларида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёни ҳақида, шунингдек, уларнинг турмуши, озиқ-овқат ва моддий таъминоти, маданий дам олишлари борасидаги ишлар, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилади. Таҳририят журналистлари ва жамоатчи мухбирлари бўлажак Ватан ҳимоячиларининг ўсиб келаётган авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Ёшлар мавзуси – ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш мавзуси газетамизнинг энг асосий, устувор йўналишларидандир. Шу сабабдан ҳам республикамиздаги рангли даврий нашр бўлмиш «Ватанпарвар» газетаси газетхонларнинг кенг доираси учун қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Обуна компаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишида, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий ва ахлоқий-жанговар сифатларни, ватанпарварлик, уюшқоқлик ва интизомлиликни шакллантиришдаги улкан ва муҳим аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари шунингдек, чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, муқобил хизматни ўтаётган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиш ишларини уюштиришлари зарур.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим. Ҳар бир минтақада обуна ишлари билан ўрта ҳисобда 2 тадан 5 тагача компания шуғулланаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли обуна қилиш ва етказиб бериш борасида энг арзон нархларни таклиф қилаётган компанияни танлаш лозим.

Газетани етказиб беришдаги сарф-харажатлар жойларда турлича бўлганлиги сабабли «Ватанпарвар» газетасига 2008 йил учун обуна мамлакат бўйича ўртача Тошкент шаҳрида 25956 сўмдан Андижон вилоятида 37512 сўмгача қилиб белгиланган. Ҳар бир тарқатувчи обуна нархини ўз сарф-харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Обуна компаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

Шифокор маслаҳати

ЭМЛАШ – ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Хорижий давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланиши, ўша минтақаларга хос бўлган юқумли касалликларнинг ҳудудимизга кириб келиши ва тарқалиши хавфини орттиради. Улардан сақланишнинг ишончи ва самарали йўли эса вакцина орқали бошқариладиган юқумли касалликларга қарши эмлашдир. Ушбу тиббий тадбир аҳоли ўртасида юқумли касалликнинг маълум бир тури тарқалиши хавфи туғилганда ёки юқумли касалликлар бўйича эндемик бўлган давлатларга хизмат сафари ёки туристик сафар билан таширф буюрувчиларни олдиндан ўша хасталикдан муҳофаза қилиш учун ҳам ўтказилади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, вакцинопрофилактика ёрдамида аҳоли ҳамда шахсий таркиб орасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишидан ишончли ҳимоя қилиш мумкин. Академик Л.Зилбер таъкидлаганидек, «Тиббиётнинг ҳеч қайси бир соҳаси вакцинопрофилактикадек кўп инсонлар умрини сақлаб қолмаган».

Тўқсонинчи йилларда эпидемик вазиятнинг бирмунча барқарорлашиши вакцинопрофилактиканинг аҳамиятини нотўғри баҳолашга олиб келган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг эса юқумли касалликларни республикамиз ҳудудида босқичма-босқич камайтириш ва батамом йўқотишга қаратилган дастурларнинг ишлаб-чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ қилиниши туфайли эпидемик барқарорликни таъминлашга эришилмоқда. Юқумли касалликлар вакцинопрофилактикаси бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар самараси туфайли ҳозирги кунда ҳар хил юқумли касалликлар келиб чиқишининг олди олинмоқда.

Жумладан ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмаги билан Тошкент шаҳри аҳолисини ёппасига қизамиқ ва қизилча касаллигига қарши эмлаш ҳафталиги ўтказилди. Кўп сонли аҳоли билан бир қаторда Тошкент гарнизони ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларнинг 30 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилари ҳам эмланган эдилар. Эпидемиологик таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўтган давр мобайнида эмланганлар орасида қизамиқ ва қизилча касаллиги бирор марта ҳам қайд этилмади.

Бугунги кунда ушбу муҳим тадбирни давом эттириб, барча вилоятларда 30 ёшгача бўлган маҳаллий аҳолини ва шулар қаторида Қуролли Кучлар шахсий таркибини ҳам эмлаш режалаштирилмоқда. Қизамиқ-қизилчага қарши тирик леофилланган вакцина билан эмлашга 1 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар жалб этилади. Вакцинани ҳомиладорликда, камқонликда, юрак ва буйрак хасталикларида, ўткир юқумли касалликларда ҳамда иситмалаганда эмлаш тавсия этилмайди. Эмлангандан сўнг орадан 7-12 кун ўтиб, одатда эмланган жойда кучсиз қизариш ва кам ҳолларда тошма тошиши кузатилиши мумкин.

Шуни эсда сақлаш лозимки, эмлаш тадбирини уюшқоқлик билан ўтказиш, тегишли тавсияларга қатъий риоя қилиш билан аҳоли, ҳарбий хизматчиларнинг соғлигини сақлаш, уларнинг юқумли касалликларга чалинмаслигини олдини олишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Тиббий хизмат подполковниги Бахтиёр АҲМЕДОВ.

Қарор ва ижро

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ: ЯНГИ ҚОИДАЛАР



Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, кейинги бир йил давомида ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракат чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани амалда ўз самарасини бермоқда.

– Мазкур меъёрлар кучга киргандан буён йўл-транспорт ҳодисалари сони камайгани яққол сезилди, – деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анварҳўжа Сулаймонхўжаев ЎзА мухбирига. – Ўз навбатида оғир оқибатларга олиб келувчи жароҳат олиш ҳолатлари ҳам кескин камайди. Бунда соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилгани, аниқроғи қоидабузарлик учун жавобгарлик кучайтирилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Қонунчиликка мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, ҳайдовчига энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади ёки у транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача маҳрум этилади. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрда қабул қилинган "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қарор "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2008 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан шундай воситаларни ўрнатиш тақиқланади.

Мазкур янги меъёр ҳам ҳайдовчининг ҳаракатланиш пайтида чалғимаслигини таъминлашга хизмат қилади. Дарҳақиқат, транспортда теле ёки видеомониторлар орқали фильм ёхуд бошқа кўнгилочар томоша намойиш қилинса, бу ҳайдовчининг диққатини ўзига тортиши табиий ҳол. Диққатнинг бўлиниши эътиборсизликни, бу эса ўз навбатида қоидабузарликни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари соҳага оид бундай янгиликларни, аввало, ҳайдовчилар, қолаверса аҳолига етказиш борасида изчил тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

ИНСОН ҲАЁТИ БЕБАҲО

050

Ҳаёт тасодифларга бой. Инсон умри давомида неча-неча синовларга, қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келади. Фавқулоддда вазиятлар содир бўлмаслиги учун эса аввало ҳар бир инсон ҳушёр бўлиши зарур. Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда Тошкент шаҳар Фавқулоддда вазиятлар бошқармаси хизмати айниқса диққатга сазовордир. Ушбу мавзуда бошқарманинг Ахборот-таҳлил хизмати ва тезкор навбатчилар гуруҳи бошлиғи катта лейтенант Соҳиб ҚУДРАТОВ билан суҳбатлашдик.

– Шаҳримизда Фавқулоддда вазиятлар бошқармаси тизимида хизмат қилаётган соҳа вакилларининг асосий вазифаси – бу инсон ҳаёти ва унинг тақдири олдидаги масъулиятни ҳар онда, ҳар қандай вазиятда идрок этишдир. Шундай экан айни шу долзарб масалага қандай ёндашилаётганини бошқарма томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар мисолида келтириб ўтсангиз?

– Ўтган вақт мобайнида Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «Қутқарув хизмати»га шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 72001 маротаба мурожаатлар келиб тушган.

Улардан жами 1206 таси инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган чақирувлар бўлган. Ана шундай ҳолатларда «050» - «Қутқарув хизмати» ва «Авария-қутқарув отряди»нинг қутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатдилар. Бундан ташқари 70795 та мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан ҳаёт маромини таъминловчи фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббиёт, газ, иссиқ сув ва совуқ сув таъминотлари, электр таъминоти, электр таъминоти, оқава сувлар ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклаш гуруҳлари ишлари мувофиқлаштирилиб борилди. Гапимиз исботи сифатида рақамларга мурожаат этамиз.

«Сувсоз» ДУК бўйича совуқ сув билан таъминлаш тизимида – 11900 та авария ва узилиш содир бўлган бўлса, оқава сувлар тизимида – 10600 та авария ва узилиш содир бўлган. «Тошиссиққувват» ИЧБ бўйича иситиш тизимида – 10445 та, «Тошкентгазтаъминот» ҳудудлараро унитар корхонаси «Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси газ билан таъминлаш тизимида – 12050 та, «Тошшаҳарнур» ДУК бўйича шаҳар кўчаларини ёритиш тизимида – 12150 та, «Тошкент шаҳар Электр тармоқлари» бўйича электр таъминоти тизимида – 13650 та авария ва узилишлар содир бўлган.

Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари томонидан 310 маротаба кекса ногиронларга ва қарияларга тезлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шунингдек, «Қутқарув хизмати» ва «Авария-қутқарув отряди»нинг қутқарувчилари томонидан 340 маротаба оммавий тадбирларда ҳамда 134 маротаба Ички ишлар бош бошқармасининг ходимлари билан биргаликда шаҳарда хавфсизликни таъминлаш ишлари олиб борилди.

– Хабарингиз бор, айниқса, ёзги мавсумда рухсат этилмаган жойларда чўмилишнинг якуни – фожеа билан тугаш ҳоллари ҳам кўп учраяпти. Бу борадаги таҳлиллар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Келтирилган рақамларни таҳлил этар эканмиз, аввалом-бор уларни келиб чиқиш сабабларини ўрганишга ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари қай услубда олиб борилишига эътибор қаратишимиз лозим. Лекин шунга қарамасдан, кўпинча фуқаролар томонидан хавфсизлик чораларига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Мавсумда олиб борилган чора-тадбирларга қарамай «Авария-қутқарув отряди»мизнинг «Сувда қутқарув гуруҳи» қутқарувчи-ғаввослари жами 45 маротаба чақирувларга чиқишди. Афсуски, уларнинг кўпчилиги кўнгилсиз ҳодисалар билан тугади. Ушбу мисол орқали яна бир маротаба, рухсат этилмаган жойларда чўмилмасликни, оқар сув ёқасида болаларни назоратсиз қолдирмасликни эслатиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

– Болалар, айниқса вояга етмаган болалар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда қутқарувчилардан доимо шайликни таъминлаш, масъулиятни ошириш талаб этилади, шундай эмасми?

– Ёш авлод бизнинг келажагимиз. Шундай экан уларни асраш, ғамхўрлик қилиш билан бирга турли кўнгилсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Лекин афсуски, катталар томонидан ёш болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида ҳаёт учун хавфли бўлган вазиятлар келиб чиқмоқда. Статистик таҳлилларга мурожаат этадиган бўлсак, шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 207 маротаба хонадон ичида газ плиталари, электр жиҳозлари ёқиб қолдирилган хонадонларнинг эшиклари махсус асбоб-усканалар ёрдамида очиб берилган, ёнғин-портлаш хавфи, ҳамда ёш болаларни газ билан заҳарланиши фалокатини олди олиниб, гўдакларнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Бу борадаги хавфли вазиятларни камайтириш биз катталардан катта масъулият талаб этади.

– Демак, фавқулоддда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли саломатлиги ва моддий бойлигини муҳофаза қилиш, шунингдек кўрилиши мумкин бўлган зарарни камайтиришнинг зарур тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилиши талаб этилади. Бунда эса қутқарув ишлари олиб борилишини такомиллаштириш, профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш жуда муҳим...

– Албатта, шаҳримиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларни кенг кўламда ва самарали ташкил этишдан иборат. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга доимо тайёр бўлиш лозимлигини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Хуснихон ТОЖИБОЕВА суҳбатлашди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Нефть – 96 долларов за баррель

На торгах на азиатских биржах 1 ноября цена на нефть установила новый рекордный максимум, поднявшись выше 96 долларов за баррель. Это произошло после того, как Федеральная Резервная Система понизила процентные ставки. Рост цен также стал реакцией на сообщения о неожиданном сокращении запасов нефти в США. Цены на нефть на мировых биржах по итогам торгов предыдущего дня выросли более чем на 3,65%.



Продлен мандат миротворцев

Совет безопасности ООН продлил на шесть месяцев мандат миротворцев на юге Судана, передает РБК. СБ также призвал стороны к отказу от насилия и соблюдению мирных договоренностей. Миротворческая миссия на юге Судана развернута в марте 2005 года. В Дарфур отправятся миротворцы из 16 стран, передает ИТАР – ТАСС.



Закрываются ядерные объекты

В КНДР начинается практический вывод из строя трех главных ядерных объектов, расположенных в центре Йонбен в 90 км к северу от Пхеньяна. С этой целью в Пхеньян прибывают американские эксперты. Они приступят к демонтажу оборудования атомного реактора мощностью 5 мегаватт, радиохимической лаборатории и завода по производству топливных стержней.



В Мексике потопы

До 400 тысяч человек возросло количество пострадавших в результате наводнений в юго-восточном мексиканском штате Табаско. Об этом передает ИТАР – ТАСС со ссылкой на местное управление по делам гражданской обороны. Из 400 тысяч пострадавших пока лишь 20 тысяч были эвакуированы во временные убежища.



В США низкое число новобранцев

Новый набор в армию США, начавшийся 1 октября, в этом году отмечен беспрецедентно низким числом готовых пойти на военную службу. Новобранцев, изъявивших желание служить, оказалось меньше, чем когда-либо после 1973 года (именно тогда страна отменила обязательную службу в армии). Специалисты, отвечающие за набор военнослужащих, признают, что вооруженным силам будет сложно в этом году реализовать планы по пополнению своих рядов, передает АР.



100-летняя парапланеристка

Британская бабушка Пэгги Макалпайн отпраздновала свой сотый день рождения, став самой пожилой парапланеристкой в мире. На двухместном параплане в тандеме с опытным 34-летним пилотом Озгером Гоказаном она взлетела со скалы высотой 850 метров с захватывающим видом на море и спустя некоторое время мягко опустилась на землю, сообщает «ФактNews» со ссылкой на «Daily Mail».



Придуман надувной автомобиль

В США разработали принципиально новый автомобиль. Традиционно жесткий кузов машины теперь будет надувным. Как сообщает портал Авто.utro.ru, благодаря такой надувной конструкции машина сможет выдержать падения с высоты семь-восемь метров. По словам разработчиков, сначала на рынок выйдет двухместный автомобиль niKO. Его стоимость будет составлять приблизительно 3 000 долларов. Приобрести такое средство передвижения можно будет только через Интернет. Машина будет доставлена покупателю по почте в двух ящиках. Собрать автомобиль за два часа легко смогут несколько человек.



Претензии на ЧМ-2018


Англия решила подать заявку на проведение чемпионата мира по футболу в 2018 году. Соответствующее официальное заявление сделал глава Футбольной ассоциации Англии Джеффри Томсон. В споре за право проведения ЧМ-2018 Англию, как отмечают эксперты, ожидает сильная конкуренция со стороны Австралии, Китая, России, США, Бельгии и Нидерландов и Мексики.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

IV Всемирные военные игры

МОЛОДЕЖЬ ОПРАВДЫВАЕТ ДОВЕРИЕ



В преддверии главных стартов четырехлетия для армейских спортсменов мы представляли армейских боксеров под заголовком «Молодым предоставляется шанс», где была помещена фотография рядового срочной службы из ТВОКУ Баходира Мамаджанова. Теперь можем с гордостью отчитаться перед нашими читателями: молодежь сполна оправдала оказанное доверие. А рядовой Баходир Мамаджанов завоевал высокий титул чемпиона в весе до 60кг.

Победитель чемпионата Азии 2005 года и на мировом форуме военных боксеров утвердил превосходство узбекской школы бокса. Уже в первом бою ему достался трудный соперник Владимир Матвейчук из Украины. Раунд за раундом, наращивая преимущество, Баходир постоянно опережал соперника в контратаках, не давая возможности прижать себя в углу ринга. Умелая работа ног, прекрасное маневрирование выводили украинца из себя, заставляя чаще ошибаться, действуя первым номером.

Второй бой против индийского боксера Тхи Тхои Сингха Баходир построил совершенно в ином ключе. Индиец перед этим победил одного из фаворитов, россиянина Ивана Ячменева. Казалось, россиянин бил точнее, но инициатива была на стороне хозяина ринга, сумевшего переломить исход боя в свою пользу. Поэтому и в бою против нашего боксера Сингх надеялся сломить его сопротивление за счет плотного прессинга и высокого темпа.

Но не тут-то вышло. Баходир изменил своей обычной тактике работать вторым номером, подхватывая каждую атаку индийца точными сериями из трех-четырех ударов, волнами накатываясь на соперника. И гудевший поначалу зал затих, ведь на табло загорались цифры в пользу нашего боксера. Рисковать было нельзя, ведь в равных боях против хозяев ринга никому еще не присваивалась победа. Наш боец доказал, что он на голову выше соперника по всем параметрам, не позволив никому усомниться в своем классе.

В полуфинале итальянец Мелис Лука начисто проиграл Баходиру во всех элементах боя, поэтому судьи досрочно остановили поединок. Вот и Сандро Шаер из Германии так и не смог «подобрать ключей» к обороне Мамаджанова, а тот раз за разом уверенно пробивал защиту соперника. Счет 29:12 говорил о том, что и этот бой мог завершиться раньше времени.

Вот так рядовой срочной службы из ТВОКУ Баходир Мамаджанов стал чемпионом IV Всемирных военных игр. Значит, первому номеру в его весе, рядовому по контракту Бекзоду Хидирову, стоит призадуматься: подрастает достойная его смена.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Спортивной базе – заботу и внимание

ОБЩИМИ УСИЛИЯМИ

Руководство Министерства обороны Республики Узбекистан уделяет большое внимание строительству спортивных сооружений, развертыванию новых и благоустройству имеющихся в каждой воинской части и учреждении спортивных городков. А когда выделенные средства соединяются с энтузиазмом самих военнослужащих, каждый из которых понимает значение спорта в армейской жизни, результаты впечатляют.

Так, недавно под руководством офицера О. Усманова была проведена большая работа по планировке места для строительства спортивного городка Специального факультета ТУИТ и вывозу строительных отходов.

Несмотря на короткий срок, определенный для выполнения задачи, весь намеченный план работ был выполнен в полном объеме с соблюдением необходимых мер безопасности. Всего было очищено более 1900 квадратных метров территории, вывезено около 900 тонн строительных отходов, собрано свыше 5 тонн металлолома.

Все привлеченные к этому важному и ответственному мероприятию проявили старание и трудолюбие, смекалку и настойчивость. Среди отличившихся – военнослужащие, проходящие службу на Специальном факультете ТУИТ. За своевременное выполнение поставленной задачи памятным знаком начальника Объединенного Штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан награждены капитан Ж. Исоков, старший лейтенант К. Йулдошев, старший сержант А. Бакиев, сержанты И. Иванов и С. Ганиев, младшие сержанты А. Таниев, И. Мирзаяров и С. Орзибоев.

Высокий профессионализм и умение владеть сложной инженерной техникой показали младшие сержанты Н. Илиев и В. Волков. Они, как и служащие Вооруженных Сил экскаваторщик В. Шатравин, водитель автокрана М. Юнусов, водители автомобилей Р. Нуриддинов, А. Умматов и Ш. Шомурадов, по результатам работы были поощрены ценными подарками.

За высокие организаторские качества и личный пример в выполнении задачи по планировке места для строительства спортивного городка СФ ТУИТ были поощрены капитан С. Юнусов, старший лейтенант М. Шарипов, командир секции дорожной техники сержант Э. Бердиев.

Новый городок станет отличной спортивной базой как для повышения уровня спортивной выучки будущих офицеров, так и для занятия спортом военнослужащих частей и подразделений Ташкентского гарнизона.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

Футбол

БИРИНЧИ ДОВОН ЗАБТ ЭТИЛДИ

2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг Осиё минтақаси баҳсларига старт берилганидан хабарингиз бор. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи босқичда Хитой Тайпейи футболчилари билан учрашиб, уй – сафар тизимида ўтказилган икки ўйин натижасига кўра навбатдаги босқичга йўл олди.



Аввал хабар қилганимиздек, мазкур ўйинлардан биринчиси 13 октябрь куни Тошкентда, МҲСК стадионида ўтказилиб, унда ҳамюртларимиз футболда кам учрайдиган йирик натижа – 9:0 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар. Навбатдаги босқич масаласини ана шу ўйиндаёқ ҳал қилган Р. Ниязлеев бошчилигидаги терма жамоамиз Хитой Тайпейида ўтказиладиган жавоб учрашувига Павел Соломин («Сатурн», Россия)дан ташқари бирорта ҳам легионер футболчини жалб қилмасдан, ички чемпионатимизда қатнашаётган футболчилар билан жўнаб кетган эди.

Кутилганидек, 28 октябрь куни бўлиб ўтган жавоб ўйини ҳам тактик ва техник жиҳатдан рақибларидан анча маҳоратли бўлган ҳамюртларимиз устунлигида ўтди. Кейинги босқичга тайёргарлик вазифасини ўтаб берган мазкур ўйинда футболчиларимиз 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Тўпларни Ислом Иномов (79-дақиқа) ва Илҳом Суюновлар (90) киритишди.

Энди жаҳон чемпионатини ўтказиш низомига кўра, дастлабки босқичда ғалаба қозонган ўн тўққиз терма жамоа орасида ФИФА рейтингида юқори ўринларни эгаллаб турган ўн биттаси тўғридан-тўғри учинчи босқичда иштирок этади. Булар қаторида Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари ҳам бор. Қолган саккиз терма жамоа эса иккинчи босқичда яна ўзаро куч синашиб, кейинги босқичга йўл оладиган ғолибларни аниқлайди. Гуруҳ баҳсларига 25 ноябрь куни Дурбан (ЖАР) шаҳрида қуръа ташланади.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ФИНАЛ БОСҚИЧИДА

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичи «Д» гуруҳи ўйинларида муваффақиятли иштирок этди.

Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган баҳсларда ҳамюртларимиз мусобақанинг финал босқичига бериладиган икки йўлланма учун мезбонлардан ташқари, Бангладеш, Туркманистон, Тожикистон, Фаластин давлатларидан келган тенгдошларига қарши майдонга тушдилар.

Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзолари илк учрашувда майдон эгалари – Бирлашган Араб Амирликлари ўсмирлари билан куч синашиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашган бўлса, кейинги турларда барча рақибларини маглубиятга учратишди. Жумладан, футболчиларимиз Туркманистон (4:1), Тожикистон (2:1), Бангладеш (3:2), Фаластин (6:1) терма жамоалари устидан зафар қучиб, гуруҳда биринчи ўринни эгалладилар.

Келаси йили бўладиган Осиё чемпионати баҳсларида қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси иштирок этади. Ҳозирча тўққиз давлат ўсмирлар терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган. Булар Австралия, Баҳрайн, Хитой, КХДР, Эрон, Сингапур, БАА, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея мамлакатлари ёш футболчиларидир.

С. ПЎЛАТОВ.

Универсал жанг

ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛАР САФИДА

1–4 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида «универсал жанг» бўйича VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Мусобақага Индонезия, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Покистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия, Эрон, БАА, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Туркманистон, Малайзия, Литва, Латвия каби 30 дан зиёд мамлакатлардан 200 нафарга яқин спортчилар келиши кутилмоқда.

Илк бор Тошкентда ўтказилаётган мазкур мусобақада олтин медаллар учун асосан Ўзбекистон, Россия Монголия, Қозоғистон, Украина давлатларининг кучли спортчилари даъвогарлик қилиши кутилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, «универсал жанг» халқаро ҳаваскорлар федерацияси 1996 йилда ташкил этилган. «Универсал жанг» спорт турида мусобақалар асосан икки қисмдан иборат бўлади. Яъни, биринчи қисмда тўсиқлар йўлагини кесиб ўтиш бўлса, иккинчиси рингда ўтказиладиган жангдан иборат. Жанг вақтида спортчилар самбо, бокс, дзюдо, қўл жанги, кикбоксинг усулларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Айни пайтди «универсал жанг» дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида тан олинган. Ўзбекистонда ушбу спорт тури 2004 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ёрдамида рўйхатга олинган бўлиб, унинг асосий мақсади ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ва уларни Қуролли Кучлар сафида хизматга тайёрлашдан иборат.

Бокс. Чемпионат мира

БОИ ЗА ПУТЕВКИ НА ОЛИМПИАДУ

В эти дни в городе Чикаго (США) на проходящем чемпионате мира по боксу «горячая пора». Мастера кожаной перчатки из 122 стран прибыли сюда на соревнования. О жесткой и тяжелой конкуренции говорит не только количество участников соревнований, но и то, что победители и призеры этого чемпионата получат лицензию на участие в Олимпийских играх-2008.

К сожалению, наши соотечественники – многоопытные мастера кожаной перчатки серебряный призер прошлого чемпионата мира Дилшод Махмудов (64 кг), бронзовый призер Сиднейской Олимпиады Рустам Саидов (+91 кг) в первых же встречах потерпели поражение. Также – на сегодняшний день отсеялись и другие члены сборной Узбекистана Олим Назаров (48 кг), Туляшбой Дониеров (51 кг), Орзубек Шоимов (54 кг), Бекзод Юнусов (67 кг), Жасур Матчанов (91 кг) и оказались на скамье зрителей.

Пока без поражений будут, одерживая уверенные победы, четыре наших атлета Баходыр Султанов (57 кг), Бекзод Хидиров (60 кг), Эльшод Расулов (75 кг) и Аббос Атаев (81 кг).

Бронзовый призер Афинской Олимпиады Баходыр Султанов, одержав верх над Хесусом Марсело Андресом (Аргентина), Хангом Реёнг Ханом (КНДР), вышел в четвертьфинал. Теперь его соперником будет россиянин Альберт Селимов.

Бекзод Хидиров в предварительных поединках победил своих соперников Ховмана Карамий (Иран) и Антуса Доналсона (Новая Зеландия).

Победитель первенства мира среди молодежи, чемпион Азиатских игр служащий Вооруженных Сил мастер спорта международного класса Эльшод Расулов работает в своем «ключе»: демонстрирует атакующий, разнообразный, техничный бокс. От нашего армейского боксера испытали горечь поражения Ян Сайко (Чехия), Иштван Сжили (Венгрия).

Отличный бой продемонстрировал Аббос Атаев. Он уже в третьем раунде нокаутировал своего соперника из Румынии Константина Беженаруту.

Будем надеяться, что наши соотечественники обязательно займут достойное место минимум в тройке призеров. Это значит, что у узбекистанцев будут лицензии на Олимпиаду-2008.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

Кураш. Чемпионат мира

УЗБЕКСКИЕ ПАЛВАНЫ – ЛУЧШИЕ В МИРЕ

На проходившем в столице Монголии Улан-Баторе VI чемпионате мира по курашу 1-е общекомандное место завоевала сборная нашей страны.

Сильнейшие палваны из более 40 стран приняли участие на этих соревнованиях. Ежедневно около 10 тысяч болельщиков и любителей спорта лицезрели бескомпромиссные поединки палванов. Отрадно, что на высшую ступень пьедестала почета поднялась «золотая» команда Узбекистана.

Золотые медали в своих весовых категориях завоевали Фуркат Маматов (60 кг), Олим Равшанов (66 кг), Равшан Махмудов (81 кг), Шерали Жураев (90 кг), Икром Нуруллаев (100 кг) и Давлат Чориев (+100 кг).

Шерали Жураев участвовал в «споре» палванов абсолютной весовой категории. Здесь ему удалось стать вторым призером. Кстати, в финале Шерали проиграл своему земляку Давлату Чориеву.

Также в копилку сборной Узбекистана серебряную и бронзовую медали принесли Мукаддас Кубаева (48 кг) и Машхура Мавлонова (+63 кг).

– В следующий раз мы обязательно улучшим свои результаты, – твердо заверяет бронзовый призер чемпионата М. Мавлонова.

Ее боевой настрой вселяет в наших палванов надежду на победу.

Наш корр.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ НИЖНЮЮ ЧАСТЬ СПИНЫ

РАСПРЯМЛЕНИЕ СПИНЫ (подъем спины)

Распрямление спины – упражнение первостепенной важности. Оно создает нагрузку на мышцы низа спины на протяжении всего движения. В частности, оно оказывает воздействие на глубокие длинные мышцы спины, разгибающие позвоночный столб и голову, и другие мышцы, расположенные вдоль позвоночника, которые заставляют позвоночный столб изгибаться вверх и поддерживают распрямленную спину в естественном положении.

Выполнение распрямления спины. Расположитесь на тренажере, предназначенном для распрямления спины, так, как показано на иллюстрации. Бедра должны лежать на слегка приподнятой подушке тренажера. Тазобедренный сустав не должен выступать за ее край, потому что в противном случае он помешает вам сосредоточиться на работе нижней части спины. Расслабьте мышцы спины и займите исходное положение, нагнувшись и опустив вниз спину и голову. На протяжении всего упражнения ноги должны оставаться прямыми. Руки могут быть скрещены на груди (при этом хорошо тренированные спортсмены могут взять отягощение) или за головой. Не спеша распрямляйте позвоночник, поднимая при этом сперва только голову и верхнюю часть торса, затем одновременно с ними «в унисон» поднимайте и нижнюю часть спины, пока верхняя половина вашего тела не примет положение, приблизительно параллельное полу. Задержите на секунду спину в вытянутом положении и затем постепенно возвращайтесь в исходное положение.





СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

27–28 октябрь кунлари Мўғулистонда миллий спортимиз – кураш бўйича VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциацияси ижроқўм йиғилиши ва навбатдаги конгресси ҳам ўтказилди. Ижроқўм йиғилишида келаси йили ёшлар ўртасида ташкиллаштириладиган жаҳон чемпионати жойи, мусобақа тартиби ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Туркия давлати кўпчилик овоз билан 2008 йили ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионати мезбонлигини қўлга киритди. Конгрессда КХАга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар таклифи ўрганиб чиқилди ва янги аъзолар қабул қилинди. Шундай қилиб, кураш оиласига аъзо давлатлар сони 94 тага етди.

Бу сафарги мусобақаларда ҳам ўзбекистонлик полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Курашчиларимиздан Ф. Маматов (60 кг.), О. Равшанов (66 кг.), Р. Маҳмудов (81 кг.), Ш. Жўраев (90 кг.), И. Нуруллаев (100 кг.), Д. Чориев (мутлақ вазнда) жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Қизлар ўртасидаги баҳсларда М. Кубаева (48 кг.) кумуш, М. Мавлонова (+63 кг.) бронза медалларини қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи, Мўғулистон курашчилари иккинчи, Эрон полвонлари учинчи ўриндан жой олишди.

●

Академик эшкак эшиш бўйича Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионати якунланди.

Мазкур мусобақанинг оғир эшкаклар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дамир Нурзаниев ва Владимир Черненко жуфтлиги маррага учинчи бўлиб келиб, бронза медали билан кифояланди.

Енгил эшкаклар мусобақаларида иштирок этган Дамир Наурзалиев, Артём Кудряшов ҳамда Севара ва Зарина Ғаниевларга биринчи ўрин насиб этди.

●

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Шерзод Ҳусанов навбатдаги рейтинг жангида россиялик Ян Ходирев билан учрашди. Олти раундга мўлжалланган жангнинг бешинчи раундига келиб Шерзоднинг кучли зарбаларига дош беролмаган россиялик боксчи нокаутга учради ва ҳамюртимиз кетма-кет еттинчи ғалабасини нишонлади.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксчилик фаолиятини бошлагунга қадар Ш. Ҳусанов ҳаваскорлар орасида жаҳон чемпионати совриндори бўлган ва ҳарбий спортчилар ўртасида эса жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган.

●

Футбол бўйича 2014 йилда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Бразилияда ўтказилади.

Сешанба куни Халқаро футбол ташкилоти (ФИФА)нинг навбатдаги йиғилишида 2014 йилги жаҳон чемпионати Бразилияда ўтказилиши тасдиқланди, деб хабар қилади Reuters агентлиги.

Бразилияликлар ана шу мусобақани ўтказиш учун ягона даъвогар эдилар. Жанубий Америка давлати бўлмиш ушбу мамлакатда 1950 йилда ҳам футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилган эди.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

«Энг илғор ҳамшира»

МАҲОРАТДА, ЗАКОВАТДА ЯГОНА ҚИЗЛАР

Шифокорларни инсон саломатлигининг посбонлари дея таърифлаймиз. Бу холис баҳо уларнинг тунларни тонгга улаган бедорлигию фидойи хизмати учун берилгани аниқ. Забардаст шифокорларимиз билан бир сафда ўз «постида» ҳушёр ва сергак турадиган ҳамшира қизларимизга эса янада ўзига хос таърифу тавсифлар муносиб бизнингча. Чунки бемор саломатлигини тикланишида доим улар билан ҳамнафас бўлиб турадиган ҳамширалар хизмати бир қадар зиёда шубҳасиз.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги тиббиёт даргоҳларида ҳам минглаб ҳамшираларимиз фаолият юритаётганига гувоҳмиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ватан посбонларининг саломатлигига масъул бўлган бу кичик тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси ҳамма вақт эътиборда. Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Энг илғор ҳамшира» танлови ҳам ҳамшираларнинг касбий маҳоратини юзага чиқарувчи, етук мутахассисларни сараловчи тадбирлардан биридир. Бу ўзига хос беллашувнинг биринчи босқичи дастлаб ҳар бир ҳарбий жамоа тиббиёт пунктлари ва госпиталь ҳамширалари ўртасида ташкил этилади. Иккинчи босқичида эса ҳарбий округлар миқёсида уларнинг билим ва малакалари синовдан ўтади. Танловнинг сўнгги учинчи босқичида иккинчи босқич ғолиблари ўзаро касбий маҳорат ва заковатлари бўйича беллашадилар. Ушбу танловнинг афзаллик томони шундаки, нафақат ҳамшира қизларимизнинг эгаллаган тажриба ва малакаси, балки жамиятда ва оилада тутган ўрни ҳам юзага чиқади, десак хато бўлмайди.


Бу йил ҳам Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталнинг катта йиғинлар залида «Энг илғор ҳамшира» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда ҳарбий округлар миқёсида биринчи ўринни қўлга киритган етти нафар заковатли ва гўзал ҳамшира қизлар иштирок этишди. Бешта йўналиш бўйича ўз иқтидорларини намойиш этган ҳамшираларнинг ҳар бир чиқиши Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармасининг даволаш профилактика бўлими бошлиғи тиббий хизмат офицери Абдураим Раҳимов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари томонидан эътибор ила одилона баҳолаб борилди.

Тиббиёт – бу доимий ривожланишдаги касб. Шу сабаб ушбу касб эгаларидан узлуксиз равишда ўқиб-ўрганиш, малака ошириб бориш, интилиш ва изланиш талаб этилади. Танлов талабларида ҳам айнан мана шу изчилликка эътибор қаратилди. Иштирокчилар танлов шартларини амалий ва назарий йўналишларда амалга оширишди. Танлов якуни ҳаяжонли дақиқаларга янада бой бўлди. Чунки бу ҳаяжонли онларда ҳамшира қизлар маҳорати муносиб баҳоланди. Шундай қилиб «Энг илғор ҳамшира» беллашувида Марказий ҳарбий клиник госпиталь ҳамшираси Элина Салимова биринчи ўринни, Навоий ҳарбий госпитали ҳамшираси Альфия Шафиева иккинчи ўринни, Нукус ҳарбий госпитали ҳамшираси Мевагул Ембергенова учинчи ўринларни қўлга киритишди.

– Ҳарбий тиббиёт даргоҳларида хизмат қилаётган ҳамширалар ўз вазифасининг моҳир устаси бўлишлари шарт, – дейди офицер Абдураим Раҳимов биз билан суҳбатда. – Шунинг учун ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу танлов шартлари уларнинг маҳоратларини янги-янги йўналишларда синовдан ўтишига замин яратмоқда. Мана, бу йилги танловда асосий эътиборни шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга қаратдик. Натижалар ёмон эмас. Кўриниб турибдики, кичик тиббиёт ходимлари учун бундай беллашувларнинг аҳамияти катта.

Даврани олиб борган, гўзал миллий кийимлари ўзларига ярашиб турган клиник госпиталь ҳамширалари Гулруҳ Отамуродова ва Гулнора Аҳмеджоноваларнинг бошловчилик маҳорати, госпиталь йиғинлар залининг танловга мос тарзда безатилиши ҳам йиғилганларга манзур бўлди. Қизиқарли тадбир Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли маҳоратли санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар билан ниҳоясига етди.

Баноат ЮНУСОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.



Вести из подразделений

ПОСЛАНИЕ В МАХАЛЛЮ

В воинском коллективе подразделения связистов, где служит младший сержант У. Давлетов, высоких результатов в соревновании за звание лучшей по итогам боевой учебы добивается радиорелейная группа лейтенанта А. Расулова.

Немаловажным слагаемым успеха является соревнование – за звание лучшего подразделения, за право называться лучшим специалистом. Обеспечение гласности при подведении итогов, анализ промежуточных результатов, поощрение отличившихся – соблюдение названных условий, безусловно, заряжает личный состав мощной энергетической силой на достижение лучших результатов.

На подведении итогов месяца был изучен опыт передовиков – экипажа радиорелейной станции, где начальником младший сержант А.Солиев. Старший водитель рядовой Б. Аббосов и водитель-электрик рядовой Г. Донишев рассказали о рачительном подходе к эксплуатации вверенной в их распоряжение автомобильной техники. Старший механик рядовой Ж.Абдусаломов и механик рядовой Т. Саидназаров поделились секретами образцового содержания аппаратуры связи, оперативного устранения возникающих неполадок, обеспечивающих устойчивую связь с абонентами без какого-либо намека на помехи.

– Действенной формой стимулирования активности личного состава, безусловно, является поощрение отличившихся, – говорит лейтенант А. Расулов – Наряду с вручением почетных грамот, ценных подарков, посылаем родителям благодарственные письма, поощряем увольнением в город.

Вот и родителям механика рядового Р. Аббасова недавно отправлено такое послание. В махаллю, откуда солдат родом, что в Учтепинском районе столицы, письмо прибыло своевременно. Хороший подарок ко дню рождения своего отца, Одилака, сделал передовой воин!

Недавно воины данного подразделения совершили полевой выход с развертыванием радиорелейных станций. Это стало очередным важным испытанием для передового воинского коллектива. И здесь со всей серьезностью готовились к нему, ведь нелегко было организовать и обеспечить командный пункт бесперебойной связью с абонентами как базы, так и по точкам новой дислокации на местности. Да, отстоять звание лучшего в подразделении, удержав заработанный имидж передовиков, совсем непросто.

Капитан
Хасан ФАРРУХОВ.
(ЮЗОВО).

ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

САФЛАРДА ТОБЛАНАР ЕТУК ПОСБОНЛАР


Инсоннинг маънан шаклланишида илм-маърифат улашувчи китоблар дунёсининг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан ҳам билимлар хазинаси бўлган кутубхоналарни маънавият ўчоқлари, дея атасак хато қилмаймиз. Зеро, шахснинг ҳар томонлама шаклланиб, комил инсон бўлиб етишишида бу каби зиё масканлари асосий ўрин тутади.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, бугун юрт посбонларининг жисмоний ва жанговар тайёргарликлари билан бир қаторда уларнинг интеллектуал салоҳиятлари ҳам юқори даражада бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу боис Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий қисм ва муассасалардаги кутубхоналар фаолиятига ҳам эътибор жуда юксак. Кутубхоналарнинг таъмирланиб, янги-янги адабиётлар, вақтли матбуот нашрлари билан бойитиб борилаётгани, компьютерлаштирилаётгани, электрон дарсликлар ва интернет хизмати улар ихтиёрига берилиши мавжуд барча имкониятлардан кенг фойдаланилаётганликдан далолатдир. Масалан, яқинда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртидаги кутубхонада бўлганимизда ҳам ана шундай ижобий ўзгаришлардан бирига шоҳид бўлдик.

Билим юрт кутубхонаси янги таъмирдан чиққан муҳташам бинога кўчирилди. Замонавий талаблар асосида барпо этилган ушбу зиё маскани шу куннинг талабларига тўлиқ жавоб бериб, ўқувчилар мутолааси учун барча шарт-шароитлар яратилгани билан эътиборни тортади. Кутубхона фонди эса кўплаб янги адабиётлар билан бойитилди.

– Ақл чироғи бўлмиш китоблар посбонларнинг маънавий камолида ва ватанпарварлик руҳида тарбияланишларида муҳим восита бўлиб хизмат қилади, – дейди кутубхона мудираси Лариса Морозова. – Шу билан бирга посбонларнинг интеллектуал салоҳияти, машғулотлардаги фаоллиги, қолаверса, соҳага меҳр қўйиб, ўз касбига бўлган муносабатларининг мукаммал шаклланишида китобнинг роли катта. Айниқса, адабиётлар орасидаги шонли тарихимиздан, буюк боболаримиз жасоратидан сўзловчи нодир китобларимизнинг кўплиги қувонарлидир.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.



Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Шоҳруҳ Маматқуловнинг ҳарбий соҳага қизиқишида муддатли ҳарбий хизматининг бениҳоя катта ўрни бор. Ёшлигидан спортга ошно тутинган йигит конституциявий бурчини ўташ учун армия сафига келди-ю, маълум вақт ўтгач, у айнан шу ер хизмат жойи эканлигини англаб етди.

– Кўпчиликда бирор касбга қизиқиш одатда ёшлигидан бошланади, – дейди биз билан суҳбатда Шоҳруҳ. – Мен ёшлигимдан спортчи бўлиб, халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишни орзу қилар эдим. Лекин эгнимга аскарлик либосини кийганимдан сўнг эса юрт посбони бўлиб армия сафида хизмат қилсамгина мен дарёларида чўмилиб, даштларида югуриб, елган Ватанимга кўпроқ фойдам тегишини англаб етдим. Шу сабабли муддатли ҳарбий хизматим мобайнида ҳарбий касб сирларини мукаммал ўзлаштириб, шартнома асосида хизматимни давом эттиришга ҳаракат қилдим. Албатта бундай пайтда командирларим ҳам мени қўллаб – қувватлашди.

Мамлакатимиз Президенти, Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейилади: «... Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган инсонлар бўлиб камол топмоқда».

Дарҳақиқат, посбон Маматқулов армия сафида ҳар томонлама шаклланиб, чиниқиши баробарида ўз ҳаёт йўлини танлади. Йигит Самарқанднинг Булунғур туманида истиқомат қилувчи ота-онасига мактуб йўллаб бу қароридан уларни воқиф қилганида, дилбандининг Ватан посбонидек шарафли касбини танлашни ихтиёр этганлиги оила бошлиқларини ниҳоятда хурсанд қилди. Шундан сўнг у шартнома асосида хизматини давом эттирди. Соҳага қизиқиб, ҳар бир машғулотларда тажриба орттириб бораётган оддий аскар Шоҳруҳ Маматқулов қисқа вақт ичида ўзининг зукколиги билан устозларининг ишончини оқлади. Айниқса, ўқув мавсуми давомида эришган ютуқлари учун жорий йил август ойида посбонга Мудофаа вазирлиги томонидан «Жанговар тайёргарлик аълочиси», «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» ҳамда «Ҳарбий спортчи» сингари кўкрак нишонларининг берилиши унинг ҳақиқий профессионал посбон эканлигини амалда яна бир бора исботлади. Бу хуш хабарни эшитган йигитнинг ота-онасининг кўзига қувонч ёшлари қалқиркан, улар бундай ўғлонни ўстириб вояга етказгани учун қалбининг туб-тубидан ғурур ҳиссини туйишди.

Айни пайтда ўзининг юриш-туриши ва зукколиги билан сафдошларига намуна бўлиб келаётган Шоҳруҳ болалигида ҳам ижобий фазилатлари билан тенгқурларига ўрнак бўларди. У ёш бўлишига қарамай акасига эргашиб, муайтай клубига қатнай бошлаганда кўпчилик дўстлари ҳам Шоҳруҳга ҳавас қилиб, спортга ошно тутинишди. Ўн икки ёшига қадар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланган болакай бир қатор мусобақаларда ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, 1996 йил Самарқанд шаҳрида муайтай бўйича ташкиллаштирилган республика биринчилигида 36 килограмм вазнда иштирок этиб, барча рақибларига имкон қолдирмай биринчи ўринни қўлга киритди. Ўшанда ёш болакайнинг жанг санъати мусобақа ҳакамларини ҳайрон қолдирганди. Тиниб-тинчимас болакай 12 ёшидан таэквондо билан ҳам шуғуллана бошлади. Тажрибали устозлардан билим олиб, мазкур спорт тури бўйича маҳоратини шакллантирган йигитча қисқа вақт ичида ўз истеъдодини намоён қила бошлади. Аввалига икки йил мобайнида вилоят миқёсида ташкиллаштирилган мусобақаларда тажрибасини орттириб, сўнгра республика биринчилигига йўл олди. Кетма-кет пойтахтда ёшлар ўртасида ўтказилган республика турнирларида вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилди. 1998-99 йилларда Тошкент спорт ареналарида таэквондо бўйича ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб, вилоят терма жамоаси ҳисобини ўзининг қўлга киритган медаллари билан бойитди. Айни пайтда миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган йигит ўқув мавсуми давомида эришаётган ютуқлари билан жамоасининг юқори ўринни эгаллашига ўз улушини қўшиб келмоқда. Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида Шоҳруҳдек истеъдодли ўғлонлар кўплаб топилади. Мана шундай алпқомат, оташ қалб, Ватан учун ҳар нарсага тайёр посбонлар сафларда кўп экан, армиямиз қудрати бундан-да юксалиб бораверади.

Комилжон ҲАСАНОВ
«Ватанпарвар» мухбири,
Комолиддин ТЎРАЕВ
олган сурат.

ХАФТА ГЎЗАЛИ



KAMOLOT

Қизлар ҳақида гапирилганда латофатли, гўзал деган сўзлар кўп ишлатилади. Аслида ҳам дунёда улардек назокатли ва дилбар ҳилқат топилмаса керак. Саҳифамизнинг бу галги меҳмони бўлган Умида Муродова ҳақида ҳам мана шу фикрларни айтиш мумкин. Чеҳрасидан самимийлик балқиб турган бу гўзал қизимиз Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицейда таҳсил олади. Умида ўқишдан бўш вақтларида ижод қилиб, ўзининг кўнгил кечинмаларини қоғозга туширишга ҳаракат қилади. Унинг ҳатто, «Кўнгил томчилари» ва «Тўлин ой» номли шеърий тўпламлари ҳам нашрдан чиққан. 2007 йил Умида учун омадли келди. Иқтидорли ўқувчи «Келажак овози» Республика мега танловининг вилоят босқичида «Бадиий ижод номинацияси» бўйича ғолибликни қўлга киритди.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Аёллар ҳаёси билан гўзал, ҳаёси билан улуғдир. Аслида ғайриахлоқий ва ножоиз хатти-ҳаракатлардан тийилган аёл чинакам ҳаёли саналади. Донолар иболи ва ҳаёли аёлни «соф олтин» деб таърифлаганлар. Файласуф Суқрот эса «хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир» деган. Шундай экан, ҳеч қачон гўзал хулқ-атворингизни йўқотманг. Зеро, бошқалар сиз ҳақингизда ёмон фикрга бормасин.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Поберегите силы – предоставьте окружающим возможность решать свои проблемы. Возможны изменения планов у деловых партнеров в благоприятную для вас сторону. Приостановившиеся проекты начнут постепенно развиваться.

ТЕЛЕЦ
Могут усложниться отношения на работе. Вам понадобятся такие качества как тактичность, а также умение сочувствовать. Сможете уладить проблемы с родственниками. Перед вами могут открыться интересные перспективы.

БЛИЗНЕЦЫ
Вы многое увидите с новой точки зрения, только не увлекайтесь анализом в ущерб активной деятельности. Вас будут оценивать по пунктуальности и ответственности. Желание перемен подтолкнет вас к решительным действиям.

РАК
Пришло время пересмотреть жизненные цели. Не срывайте свой гнев на окружающих. Новые предложения будут звучать весьма заманчиво, но они принесут выгоду. Будьте снисходительнее к настроению близких людей.

ЛЕВ
Воспользуйтесь своим даром убеждения. Профессиональная деятельность может занять все ваше время. Постарайтесь запастись терпением. Желательно оградить себя от ненужных контактов. Вам придется отстаивать свои убеждения.

ДЕВА
Постарайтесь сосредоточиться на главном. Вероятно, вас могут ожидать испытания и трудности. Благоприятный момент для решения различных вопросов. Придется отстаивать свои взгляды и убеждения.

ВЕСЫ
Желательно внимательнее отнестись к деловым проектам. Излишняя спешка может привести к серьезным финансовым потерям. Будут удачными поездки и командировки. Неожиданный поворот событий повлияет на вашу судьбу.

СКОРПИОН
Постарайтесь не выступать с идеями и предложениями. Вас могут неправильно понять. Не стоит создавать себе лишних проблем. Дети могут огорчить вас. Вам придется изменить восприятие окружающей действительности.

СТРЕЛЕЦ
На этой неделе вы – творец своего счастья. Не распыляйтесь: поставьте себе конкретную цель и стремитесь к ее достижению. Вероятна встреча с другом. Благоприятное время для обмена квартиры или переезда.

КОЗЕРОГ
Правильные решения будут приходить исключительно благодаря интуиции. Отношения с окружающими быстро наладятся. Вы будете полны новых идей. Ваше внимание будет сосредоточено на вопросах, связанных с работой.

ВОДОЛЕЙ
Ваши трудовые успехи могут превзойти все ожидания. Умение слушать и слышать принесут вам успех. Могут быть удачными договоры и важные сделки. При работе с бумагами проявите сосредоточенность и внимательность.

РЫБЫ
Минимум работы и максимум отдыха – вот ваш девиз. Большое значение будет играть информация. Может возникнуть ситуация, когда вам придется заниматься сразу несколькими делами одновременно.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

САНОБАРНИНГ ЭРТАКЛАРИ КЎП



Ойнаи жаҳонда узатилаётган бирор бир кўрсатувни томоша қилар эканмиз, энг аввало дастур бошловчисининг нутқига, кийиниш маданиятига, ўзини тутиш маҳоратига кўпроқ эътибор берамиз. Шунинг учун ҳам катталарга мўлжалланган дастурларни тайёрлаш қийин деб ўйлаймиз. Аслида эса катталарга қараганда кичик ёшли томошабинларга бағишланган кўрсатувларни тайёрлаш бирмунча қийинчилик туғдиради. Чунки ёш боланинг кўнглига йўл топиш, улар билан жонли мулоқот олиб бориш, ҳар қандай бошловчининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун улардан муомала маданияти билан бирга актёрлик маҳорати ҳам талаб этилади. Бу борада «Эртаклар яхшиликка етаклар» кўрсатуви бошловчиси Санобар Қодированинг маҳоратига тан берсак арзийди. Ўзининг миллионлаб жажжи мухлисларига эга бўлган Санобар Қодирова бугун саҳифамиз меҳмони.

– Болалигим Тошкент вилоятининг Оқ-қўрғон шаҳрида ўтган, – дейди Санобар Қодирова. – Кичкиналигимда жудаям эртак эшитишни яхши кўрардим. Ҳовлимизда катта сўри бўлиб, ёзда ана шу сўрида ётиб бувимнинг эртакларини эшитардик. Бувим ҳар доим бизга янги-янги эртаклар айтиб берарди. Бу эртаклардаги эзгуликнинг ёвузлик устидан, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси мени руҳлантирарди. Ана шундай вақтда қанийди мен ҳам эртак қаҳрамонларининг ўрнида бўлиб қолсам, деб хаёл қилардим. Мана шу хаёллар мени улғайганимда ҳам тарк этмади. Яъни эртакларга ошно бўлиб вояга етдим. Ҳаттоки мактаб даврида ҳам эртак китоб ўқишни канда қилмасдим. Ўқиган эртакларимни эса қўшни болаларга айтиб берардим. Биламизки, эртаклар ҳам жуда катта тарбия воситаси ҳисобланади. Чунки болага ота-онадан кейинги маънавий тарбияни эртаклар беради. Мен ҳам айнан шу эртаклар туфайли оқ-қоранинг фарқига борганман. Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик каби тушунчаларга улар орқали изоҳ топганман. Шу эртаклар мени болалар билан боғлаган. Бу ҳам мен учун катта бахт аслида.

Мактабни битирганимдан сўнг Юнус Ражабий номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирдим. Аслида цирк артисти бўлмоқчи эдим. Лекин баъзи сабабларга кўра бошқа мутахассислик бўйича сабоқ олдим. Билим юртини тугатганимдан сўнг икки йил боғчада мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишладим. Лекин менга ҳар доим актриса бўлиш ва турли эртак қаҳрамонларининг ролларини ўйнаш орзуси тинчлик бермасди. Телевизорда болаларга бағишланган театр томошаларини кўрсам, тўлқинланиб кетардим. Барибир қизиқиш устунлик қилди ва мен Театр ва рассомчилик институтининг қўғирчоқ театри актёрлиги факультетига ўқишга кирдим. Бу даргоҳда мен жуда кўп устозлардан актёрлик сирларини, саҳнада ўзини тутиш маҳоратини ўргандим. Умуман, таҳсил мобайнида актёр учун зарур билим ва кўникмага эга бўлдим. Институтни тамомлаб Ёш томошабинлар театрида иш бошладим. Театрда жуда кўп томошаларда роль ўйнадим. Уларда асосан яхшилик ва эзгулик тимсоли бўлган образларни яратдим. Театрда ишлаб юрган пайтимда менга телевидениеда болалар учун тайёрланадиган «Оқшом эртаклари» дастурига бошловчиликка таклиф қилишди. Бу ерда ҳам асосий ишим болалар ва қўғирчоқлар билан боғлиқ бўлгани учун таклифга рози бўлдим. Мана, ўн бир йилдан буён ушбу кўрсатувга бошловчилик қилиб келаяпман. Ҳозир кўрсатув «Эртаклар – яхшиликка етаклар» деб номланган.

– Ҳар бир соҳа вакилининг ўз касб масъулияти бўлади. Масалан, шифокор беморнинг соғайиши учун, журналистлар эса айтадиган сўзи учун масъул. Сизчи, экранга чиқишдан олдин қандай масъулиятни ҳис қиласиз?

– Тўғрисини айтсам, сўз масъулияти, болалар билан мулоқот қилиш масъулияти жуда юксак. Халқимизда алдагани бола яхши, деган мақол бор. Бу мақол қайсидир жиҳатдан тўғридир, лекин чуқурроқ ўйлаб қараганда, болаларни алдаб эмас, улар билан рост гаплашиб муомала қилиш орқали табиий, жонли мулоқотга асло путур етказмаслик керак. Бу шак-шубҳасиз уларнинг маънавий тарбиясига ижобий таъсир ўтказади. Улар ҳам худди биздек дунёга теран назар ташлайди, фикрлашни ўрганади. Болалар – бизнинг келажагимиз давомчилари. Шу боисдан ҳар доим кўрсатув жараёнида зиммамдаги масъулиятни ҳис қиган ҳолда уларнинг кўнглига йўл топишга ва шу орқали болажонлар билан жонли мулоқот қилишга ҳаракат қиламан.

– Кўрсатувда бошловчилик қилишдан ташқари, дубляж соҳасида ҳам фаолият олиб борар экансиз. Ҳам кўрсатув, дубляж... қийинчилик туғдирмаяптими?

– Телевидениега келганимдан буён дубляж соҳасида фаолият олиб бораман. Дубляж ҳақиқатдан ҳам сеҳрли ва ўзгача дунё. Шунчалик бу соҳага боғланиб қолганманки, неча соат ишласам ҳам чарчамайман. Ҳаттоки, шундай вақтлар бўлган, етти-саккиз соат микрафон олдида тик туриб қаҳрамонларга овоз берганмиз.

Тўғрисини айтсам, ўзим ҳаётда жуда камгапман. Шунинг учун ичимдаги гапларни, дардларимни бировларга тўкиб сололмайман. Биз овоз берадиган кинолларда эса шунақаям таъсирли манологлар борки, уларни ўқиганингиз сари қаҳрамоннинг ички дунёсига кириб кетасиз, гўёки улар билан яшайсиз, уларнинг сўзлари орқали ичингиздаги ҳеч кимга айтилмаган дардларингизни айтиб оласиз. Шунинг учун ҳам дубляж соҳасини яхши кўраман ва ҳаётимнинг бир қисми деб биламан. Дубляжга энди келган вақтларимда бироз қийналганман. Чунки фильм қаҳрамонларининг овозларини худди улардек томошабинга етказиб бериш, жуда мушкул вазифа. Менинг бу соҳада ўз ўрнимни топишимда етук дубляж усталари – Камолиддин Усмонов, Комил Турсунбоев ва Йўлдош Абдукаримов каби устозларимизнинг хизматлари катта бўлган. Мен улардан жудаям миннатдорман.

– Янги кўрсатув дастури тайёрлаётган экансиз...

– Тўғри, ҳақиқатан ҳам «Эртаклар – яхшиликка етаклар» кўрсатуви таркибида болалар учун дам олиш дастурини тайёрлаяпмиз. Бу дастурни режа бўйича ҳафтанинг шанба ёки якшанба кунларида узатишни мўлжаллаяпмиз. Кўрсатувда асосан эртак қаҳрамонлари, болажонларнинг мусиқий чиқишлари ҳамда турли қизиқарли ўйинлар намойиш этилади. Дастур ғояси студияда тасдиқланган. Декорацияларнинг расмлари чизилиб эскизлари ҳам тайёрланган. Бунда менга бевосита ёш режиссёр Умид Машраббоевнинг ёрдами катта бўлаяпти. Яқин кунларда кўрсатув эфир юзини кўради. Ўйлайманки, бу дастур болажонларга манзур бўлади.

– Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Ижодий ишларингиз, ранг-баранг эртакларингиз жажжи мухлисларингиз кўнглини доим қувончга, эзгуликка тўлдираверсин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.



Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуси – энг буюк ва муқаддас туйғу ҳисобланади. Шоир Абдулвоҳид Саидматовнинг «Бу юртнинг» деб номланган мазкур шеърида ҳам туғилиб ўсган юртга бўлган меҳр ва муҳаббат самимий сатрларда ифода этилган.

БУ ЮРТНИНГ

Тошганида тоғу тошни кемирган,
Далли, жўшқин дарёси бор бу юртнинг.
Ёлғиз ўзи ёв лашкарин емирган,
Широқ кезган саҳроси бор бу юртнинг.


Ўчмагандир Ватан деган ноласи,
Мардлик эмар бешикдаги боласи.
Шу замин деб жонин тиккан лоласи,
Тўмариздек момоси бор бу юртнинг.

Бедов миниб Эрам боғда сайрона,
Тор тутганда тўти, булбул ҳайрона.
Сал жаҳлидан ёв қўрғони вайрона,
Гўрўғлидек танҳоси бор бу юртнинг.

Боғларида олма битган, нор битган,
Манглайига номус битган, ор битган.
Ўн икки йил сувга боқиб ёр кутган,
Вафо рамзи – Зуҳроси бор бу юртнинг.

Мозийларни суяб турган минори,
Соя солар минг асрлик чинори.
Балолардан асраган туғ – тумори,
«Уч юз олтмиш» Куброси бор бу юртнинг.

Бунда менга ҳар хазон – хас қадрдон,
Мозийлардан оққан ҳар сас қадрдон.
Шу заминга меҳрим бердим бир жаҳон,
Мендек ошиқ, шайдоси бор бу юртнинг.



Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Кун ғарбга оғиб улгурмай, пешин пайти қуюқ чанг-тўзон орасидан карвоннинг олд қисми кўринди. Дастлаб юзтача суворий ўтди. Гирдак соқчилар қуршовидаги сарҳанг Исмоилни таниди. Аскарларнинг дубулғалари ва қурол-яроғларида офтоб нури жилва қилади. Изма-из бир нечта соябон аравалар ғижирлаб ўтди. Йўл қамишзорлар орасида торайгач, суворийлар қисилишиб ўта бошладилар. Пусуғдагилар душман кўзига ташланмаслик учун от устида энкайиб, камонларини шайлардилар. Буғдой ортилган аравалар, савдогарлар моли ва хирож юкланган туялар ҳам ўтгач, турнақатор бандилар кела бошлади. Хийла сийраклашган отлиқлар уларни ҳар икки томондан ўраб борарди.

Тутқунларнинг кўриниши аянчли. Кўпларининг рафторига ўлим нуқси урган, етиб юролмаган, мадордан кетганлар боши узра қамчи ўйнади. Қулга хос хислатлар пайдо бўлиб, тилларидан жудо бўлгандек, энди унчалик оҳ-воҳ ва фарёд ҳам қилишмасди. Кўкда мағрур чўл бургути доира ясаб парвоз қилмоқда. Гоҳ ўқдек тикка юқорига учиб, қора нуқтага айланиб булутлар орасига сингиб кетар, гоҳ ханжардек ҳавони ёриб пастга шўнғиб тушаркан, яна бирдан қанотларини қоқиб, чарх уриб уча бошларди. Лекин тутқунларнинг бургут билан қанчалик иши бор? Зўр қайғу-алам уларнинг қаддини букиб, бошларини хам қилган, осмонга қарашга ҳоллари ҳам йўқ. Чўл арзандасининг мағрур парвози шу вазиятда ҳам бир неча лаҳзага Гирдакнинг диққатини тортди. Ўзи ҳам ўлжасига ташланаётган бургутдек шайланди. Кўзлари ёниб, қимтилган қонсиз лаблари орасидан бир неча сўз шивирлаб эшитилди. Унинг буйруғига биноан осмонга учига машъала илдирилган, тутун бурқситувчи ўқ узилди. Бу пусуғдан ҳужумга ўтишга ишора эди. Қамишзорлар орасидан ёй ўқлари визиллаб уча бошлади. Соқчилар орасида шовқин кўтарилди. Лаҳза ўтмай ўқ тешиб ўтган бир нечтаси отдан ағдарилди. Араблар хатарли қамишзорга юзланишди. Олдин юришга ботинолмай, эгар қошидан камонларини олиб, тўқайзорга тусмоллаб ўқ ёғдиришди. Лекин пистирмадаги оқ кийимлилар очиқ йўлда турган ёвни осонгина мўлжалга олишарди. Ўқ ёмғири бир оз тингач, қамишлар шатирлаб, олдин найзалар диккайиб чиқиб, сўнг отлиқ оқ кийимлилар кўринди. Рақиблар сурон кўтариб бир-бирига ташландилар. Тинчи бузилган қушлар уяларидан пат-пат учиб чиқиб, жангоҳ узра парвоз қила бошлади.

Шиддатли олишув аёвсиз хунрезлик билан кечди. Карвон ўртасидаги соқчиларнинг деярли барчаси ҳалок бўлди. Эгасиз қолган отлар кишнаганча қамишзор оралаб у ёқдан-бу ёққа чопарди. Ҳужумчилар устунликни қўлдан бермай, ортда келаётган соқчилар тўпини қуршовга олишди. Дафъатан пайдо бўлган оқ либосли қасоскорларни кўрган тутқунлар ҳам, тўсатдан тил биттандек, сурон кўтардилар. Улар кишанларини улоқтириб, ўлган соқчиларнинг қуролларини олиб, халоскорларига ёрдамга ошиқарди.

Аскарларнинг учдан бири билан карвон олдида бораётган Исмоил босқин хабарини эшитиши биланоқ жангга отилди. Отлиқлар тутқунларни аямай, босиб-янчиб келарди. Қуршовдагилар қаршилиги сусайгач, Гирдак уларни маҳв этиш учун Эрназар бошчилигида етарли аскар қолдириб, ўзи асосий кучни бошлаб, у ер-бу ерда давом этаётган майда тўқнашувларга эътибор бермай, Исмоилга пешвоз чиқди. Қалин отлиқлар сафи аралашиб, олатасир қиличбозлик бошланди. Тез орада от ва одамлар жасадлари йўлни қоплаб, дўнгликлар ҳосил бўлса-да, бу ҳол ҳам жанг шиддатини сусайтиролмади. Жангоҳ сурила-сурила йўлдан четлашиб, ўзига қонли йўлак ясаб, қамишзорлар орасидаги ялангликка яқинлашиб қолди. Ҳар иккала саркарда ҳайқириқлар билан ўз аскарларига далда берарди. Гирдакни танийдиган аскарлар орқали Исмоил исёнчилар сардори кимлигидан воқиф бўлган, илгари волий фармонига кўра қанча таъқиб қилиб, изини ҳам тополмаган ғаними йўлига пистирма қўйиб доғда қолдирганидан тепа сочи тикка бўларди.

– Қароқчи Гирдак! Бу охирги йўлтўсарлигинг бўлур, – қичқирди Исмоил оти бошини унга томон бураркан. – Бошингни кесиб, Бағдодга – халифа саройига элтамен.

– Бағдод тутул, Басрани ҳам кўролмайсен энди, қулфуруш, – жавобан бақирди Гирдак. – Бошингу лошинг шу қамишзорда чиябўриларга ем бўладур. Сен қўлимда жон берган иккинчи сарҳанг бўласен.

Улар бир-бирларига ташланиб, олиша кетди. Аскарлар бирин-кетин жангдан қўл тортиб, икки тарафда ярим доиралар қуриб туришди. Жанг натижасини мана шу олишув ҳал қилишини барча англарди. Саркардалар жипс келиб қилич солишар, отлари олдинга юрганда ажралиб кетишарди. Дақиқа ўтмай яна юзма-юз бўлишар, қиличлар шарақлаб, учқунлар сочар, зарбалар шиддатидан ҳавода иккита эмас, балки уч-тўртта қилич тўқнашаётгандек туюларди. Аскарлар ўз саркардалари зарбасини қийқириқлар билан қўллашарди. Бир неча бор Исмоил оқ кийимлилар, Гирдак араблар сафи олдига бориб қолди. Аммо ҳар икки тараф аскарлари хиёнаткорона зарбадан ўзини тияр, яккама-якка олишув қоидаси шу бўлиб, мабодо уни бузишса, ўз саркардалари ҳам дарҳол шундай зарбага дучор бўлишини билардилар.

Саркардалар ҳар гал шиддатли зарбалар алмашиб, яна бешакаст ажралиб кетишлари жангтоҳда тааҳҳуб ва ҳайрат уйғотарди. Ҳар иккаласидан тер қуюлар ва иккови ҳам ҳансираб нафас оларди. Галдаги олишув олдидан Гирдак рақиби қайта ҳамлага бир зум бўлса-да, ҳаяллаганини сезди. «Мендан кўра кўпроқ чарчабди, – яшин тезлигида кўнглидан кечди унинг. – Нафасини ростлашига фурсат бермасмен. Икки минг бандининг қисмати шу олишувга боғлиқ».

У пайдар-пай зарбалар билан Исмоилни жангчилар доирасининг жонли деворига сиқиб боришга муваффақ бўлди. Исмоил ҳам жон-жаҳди билан зарба бериб, ғанимини орқага суришга интиларди. Аллақачон пачоқ бўлган қалқонларини иккаласи ҳам ташлаб юборган. Сўнгги ҳалокатли зарбалар деярли баравар берилди. Исмоилнинг қиличи Гирдакнинг чап елкасига зарб билан тушиб, совутни кесиб ўтиб яралаганида, унинг қиличи учи сарҳангнинг кекирдагини тилиб ўтди. Қора қонга беланган Исмоил хириллаганча ерга қуларди.

Оқ кийимлилар шодон ҳайқириб, сурон кўтардилар. Гирдак жароҳатига эътибор бермай, қилич ушлаган ўнг қўлини баланд кўтариб, аскарларини ҳужумдан тўхтатиб қолди ва саросимага тушган арабларга юзланиб, хитоб қилди:

– Мағлубиятни тан олиб, жангсиз чекинганларга зиён-заҳмат етказмаймиз. Отингиз ва яроғингиз ўзингизники, бандилар эса бизники! Бунга қўнмаганлар Исмоилнинг ортидан жўнайдур.

Араблар ўз саркардалари жасадини олиб, тезда жангоҳни тарк этишди. Гирдак ярасини боғлатишга ҳам кўнмай карвоннинг олд тарафига юрди. Карвон олдида бир гуруҳ савдогарлар отларига миниб олиб, қочишини ё қолишини билмай, саросимада туришарди. Қочиб жон сақлашганида ҳам, моллари қолиб кетса, бу улар учун ўлгандан баттар.

– Шоввозлар, биз фақат олди-сотти билан машғул одамлармиз, – деб қичқирди савдогарлардан бири қуроли ва кийимларига қон сачраган қўрқинчли тусдаги оқ кийимлилар уларга яқинлашганида. – Бизни омон қўйиб юборинг. Ўзимиз ва молимиз учун омонлик пули берамиз.

– Орангизда қулжаллоблар борми? – ғазаб билан сўради Гирдак.



– Ўзимизга ўхшаган одамлар билан савдо қилишдан тангри сақласин, – деди ўша савдогар.

– Ораларида қулфурушлар бўлмаса доғи, араблар бордур, – деди ўнбошилардан бири. – Интиқом учун аларни ўлдириб, молини талон қилмоқ даркор.

– Биз қуролсиз ҳамда ўзининг тинч юмушига машғул одамларга дахл қилмаймиз, – деди Гирдак қатъий. – Барчангизга омонлик! Эвазига отларингизни оламиз. Моллорингиз юкланган туяларда йўлингизда давом этаверинг.

Сўнг Гирдак жангоҳни тез тарк этиб, йўлдан узоқлаб, чўлга ичкарилашни буюрди. Эгасиз отларнинг кўпларини ушлашди ва ҳалок бўлганларнинг қурол-яроғларини олдилар. Хирож юкланган туяларни ҳам олиб кетишди. Бир неча аравани буғдойдан бўшатиб, яradорларни юклашди. Аскарлар отдан тушиб, болалар ҳамда бемажол ва заифларни миндиришар, ўзлари жиловни ушлаб пиёда йўл юришарди. Оқ кийимлилар ва озод қилинганлар кун ботишига яқин барханлар орасидан ўтиб, қуруқ шувоқ ва қуврай поялари қоплаган ҳамвор ерга чиқишди. Юриш бир оз осонлашса-да, қаттиқ чарчаган эдилар. Аксарият яланғоёқ пиёдаларнинг оёқларига тикан кириб, яра-чақа қилган. Шафақ қизариб кун ботгач, оломон яккам-дуккам юлғунлар ўсган ялангликда тўхтади. Собиқ бандилар бир ерга ғуж бўлиб тўпланишди. Отлиқлар ва қуролланган пиёдалар ҳар эҳтимолга қарши уларни давра қилиб ўраб олишди. Биринчи галда ҳаммага бир неча қултумдан сув берилди. Яradорларнинг ярасини эплаганларича боғладилар. Сўнгра исёнчилар бор озиқ-овқатни, шунингдек, ўлжа тушган хўракларни озод этилганлар билан биргаликда баҳам кўришди.

Душман пайқамаслиги учун кечаси гулхан ёқилмади. Салқин тунни бир-бирларининг пинжига тиқилиб, дийдираб ўтказишди.

Саҳар чоғи Гирдак эллик отлиқни яна йўл томон юборди. Улар қамишзорни оралаб, тўполонда дуч келган тарафга қочган ва йўлдан адашган ёки қўрққанидан тўқай ичида яшириниб, қимирламай ётган яна уч юз чоғли кишини топиб келишди. Санаб кўрилганда икки юз чоғли киши йўқ экани маълум бўлди. Уларнинг бир қисми якка-якка ё гуруҳ-гуруҳ чўлнинг бошқа тарафларига қочган, баъзилари кўлга чўкиб кетган, от туёқлари тагида нобуд бўлган, яна бир қисмини эса аламига чидаёлмаган соқчилар чопиб ташлаган эди.

Тунда совқотиб чиққан одамлар қуёшнинг илиқ нурларида тетиклашиб, ўтган кунлар даҳшатидан бир оз фориғ бўлишди. Озод бўлганлари билан бир-бирини қутлаб, қучоқлашиб, гоҳ кўзларидан севинч ёшлари тўкишар, гоҳ кутилмаган бахтдан энтикиб, кулишарди.

(Давоми бор).

Кино оламида

«АПРЕЛЬ-МАЙ»

Кино оламида яратилаётган янги асарларга таъриф берилганда, кутилмаган фильм, жонли, романтикага бой фильм деган иборалар кўп бор тилга олинмоқда. «Бўрилар» фильми орқали томошабинларга яхши таниш бўлган режиссёр Зебо Наврўзованинг «Апрель-май» фильми ҳақида ҳам мазкур таърифларни бериш мумкин.

Ушбу картинада гўзал севги-муҳаббат туйғуси, инсоний муносабатлар ва ҳали ўзларининг бебош хоҳиш-истакларига асир бўлган замонавий ёшларнинг турмуш тарзи, ўзига хос тарзда талқин қилинади. Фильмни томоша қилар экансиз таассурот ва ҳаяжонларингиз ҳеч пасаймайди. Ҳаётий воқеалар, ҳаққоний бадиий образлар, ўзбек кинематографиясида кўпдан кутилган ҳақиқий муҳаббат ҳақидаги фильм яратилгани учун режиссёр З. Наврўзова ёшлар ҳаётининг шу жиҳатига эътибор қаратди ва картинани шундай номлади.

Мазкур фильмда ўзининг серқирра ижоди билан кино мухлисларига яхши таниш бўлган ва халқимиз назарига тушган Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, Эргаш Раҳимов, Ҳошим Арслонов, Шамсиқамар Мансурова, Зебо Наврўзовалар билан биргаликда истеъдодли актёрлар Бобур Арслонов, Шероз, Шоҳруҳхон, Азиз Раметовлар образларини маҳорат билан очиб беганлар.

– Фильмда бош қаҳрамон Шоҳруҳнинг отаси ролини ижро этганбиийликдан йироқ бўлмаган сюжетлар сизни беихтиёр ўзига жалб қилади. Фильмнинг суратга олиш майдони ҳам кенг: Тошкентдан Москвагача.



Қизиқ, нега фильм номи айнан «Апрель-май» деб, номланди? Бу савол томошабинларни ҳам қизиқтириши табиий. Ёшлик даврини баҳор фаслига қиёслашади. Чунки баҳорда табиат ҳам ўзининг бор тароватини кўз-кўз қилади. Бу эса инсонлар руҳиятини кўтариб, кўнгил ғуборларини ювиб кетади. Айнан баҳор фаслида ёшларнинг қалбида севги-муҳаббат куртак очади, юраклари шавқ-завққа тўлади. Шу боис умрнинг мана шу даври энг унутилмас ва эсда қоларли воқеалари билан ажралиб туради. Фильмда режиссёр ўзи ҳам ёшлигини эслаб, ўтган кунларини қайта кечиргандек бўлади. Ҳар бир кадрда ёшлик завқи, ёшлик шижоати, ёшлик ғурури ва ёшлик ҳаваси ҳукмрон.

– Фильмни томоша қилган ҳар бир инсон ундан ўзига хос ижобий хулоса чиқаради, деб ўйлайман. Чунки картинада бугунги кунинг долзарб мавзуси бўлган ёшлар ҳаёти, уларнинг тарбияси ва энг самимий туйғу бўлган, севги-муҳаббат туйғуси жуда ажойиб тарзда ёритилган. Шу боис фильм лирикага ва гўзалликка бой. Ўйлаймизки, фильм ўз мухлисларини топади.

Муслима ЎРОЛОВА.

Руководство Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан выражает глубокие соболезнования заместителю премьер-министра Республики Узбекистан Шоисматову Э. Р. в связи с безвременной кончиной брата

ШОИСМАТОВА
Шахидуллы Рахматуллаевича.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Владимир Кузнецов ва Роберт Ислакаев томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-4241. Адади 23600.